

# УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР

*Машхур қўшиқлар тўплами*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2002

Тўплаб, нашрга тайёрловчи ЭРГАШ ОЧИЛОВ, филология  
фанлари номзоди

Умрбоқий қўшиқлар: Машҳур қўшиқлар тўплами /  
Нашрга тайёрловчи, тўловчи Э. Очиллов. — Т.: «Шарқ»,  
2002— 224 б.

Асрлар давомида халқ ҳофизлари томонидан севиб куйлаб келинган ва ҳозирги кунда ҳам авж пардаларда янграётган кўплаб умрбоқий қўшиқларимиз борки, улар ўзбек миллий қўшиқчилигининг олтин фондидан жой олган. Халқ орзу-армонларининг ифодаси бўлган бу қўшиқларга ҳар бир замоннинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади.

Мумтоз қўшиқларга муҳаббат ҳеч қачон сўнмаган. Ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз мумтоз қўшиқларга тез-тез муурожаат қилмоқдалар, баъзан уларни замонавийлаштириб, эстрада йўлида куйламоқдалар. Бу бежиз эмас. Зеро, санъат бўстонига кириб келган ҳар бир ёш хонанданинг ҳам улуғ салафлари «панжасига панжа» ургиси, улар маромига етказиб куйлаган мумтоз қўшиқларни ижро этгиси келади. Лекин бу қўшиқларнинг ишончли ва мукамал матнини излаб топиш улар учун ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Бу ишда адабиётчилар ёрдамга келиши керак. Умрбоқий мумтоз қўшиқлар матнидан сараланган ушбу тўплам ана шу эзгу ният натижаси ўлароқ вужудга келди. У нафақат мумтоз қўшиқларга ихлос қўйган санъаткорларимизга, балки бутун қўшиқсевар халқимизга муносиб тухфа бўлади, деб ўйлаймиз.

**ББК 84(5У)5**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2002 й.

## Атоий

Ўлтурур эрди мени ҳижрон хаёлинг бўлмаса,  
Ё умиди давлати васли висолинг бўлмаса.

Ою кун зарра муориз<sup>1</sup> бўлғай эрди юзунга,  
Мўъжизи ҳусну малоҳат зулфу холинг бўлмаса.

Севмагай эрди киши оламда сендин ўзгани,  
Гар вафо қилмоқта ошиққа ўсолинг бўлмаса.

Эй жамолинг хусрави<sup>2</sup> сайёра ҳусн афлокида<sup>3</sup>,  
Тенгридин тун-кун тиларменким, заволинг бўлмаса!

Бехабар бўлса малак, кўргач сени инсон бикин<sup>4</sup>,  
Не ажаб, маҳшарда ҳам сўруқ-саволинг бўлмаса.

Одамийлиқдин эмаским, ул паридин айрилиб,  
Бу тирикликдин, кўнгул, гар инфиолинг<sup>5</sup> бўлмаса.

Қилу қолингдин<sup>6</sup>, Атоий, маърифат тутма умид,  
Ул оғиз, белинг хаёли бирла холинг бўлмаса.

---

<sup>1</sup> М у о р и з — муҳолиф, қарши турувчи, тортишувчи.

<sup>2</sup> Х у с р а в — шоҳ, султон. Бу ерда: қуёш.

<sup>3</sup> А ф л о к — фалак, осмон.

<sup>4</sup> Б и к и н — каби.

<sup>5</sup> И н ф и о л — шармандалик, хижолат, уят, ҳаё.

<sup>6</sup> Қ и л у қ о л — айтишув, мубоҳаса, тортишув.

\* \* \*

Гардундин<sup>1</sup> ўтар нолайи зорим кечаларда,  
Билмас, нетай, ул моҳ узорим<sup>2</sup> кечаларда.

Заҳра<sup>3</sup> ёрилур дарди фироқинда кўнгулдин,  
Оҳеки, чиқар ўқ киби ёрим кечаларда.

Йўқтур ғаму ранжу аламу қайғудин ўзга  
Ҳажрингда менинг ҳамдаму ёрим кечаларда.

Оғзи дамидур шому саҳар нуқлу<sup>4</sup> шаробим,  
Лаъли ғамидур дафъи хуморим кечаларда.

Ҳижрон черики<sup>5</sup>, баски, урур жонға шабихун<sup>6</sup>,  
Дунёни тутар гарду ғуборим кечаларда.

Ёд айласам ул шўҳи қароқчи қора кўзни,  
Қолмас, нетайин, сабру қарорим кечаларда.

Зулфи ғамидин ўлсам Атоий бикин, элга  
Бўлғусидурур ёр мазорим кечаларда.

---

<sup>1</sup> Г а р д у н — дунё, олам; фалак, осмон.

<sup>2</sup> У з о р — юз, чеҳра, рухсор.

<sup>3</sup> Ё р и м — бу ерда: ярим.

<sup>4</sup> З а ҳ р а — ўт, саффо.

<sup>5</sup> Н у қ л — газак.

<sup>6</sup> Ч е р и к — қўшин, лашкар.

<sup>7</sup> Ш а б и х у н — кечаси тўсатдан қилинадиган ҳужум; ғорат, талон-торож.

## Лутфий

Жамолу хуснунга сўз йўқ, вафо керак бўлса,  
Мени худ ўлтурадурсан, раво керак бўлса.

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини — сени севди,  
Балою гусса била мубтало керак бўлса.

Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун  
Жафо туганса, нетарсен, жафо керак бўлса?!

Кўнгулни ўзгага бергил, демангки, мушкилдур,  
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса.

Кишиким ўз жониға қасд этар, сени севсун,  
Дағи<sup>1</sup> эшикинга келсун, бало керак — бўлса!

Жамолу жоҳ<sup>2</sup> элидин юз фароғатим бордур,  
Ўрамунг<sup>3</sup> ити менга ошно керак бўлса.

Ўқу бу Лутфийи мунглуқ ниёзнамасини<sup>4</sup>,  
Савобу алқишу юз минг дуо керак бўлса.

---

<sup>1</sup> Д а ғ и (Д о ғ и) — яна, тагин; ҳам, ҳамда.

<sup>2</sup> Ж о ҳ — мансаб, амал, мартаба; давлат, бойлик; буюклик, шон-шараф, эътибор.

<sup>3</sup> Ў р а м — кўча, кўй, маҳалла.

<sup>4</sup> Н и ё з н о м а — илтимоснома, илтижонома.

\* \* \*

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,  
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.

Ўртанмагу кўз ёшию ўлмактурур ишим,  
Бу қиссани ул шамъи шабистонима<sup>1</sup> айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон ғунча менгизлиқ<sup>2</sup>,  
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юз уза юдуз киби сонсиз,  
Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобонима<sup>3</sup> айтинг.

Лутфийи дилафгор<sup>4</sup> тилар ҳажр элидин дод,  
Аҳволини у бегимау хонима айтинг.

---

<sup>1</sup> Ш а м ъ и ш а б и с т о н — уйни ёритувчи шамъ, яъни маҳбуба.

<sup>2</sup> М е н г и з л и қ — бу ерда: каби, сингари.

<sup>3</sup> М а ҳ и т о б о н — тўлин ой; бу ерда: маҳбуба.

<sup>4</sup> Д и л а ф г о р — дили хаста, кўнгли вайрон.

\* \* \*

Жамолинг шамъина парвона келдим,  
Фироқ ўтина ёна-ёна келдим.

Фироқинг зулмидин дод<sup>1</sup> истамакка,  
Сенингтект нозанин султона келдим.

Пари рухсора, сентек дилрабони  
Кўройин деб, мени девона келдим.

Лабингдин сўрғали келдим табуқда<sup>2</sup>,  
Хизртект<sup>3</sup> чашмаи ҳайвона<sup>4</sup> келдим.

Юзунгнинг ҳажридин жонимға еттим,  
Анинг учун сенингтект жона келдим.

Қошинг ёсин<sup>5</sup> кўруб, ийд<sup>6</sup> ойдир деб,  
Қошингда Лутфийдек қурбона келдим.

---

<sup>1</sup> Д о д — бу ерда: инсоф, адолат.

<sup>2</sup> Т а б у қ — бўйсунуш, сажда қилиш; ҳузур, хизмат.

<sup>3</sup> Х и з р — мангулик чашмасини излаб топган ва оби ҳаётдан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар.

<sup>4</sup> Ч а ш м а и ҳ а й в о н — Хизр топган оби ҳаёт чашмаси.

<sup>5</sup> Ё — ёй, к а м о н; қошнинг қайрилмалиги унга нисбат берилади.

<sup>6</sup> И й д — ҳайит, байрам.

\* \* \*

Кўкарди чаман, гулғузорим қани?  
Сиҳи сарв<sup>1</sup> бўйлуқ нигорим қани?

Тошибдур букун васли гул андалиб<sup>2</sup>,  
Дариғо<sup>3</sup>, менинг навбаҳорим қани?

Эшикингда тупроқ бўлдум вале  
Демадингким, ул хоксорим<sup>4</sup> қани?

Сенинг аҳди хуснунгда йўқ менда сабр,  
Менинг ул бурунқи қарорим қани?

Эришур дебон қилма Лутфийға қаҳр,  
Бу ишда, бегим, ихтиёрим қани?!

---

<sup>1</sup> С и ҳ и с а р в — тик ва баланд сарв; чиройли, ёш сарв. Бу ерда: сиҳи — рост, баланд; сарв — тик ўсадиган хушқомат дарахт. Мумтоз шеърятда маъшуқанинг қомати сарвга ўхшатилади.

<sup>2</sup> А н д а л и б — булбул.

<sup>3</sup> Д а р и ғ — афсус, надомат; қизраниш, аяш, кўз қиймаслик.

<sup>4</sup> Х о к с о р — хор, эътиборсиз, бечора.



\* \* \*

Қайдин доғи кўрдум мен ўшул кўзи қарони,  
Куч бирла кетурди бу кўнгул бошға балони.

Бу хомтамаъ кўнглум агар бўлмаса мажнун<sup>1</sup>,  
Сен сиймбададинму<sup>2</sup> тилар эрди вафони?

Дардимға қилур чора табассум била лаълинг,  
Исо<sup>3</sup> қани ўрганса бу «Қонун»у «Шифо»ни!<sup>4</sup>

Бир қил учини минг ёрайин сўзи қошинда,  
Касб этсам агар кун юзудин зарра сафони.

Бўлғай асари бахт, дағи толеъи масъуд<sup>5</sup>,  
Гар ҳафтада бир кўрсам ўшул моҳлиқони<sup>6</sup>.

Беважҳ чиқар кун юзи давринда уёлмас,  
Бир йўли ўшал хира кейин солди ҳаёни.

Гар бўлса эди зарра вужуд оғзида пайдо,  
Лутфий қачон андиша қилур эрди фанони?<sup>7</sup>

---

<sup>1</sup> М а ж н у н — бу ерда: жинни, ақдан озган, эси паст.

<sup>2</sup> С и й м б а д а н — оқ бадан; хушрўй, зебо.

<sup>3</sup> И с о — Исо пайғамбар. У кишининг қўллари теккан — силаган ўликка жон кирар эди. Шунинг учун ҳам у зот ал-масих — силовчи деб улуғланган.

<sup>4</sup> Бу ерда Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тиб» ва «Китоб-уш-шифо» асарлари кўзда тutilмоқда.

<sup>5</sup> М а с ъ у д — бахтли, саодатли.

<sup>6</sup> М о ҳ л и қ о — ой юзли.

<sup>7</sup> Ф а н о — йўқ бўлиш, ўлиш, бақосизлик; тасаввуф йўлига кириш, ўзни унутиш, ўзликдан кечиш.

## Ҳофиз Хоразмий

Ой юзунгга жон била то бандаман,  
Меҳри равшандил бикин тобандаман<sup>1</sup>.

Кўргали юзунг гулистонин кўзум  
Завқ бирла гул бикин пурхандаман<sup>2</sup>.

Гулни ўхшатғали ол<sup>3</sup> энгларингга<sup>4</sup>,  
Бу жиҳаттин лолатак шармандаман.

Пойбўсунг<sup>5</sup> даст бергали<sup>6</sup> манга,  
Топтим, эй жон, давлати поянда<sup>7</sup> ман.

Жонни бердим бир йўли йўлингга, лек  
Ишқинг ила то қиёмат зиндаман<sup>8</sup>.

Ман санга жон бирла ошиқман вале  
Сан, нигоро, қандасан, ман қандаман?

Сан шаҳаншоҳи замонсан ҳусн ила,  
Ҳофизи бечоратак ман бандаман.

---

<sup>1</sup> Т о б а н д а — нур сочувчи, дурахшон.

<sup>2</sup> П у р х а н д а — шод, қувноқ, хандон.

<sup>3</sup> О л — қизил.

<sup>4</sup> Э н г — юз, чеҳра.

<sup>5</sup> П о й б ў с — оёқни ўпиш.

<sup>6</sup> Д а с т б е р м о қ — ҳосил бўлмоқ, муяссар бўлмоқ.

<sup>7</sup> П о я н д а — барқарор.

<sup>8</sup> З и н д а — тирик, ҳаёт.

*Низомий Ганжавий*

Мен ошиқман гўзал юзга, юзи ойга солур ғавго,  
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо.

Агарда кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,  
Не чашма? Чашмаи дур ул. Не дурдир? Марварид  
аъло.

Хиром этса агар боғда, бўлур ҳар ёнда минг ғул-ғул,  
Не ғулғул? Ғулғули булбул. Не булбул? Булбули шайдо.

Хаёлим бор дилимда — ғам ила ҳамдам хаёлдир ул.  
Не ҳамдам? Ҳамдами маҳрам. Не маҳрам? Маҳрами  
жоно.

Нигоримда гўзаллик кўп, яна зулфида хушбўйлик.  
Не хушбўй? Хушбўйи анбар. Не анбар? Анбари соро.

Низомий, дилбар ишқинда керакдир сенга бир шарбат.  
Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил? Қотили бурро.

*(Шоислом Шомуҳамедов таржимаси)*

## **Ҳофиз Шерозий**

Чолғучи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,  
Изла шароб дилкушо янги ва янги, хилма-хил.

Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтур нигор ила  
Бўса-ла ком этиб раво, янги ва янги, хилма-хил.

Сенга тилак бўлурми ром, кўтармасанг қадаҳ мудом,  
Ёди-ла майни ич расо, янги ва янги ва хилма-хил.

Нима қилса гўзал пари, қилгуси мен учун бари,  
Ранг ила ўсмаву хино янги ва янги, хилма-хил.

Тонг ели, эссанг ҳар қачон, гар ўша дилбарим томон,  
Ҳофизнинг арзин эт адо янги ва янги, хилма-хил.

*(Хуршид таржимаси)*



## Алишер Навоий

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиф кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил манга, зулм айладинг,  
Сен қачон дединг фидо бўлғил манго, бўлдум санга.

Қай парипайкарга дерсен — телба бўлдунг бу сифат,  
Эй парипайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам<sup>1</sup> бирла Хизр суйи<sup>2</sup> насибимдур мудом,  
Соқие, то тарки жоҳ айлаб, гадо бўлдум санга.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ<sup>3</sup> аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

---

<sup>1</sup> Ж о м и Ж а м — афсонавий подшоҳ Жамшидининг қадаҳи — у бутун жаҳонни ўзида акс эттирар эмиш; умуман, май қадаҳига ишора.

<sup>2</sup> Х и з р с у й и — оби ҳаёт.

<sup>3</sup> У ш ш о қ — ошиқлар.

\* \* \*

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум<sup>1</sup> шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда, қўрқармен, фалакни ўртагай —  
Ҳар шарореким<sup>2</sup>, бўлур бу ўтлуғ аффондин<sup>3</sup> жудо.

Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,  
Жисм айларму фиғон бўлган нафас жондин жудо?

Ҳажр ўлумдин талх<sup>4</sup> эмиш, мундин сўнг, эй гардун,  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо!  
мени

Бўлса юз минг жоним, ол, эй ҳажр, лекин қилмағил  
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Васл аро парвона<sup>5</sup> ўртаңди ҳамоно билдиким,  
Қилғудекдур субҳ<sup>6</sup> ани шамъи шабистондин жудо.

Бир эясиз<sup>7</sup> ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

---

<sup>1</sup> Т а к а л л у м — сўз, нутқ.

<sup>2</sup> Ш а р о р — учқун, аланга.

<sup>3</sup> А ф ф о н — фиғонлар, фарёдлар, нолалар; овоз, садо, жаранг,  
бонг.

<sup>4</sup> Т а л х — аччиқ, ёмон.

<sup>5</sup> П а р в о н а — кечаси чироқ ёки шамъ атрофида айланиб,  
ўзини унга урадиган ҳашарот.

<sup>6</sup> С у б ҳ — тонг, тонг пайти.

<sup>7</sup> Э я — эга.

\* \* \*

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон<sup>1</sup> айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин бебабму бизни қурбон айладинг.  
Ё юзунга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тиф ила пайконларинг<sup>2</sup> етти кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қуюб, тухм эктинг, ул кишварни<sup>3</sup> вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун<sup>4</sup> ҳулла<sup>5</sup> жаннат хозини<sup>6</sup>  
Ишқ мақтулин<sup>7</sup> шаҳид<sup>8</sup> айларда урэн<sup>9</sup> айлагач.

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонга қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни<sup>10</sup> султон ганж<sup>11</sup> пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

---

<sup>1</sup> А н б а р а ф ш о н — анбар сочувчи, хуш бўй таратувчи.

<sup>2</sup> П а й к о н — камон ўқининг учидаги учлик темир; найзанинг ўткир учи.

<sup>3</sup> К и ш в а р — мамлакат, ўлка, вилоят; иқлим.

<sup>4</sup> Г у л г у н — гулранг, пуштиранг, қизил.

<sup>5</sup> Ҳ у л л а — либос, кийим; нафис матодан тикилган кийим.

<sup>6</sup> Х о з и н — хазиначи, қўриқчи.

<sup>7</sup> М а қ т у л — қатл қилинган, ўлдирилган.

<sup>8</sup> Ш а ҳ и д — қурбон.

<sup>9</sup> У р ё н — яланғоч.

<sup>10</sup> М а ҳ р а м — сирдош, улфат, ҳамдам.

<sup>11</sup> Г а н ж — хазина, бойлик; нақд, олтин, кумуш.



\* \* \*

Кўзунг не бало қаро бўлуптур  
Ким, жонға қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди  
Дардинги, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,  
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сари анга ҳаво<sup>1</sup> бўлуптур.

Боқий топар улки, бўлди фоний<sup>2</sup>,  
Раҳравга<sup>3</sup> бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

---

<sup>1</sup> Бу байтда ҳаво сўзи биринчи мисрада — майл, орзу, иккинчи мисрада — парвоз маъносида келаяпти.

<sup>2</sup> Бу байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, ишқ йўлида фано бўлмаган, яъни ўзидан кечмаган бақога — илоҳий ишққа муяссар бўлмайди, деган мазмунни ўзида ифодалаган.

<sup>3</sup> Р а ҳ р а в — йўловчи; бу ерда: солиқ, мурид.

\* \* \*

Ёр борди-ю, кўнглумда анинг нози қолиптур,  
Андоқки, қулоғим тўла овози қолиптур.

Кўз хонасини қилди барандохта<sup>1</sup> бу ашк<sup>2</sup>,  
Кўз борди вале хонабарандози<sup>3</sup> қолиптур.

Кўнглум қуши то сунбулунгуз<sup>4</sup> домиға<sup>5</sup> тушти,  
Булбул киби ҳар гул сори парвози қолиптур.

Ул қуш сафар айлаб, не тараб<sup>6</sup> гулбунин<sup>7</sup> очқай  
Ким, боғ аро бир сарви сарафрози<sup>8</sup> қолиптур.

Мен ишқ румузин<sup>9</sup> демай ўлдум, сафар этким,  
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш<sup>10</sup> рози қолиптур.

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,  
Ул борди-ю, эл ичра саровози<sup>11</sup> қолиптур.

Ҳижрону висолин қўпу оз дема, Навоий,  
Юз шукр, деким, кўпи бориб, ози қолиптур.

---

<sup>1</sup> Б а р а н д о х т а — вайрон, қулаган, соврилган, қўпорилган.

<sup>2</sup> А ш к — кўз ёши.

<sup>3</sup> Х о н а б а р а н д о з — уйни бошига кўтарувчи, уйини соғурувчи.

<sup>4</sup> С у н б у л — бу ерда: маъшуканинг сочи.

<sup>5</sup> Д о м — тузоқ, тўр.

<sup>6</sup> Т а р а б — хурсандлик, шодлик, айшу ишрат.

<sup>7</sup> Г у л б у н — садбарг гулининг буттаси.

<sup>8</sup> С а р а ф р о з — юксак, баланд; хурсанд, мағрур.

<sup>9</sup> Р у м у з — рамз; имо, ишорат.

<sup>10</sup> Ў к у ш — кўп, анча, талай.

<sup>11</sup> С а р о в о з — овоза.

\* \* \*

Навбахор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлғандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз<sup>1</sup>,  
Ваҳки, менмен гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен<sup>2</sup>  
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.

Равза<sup>3</sup> ашжори<sup>4</sup> ўтундур, гуллари жонимға ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Май чу<sup>5</sup> бердинг, зулф ила банд эт мени, эй муғбача<sup>6</sup>  
Ким, хуш эрмас муғ<sup>7</sup> била ичмак қадаҳ зуннорсиз<sup>8</sup>.

Топмадуқ гулранг жоме бехумор, эй боғбон,  
Ваҳки, бу гулшан аро гул битмас эрмиш хорсиз<sup>9</sup>.

Аҳли зуҳд<sup>10</sup> ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,  
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким<sup>11</sup>, хамморсиз<sup>12</sup>.

---

<sup>1</sup> Нағмасоз — чолғучи, куйловчи, созаңда.

<sup>2</sup> Озурда — озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган.

<sup>3</sup> Равза — бу ерда: жаннат.

<sup>4</sup> Ашжор — дарахтлар.

<sup>5</sup> Чу (чун) — ки, чунки; агар; вақтики; ўхшаш, монанд.

<sup>6</sup> Муғбача — муғлар, яъни оташпарастлар хизматидаги бола; мажозан (кўчма маънода): соқий, маъшуга.

<sup>7</sup> Муғ — оташпараст, оташпарастлар руҳонийси; мажозан: майфуруш.

<sup>8</sup> Зуннор — христианлар белига боғлайдиган чилвир, белбоғ; бут, ўзига сиғинтирувчи, тортувчи.

<sup>9</sup> Хор — тикан.

<sup>10</sup> Зуҳд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

<sup>11</sup> Жамъ — бу ерда: гуруҳ, жамоат.

<sup>12</sup> Хаммор — майхўр, ичкиликка берилган.

\* \* \*

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,  
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қора туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қора туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,  
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,  
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ<sup>1</sup>.

Зулматеким, чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,  
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони<sup>2</sup> йўқ.

Дўзахеким, равзаи ризвондин ўлғай ноумид,  
Бир хуморедурки, анда мастлиғ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор  
Ҳажрдин дардию, лекин васлдин дармони йўқ.

---

<sup>1</sup> Афсонага кўра чашмаи ҳайвон, яъни оби ҳаёт чашмаси ер остидаги қоронғулик — зулматда сақланади.

<sup>2</sup> Р а в з а и р и з в о н — жаннат боғлари.

\* \* \*

Қаро кўзум, келу, мардумлуғ<sup>1</sup> эмди фан<sup>2</sup> қилғил,  
Кўзум қаросида мардум<sup>3</sup> киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин<sup>4</sup> яса гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға<sup>5</sup> бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингта ғамзада<sup>6</sup> жон риштасин расан<sup>7</sup> қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх<sup>8</sup>,  
Хамир этиб, яна ул тоғда Кўҳкан<sup>9</sup> қилғил.

Юзунг висолиға етсун, десанг, кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан<sup>10</sup> қилғил.

Ҳазон сипоҳиға<sup>11</sup>, эй боғбон, эмас монеъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ<sup>12</sup>, мени  
Гулоб<sup>13</sup> ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани<sup>14</sup> шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ<sup>15</sup> ўқин шамъи анжуман қилғил.

<sup>1</sup> М а р д у м л и ғ — одамийлик, инсонийлик.

<sup>2</sup> Ф а н — бу ерда: касб, ҳунар; мақсад.

<sup>3</sup> М а р д у м — кўз қорачиги, кўз қораси; одам, инсон.

<sup>4</sup> Р а в з а — бу ерда: боғ.

<sup>5</sup> Т а к о в а р — йўрға от.

<sup>6</sup> Ғ а м з а д а — ғамгин, қайғули.

<sup>7</sup> Р и ш т а — ип; тор; томир. Р а с а н — арқон, ип.

<sup>8</sup> Ч а р х — фалак, осмон; гардиш; давр, замон.

<sup>9</sup> К ў ҳ к а н — тоғ қазувчи; Фарҳоднинг лақаби.

<sup>10</sup> Ч и н и л а ш и к а н — ҳалқа ва жингалак; печу тоб.

<sup>11</sup> С и п о ҳ — аскар, қўшин, лашкар.

<sup>12</sup> Р а ф и қ — дўст; ҳамроҳ; маҳбуба; ҳамдард.

<sup>13</sup> Г у л о б — гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; кўз ёши.

<sup>14</sup> А н ж у м а н — мажлис, йиғин, маърака.

<sup>15</sup> Б о ш о ғ л и ғ — ўткир учли, ўткир тигил.

\* \* \*

Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум,  
Очилди гунчаю лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола<sup>1</sup> эрдим андоққим:  
Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум.

Гум<sup>2</sup> ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ  
Ки, гунчалар ора истаб, топилмади кўнглум.

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,  
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

Юзунг назорасида<sup>3</sup> масту маҳв<sup>4</sup> эди, яъни  
Ки, гул чоғида замоне ойилмади<sup>5</sup> кўнглум.

Замона гулбунида гунчадеқдур эл кўнгли,  
Аларға, шукрки, боре қотилмади<sup>6</sup> кўнглум.

Навоий, гунча тилаб, кўнглум оғзин этти ҳавас,  
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади<sup>7</sup> кўнглум.

---

<sup>1</sup> В о л а — мафтун, шайдо.

<sup>2</sup> Г у м — йўқолиш, бойиб.

<sup>3</sup> Н а з о р а — қараш, назар солиш, томоша қилиш.

<sup>4</sup> М а ҳ в — йўқолиш, йўқотиш.

<sup>5</sup> О й и л м а д и — айрилмади.

<sup>6</sup> Қ о т и л м а д и — қўшилмади.

<sup>7</sup> Ё н г и л м а д и — умидини узмади.

\* \* \*

Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ<sup>1</sup> ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним<sup>2</sup>,  
Кўрунмас бўлса кўксим ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек<sup>3</sup>, сиришким<sup>4</sup> оқти  
Жайхундек<sup>5</sup>,  
Музайян<sup>6</sup> қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним<sup>7</sup>.

Фалак<sup>8</sup> ҳам тўлди кавкабдин<sup>9</sup>, қуёш ҳам тушти  
ашҳабдин<sup>10</sup>,  
Келиб тушмас бу маркабдин<sup>11</sup> менинг хуршиди  
рахшоним<sup>12</sup>.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ<sup>13</sup>, бу зулмат ичра ўлғум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ<sup>14</sup>, етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема, кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик<sup>15</sup> етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор<sup>16</sup> етмиш фалакни дуди<sup>17</sup> афғоним.

Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,  
Ғамим йўқ бўйла<sup>18</sup> юз жоңдин, етиб гар келса жононим.

<sup>1</sup> А н д у ҳ — ғам, алам, қайғу, дард, ранж.

<sup>2</sup> Г и р и б о н — ёқа.

<sup>3</sup> Д у р р и м а к н у н — садаф ичидаги дур.

<sup>4</sup> С и р и ш к — қатра, кўз ёши.

<sup>5</sup> Ж а й х у н — Амударё.

<sup>6</sup> М у з а й я н — зийнатланган, безанган.

<sup>7</sup> Ғ а л т о н — думалоқ.

<sup>8</sup> Ф а л а к — осмон, кўк.

<sup>9</sup> К а в к а б — юлдуз, сайёра.

<sup>10</sup> А ш ҳ а б — оқ, оқиш бўз от.

<sup>11</sup> М а р к а б — улов; от, туя каби миниладиган ҳайвон.

<sup>12</sup> Р а х ш о н — ялтироқ, порлоқ, живаланувчи.

<sup>13</sup> Ч а ҳ — чуқур, қудуқ, зиңдон.

<sup>14</sup> Р а ҳ - йўл, из. Х и з р и р а ҳ — раҳнамо.

<sup>15</sup> Т и й р а л и к — қоронғулик; хиралик.

<sup>16</sup> Т о р — бу ерда: қоронғу.

<sup>17</sup> Д у д — тутун; оҳ, оҳу нола.

<sup>18</sup> Б ў й л а — бунақа, бу каби, бу хил, бундай, шунчалик.

\* \* \*

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон бaсe<sup>1</sup> қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре<sup>2</sup> кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста<sup>3</sup> бўлдум, дилситоне<sup>4</sup> топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,  
Бир камонабрўда<sup>5</sup> тузлуқдин<sup>6</sup> нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча — пайкон, гул —  
Даҳр<sup>7</sup> боғи ичра муңдоқ гулситоне топмадим.  
ТИКОН,

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўб ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин булғажаброқ<sup>8</sup> достоне топмадим.

Табъ ганжидин маони<sup>9</sup> хурдасин<sup>10</sup>, юз қатла ҳайф  
Ким, нисор этмакка шоҳи хурдадоне<sup>11</sup> топмадим.

Ул амон<sup>12</sup> ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

---

<sup>1</sup> Б а с e — кўп, бениҳоя, шу қадар; аксари.

<sup>2</sup> Ғ а м г у с о р — ғамдан халос қилувчи, кўнгли очувчи.

<sup>3</sup> Д и л х а с т а — кўнгли дардлик, кўнгли эзилган, дили вайрон.

<sup>4</sup> Д и л с и т о н — кўнглини ўзига асир қилувчи; маъшуқа.

<sup>5</sup> К а м о н а б р ў — қоши камон.

<sup>6</sup> Т у з л у қ — тўғрилиқ, ҳалоллик.

<sup>7</sup> Д а ҳ р — дунё, олам; замон, давр; ер юзи; ҳаёт.

<sup>8</sup> Б у л ғ а ж а б — ажойиб, ҳайрон қоларли, таажжубланарли.

<sup>9</sup> М а о н и (й) — маънолар.

<sup>10</sup> Х у р д а — сир; майда, реза; сабаб, боис.

<sup>11</sup> Х у р д а д о н — нозикфаҳм, ўткир заковатли.

<sup>12</sup> А м о н — хавфсизлик, осойишталик; нажот топмоқ, қутулмоқ.



\* \* \*

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур<sup>1</sup> ўлмасун,  
Жумлайи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.

Мен бўлай оввора то ишқимдин айлаб гуфтугўй<sup>2</sup>,  
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур<sup>3</sup> ўлмасун.

Жонима бедоду<sup>4</sup> зулмин, ё раб, ул миқдор қил  
Ким, анинг ошиқлиғи ҳар кимға мақдур<sup>5</sup> ўлмасун.

Мен худ<sup>6</sup> ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз<sup>7</sup>,  
Навҳа<sup>8</sup> тортиб, мотамим тутмоқда маъзур<sup>9</sup> ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,  
Бизни бузди, ҳаргиз<sup>10</sup> ул, ё рабки, маъмур<sup>11</sup> ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,  
Воқиф<sup>12</sup> ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур<sup>13</sup> ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим — қовди кўйидин мени,  
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.

---

<sup>1</sup> М а ҳ ж у р — айрилиб қолган, узоқлашган; маҳрум; йироқ.

<sup>2</sup> Г у ф т у г ў й — суҳбатлашиш, гаплашиш, нутқ.

<sup>3</sup> М а з к у р — тилга олинган, зикр қилинган; гап-сўз бўлган, одамлар оғзиға тушган; машҳур.

<sup>4</sup> Б е д о д — адолатсизлик, зулм; жабр, ситам.

<sup>5</sup> М а қ д у р — бу ерда: тақдир.

<sup>6</sup> Х у д — ўзи; ўзича; ёлғиз, фақат.

<sup>7</sup> П о к б о з — садоқатли ошиқ, ҳалол, чин, беғараз.

<sup>8</sup> Н а в ҳ а — йиғи-сиғи, нола, мунгли йиғи.

<sup>9</sup> М а ъ з у р — узрли.

<sup>10</sup> Ҳ а р г и з — ҳеч қачон, асло.

<sup>11</sup> М а ъ м у р — обод, ободон.

<sup>12</sup> В о қ и ф — хабардор, билувчи.

<sup>13</sup> М а х м у р — маст, кайфи ошган, хумор.

\* \* \*

Фурқатингдин<sup>1</sup> заъфарон<sup>2</sup> узра тўқармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар<sup>3</sup>.

Дур тишингдин донайи сабрим қолур бевар<sup>4</sup>, десам,  
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жолалар<sup>5</sup>.

Барги гул узра ёпишибдур шакар ҳар саридин,  
Ё магар лаълинг уза қайнабдурур табхолалар<sup>6</sup>.

Тола-тола най<sup>7</sup> ўқунг кўксумда гўё синдиким,  
Теврулуптур нотавон кўнглумда бир-бир толалар.

Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно, турфадур<sup>8</sup>  
Ким, кўруптур бир қуёш давринда мундоқ ҳолалар<sup>9</sup>.

Бордилар аҳбобу<sup>10</sup> мен йиғлармен ўз аҳволима,  
Корвондин қолған ит янглиғки, қилғай ноалалар.

Кўҳи<sup>11</sup> ғам бўлди Навоий, лолалар — гулгун сиришк,  
Тоғ агар будур, бале, ашк ўлғусидур лолалар.

---

<sup>1</sup> Ф у р қ а т — айрилик, жудолик.

<sup>2</sup> З а ъ ф а р о н — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; сарик ранг.

<sup>3</sup> П а р г о л а — парча-парча, бўлак; изтироб, алам, қайғу.

<sup>4</sup> Б е б а р — ҳосилсиз, мевасиз, самарасиз, беҳосил.

<sup>5</sup> Ж о л а — дўл; шабнам; кўз ёши.

<sup>6</sup> Т а б х о л а — учуқ.

<sup>7</sup> Н а й — қамиш; чолғу асбоби.

<sup>8</sup> Т у р ф а — қизик, одам ақли ҳайрон қоларли; нодир.

<sup>9</sup> Ҳ о л а — ой ва қуёш атрофидаги гардиш.

<sup>10</sup> А ҳ б о б — дўстлар, сирдошлар.

<sup>11</sup> К ў ҳ — тоғ.

\* \* \*

Эй сабо<sup>1</sup>, ҳолим бориб сарви хиромонимға<sup>2</sup> айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги<sup>3</sup> хандонимға айт.

Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи,  
Яхши фурсат топсанг, ул бадъаҳду<sup>4</sup> паймонимға  
айт.

Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили,  
Куфр ила бўлмиш мубаддал<sup>5</sup>, номусулмонимға айт.

Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман<sup>6</sup> жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки, юз жон садқаси қилсам, пушаймон бўлмағум,  
Васлидин бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки, юз минг фитнакўзлут бўлса пайдо онсизин,  
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға<sup>7</sup> айт.

Буки, чок айлаб ёқа, усрук<sup>8</sup> чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлиб, эл жон топар, бебок<sup>9</sup> нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,  
Юзи гул, жисми суман<sup>10</sup>, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға<sup>11</sup> айт.

---

<sup>1</sup> С а б о — тонг ели, ёқимли шаббода; эрта тонг, сахар.

<sup>2</sup> С а р в и х и р о м о н — келишган, чиройли юрувчи маҳбуба.

<sup>3</sup> Г у л б а р г — гул япроғи; мажозан: маъшуқа, дилбар.

<sup>4</sup> Б а д ъ а ҳ д — аҳди ёмон, бевафо, аҳдида турмайдиган.

<sup>5</sup> М у б а д д а л — алмашинган, айирбошланган.

<sup>6</sup> Т у м а н — ўн минг.

<sup>7</sup> Ф а т т о н — фитна солувчи, мафтун қилувчи; жозибали.

<sup>8</sup> У с р у к — маст, сархуш.

<sup>9</sup> Б е б о к — ботир, қўрқмас; золим, тошбағир; маъшуқа.

<sup>10</sup> С у м а н — ёсмин гули, хушбўй оқ гул.

<sup>11</sup> С у х а н д о н — сўз устаси, нотик.

\* \* \*

Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас  
Ким, ул ойнинг ҳажри ҳам аввалғиларға ўхшамас.

Не ситамким, қилса раҳм махфий эрди зимнида<sup>1</sup>,  
Эмди қилса ҳар ситам аввалғиларға ўхшамас.

Демангиз Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,  
Хўблиқда<sup>2</sup> ул санам аввалғиларға ўхшамас.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,  
Ўлмишамким, бу алам аввалғиларға ўхшамас.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени  
Ким, бу расвои дижам<sup>3</sup> аввалғиларға ўхшамас.

Кўйининг эҳромидин<sup>4</sup> кўнглумни манъ этманг яна  
Ким, анга азми ҳарам<sup>5</sup> аввалғиларға ўхшамас.

Эй Навоий, қилма Жамшиду<sup>6</sup> Фаридун<sup>7</sup> васфиким,  
Шоҳ Фозийға<sup>8</sup> карам аввалғиларға ўхшамас.

---

<sup>1</sup> З и м н и д а — бу ерда: ичида.

<sup>2</sup> Х ў б л и қ — яхшилик; гўзаллик.

<sup>3</sup> Д и ж а м — эзилган, хор, ғамгин, сўлгин, азоб чеккан.

<sup>4</sup> Э ҳ р о м — ҳажга борувчилар кийими; бирор ерга боришни қасд қилиш.

<sup>5</sup> А з м и ҳ а р а м — ҳаж сафари нияти.

<sup>6</sup> Ж а м ш и д — Пешдодийлар сулоласига мансуб машҳур эрон шоҳи.

<sup>7</sup> Ф а р и д у н — Пешдодийлар сулоласига мансуб машҳур эрон шоҳи.

<sup>8</sup> Ш о ҳ Ф о з и й — Хусайн Бойқаро.

\* \* \*

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?  
Кўнглама ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Кўзи қаҳринму дейин, кирпичи заҳринму дейин,  
Бу кудурат<sup>1</sup> аро рухсори сафосинму<sup>2</sup> дейин?

Ишқ дардинму дейин, ҳажр набардинму<sup>3</sup> дейин,  
Бу қатик дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,  
Бирининг қайди<sup>4</sup>, яна бирнинг адосинму<sup>5</sup> дейин?

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак узра гулранг қабосинму<sup>6</sup> дейин?

Чарх ранжинму<sup>7</sup> дейин, даҳр шиканжинму<sup>8</sup> дейин,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Эй Навоий, дема, қошу кўзининг васфини эт,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

---

<sup>1</sup> К у д у р а т — хиралик; фашлик; хафаланиш; ғам, қайғу; ғубор.

<sup>2</sup> С а ф о — поклик, тозалик, тиниқлик; гўзаллик.

<sup>3</sup> Н а б а р д — уруш, жанг.

<sup>4</sup> Қ а й д — боғланиш; маҳбус қилиш, ҳибсга олиш.

<sup>5</sup> А д о — бу ерда: баён, ифода; талаффуз, маъно.

<sup>6</sup> Қ а б о — либос, кийим.

<sup>7</sup> Р а н ж — машаққат, қийинчилик; азоб, алам; дард, овриқ.

<sup>8</sup> Ш и к а н ж — букилиш, буралиш; бу ерда: ранж, азоб.

\* \* \*

Очмагай эрдинг жамоли олам оро кошки,  
Солмагай эрдинг бори оламда ғавфо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез<sup>1</sup>,  
Қилмагай эрди кўзум они тамошо кошки.

Бўлмагай эрди кўзум ўтлуф юзунг кўрган замон  
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,  
Қилмагай эрдинг мени маҳзунға<sup>2</sup> парво кошки.

Тушмагай эрди фирибomez<sup>3</sup> лутфунг билмайин,  
Нотавон кўнглумга васлингдин таманно<sup>4</sup> кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин талабгор айлабон,  
Қилмагай эрдинг яна зулм ошқоро кошки.

Бевафолиғ англағач, ишқингни кўнглум тарк этиб,  
Қилмагай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмдиким, девонаю расвои олам бўлмишам,  
Васл учун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас, не фойда,  
Нечаким десанг агар ёхуд магар ё кошки.

---

<sup>1</sup> Р у с т а х е з — ғавфо, тўполон.

<sup>2</sup> М а ҳ з у н — ғамгин, қайғули, ҳазин, хафа.

<sup>3</sup> Ф и р и б о м е з — фириб омухта, макр аралаш.

<sup>4</sup> Т а м а н н о — истак, хоҳиш, умид; мақсад.

\* \* \*

Ишқ аро ҳолимға бир ҳамдам<sup>1</sup> тараҳҳум<sup>2</sup> қилмади,  
Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.

То ул ой ағёр<sup>3</sup> ила нўш айлади<sup>4</sup> жоми висол,  
Қайси ҳижрон нешиким<sup>5</sup>, бағрим аро санчилмади.

Не ажаб, гар билмасам ҳолимни бу ғамдинки, ёр  
Ўлғали етгим вами ишқида — ҳолим билмади.

Қон ёшимнинг саргузаштин ким ёшурсун эмдиким,  
Қолмади ерким, бу рангин<sup>6</sup> можаро айтилмади.

Ҳусн боғидин вафо варди<sup>7</sup> таваққуъ<sup>8</sup> қилмангиз  
Ким, бу гулшан гулбунида бўйла гул очилмади.

Ишқим ихфосини<sup>9</sup>, ваҳким, қилмадим ҳаргиз хаёл,  
То ул ойнинг ҳуснидек олам аро ёйилмади.

Эй Навоий, сендин ўту су ародур халқким,  
Ёғмади ашқинг суйи то оҳ ўти чоқилмади.

---

<sup>1</sup> Ҳ а м д а м — сирдош, улфат, бирга юрувчи дўст.

<sup>2</sup> Т а р а ҳ ҳ у м — раҳм қилиш, шафқат қилиш.

<sup>3</sup> А г ё р — бегоналар, рақиблар, душманлар.

<sup>4</sup> Н ў ш а й л а м о қ — ичмоқ.

<sup>5</sup> Н е ш — ниш, тикан.

<sup>6</sup> Р а н г и н — гўзал, ранг-баранг; дилкаш, ёқимли.

<sup>7</sup> В а р д — атиргул, қизил гул.

<sup>8</sup> Т а в а қ қ у ъ — кутиш, бирор нарсанинг содир бўлишига умид билан кўз тутиш.

<sup>9</sup> И х ф о — яшириш, сир тутиш.

\* \* \*

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,  
майхораю<sup>1</sup> бебок —  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур<sup>2</sup>,  
сармасту яқом чок.  
Ҳам туррасининг<sup>3</sup> дуди вараъ<sup>4</sup> белига зуннор,  
мен кофири ишқи<sup>5</sup>,  
Ҳам юзи мажус<sup>6</sup> ўти киби шуълафизодур<sup>7</sup>,  
мен ўртанибон пок.  
Ул чехра фуруғи<sup>8</sup> тушубон зор танимға  
бир навъ куярким,  
Ҳар кимса ани кўрди соғиндики<sup>9</sup>, ёнодур  
ўт ичида хошок.  
Ҳайвон суйи<sup>10</sup> жонимни олур лаълидин айру.  
ул журъаи<sup>11</sup> майким,  
Тегмиш анга майгун<sup>12</sup> лаби жонимға даводур  
не захру не тарёк<sup>13</sup>.  
Бу навъки, айлар майи васли ҳавасидин  
махмур бўлубмен,  
Мушкилки, ёзилғай бу хуморики мангадур,  
соғар<sup>14</sup> бўлуб афлок.  
Ҳажрингда юзи сарғорибон дам ура олмас  
бечора Навоий,  
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур  
ул булбули ғамнок.

---

<sup>1</sup> М а й х о р а — майхўр; май ичувчи, маст гўзаллар.

<sup>2</sup> Д а й р и ф а н о — дунё лаззатидан кечиб, фоний бўлганлар одами.

<sup>3</sup> Т у р р а — кокил, соч ўримлари; зулф.

<sup>4</sup> В а р а ъ — тақво, парҳезкорлик, художўйлик.

<sup>5</sup> К о ф и р и и ш қ — ишқда бевафо ва кўнгли қаттиқ бўлган киши.

<sup>6</sup> М а ж у с — оташпараст, зардуштий.

<sup>7</sup> Ш у ъ л а ф и з о — шуълаланувчи, шуъла сочувчи.

<sup>8</sup> Ф у р у г — ёруғлик, равшанлик, нур, порлоқлик.

<sup>9</sup> С о ғ и н м о қ — бу ерда: ўйламоқ, хаёл қилмоқ.

<sup>10</sup> Ҳ а й в о н с у й и — оби ҳаёт.

<sup>11</sup> Ж у р ъ а — қултум, қатра, томчи.

<sup>12</sup> М а й г у н — май рангли, қизил рангли.

<sup>13</sup> Т а р ё к — захарни дафъ қиладиган дори.

<sup>14</sup> С о ғ а р — май қадаҳи, косаси, май ичадиган идиш.



\* \* \*

Кўруб дардим, тарахҳум қилмадинг ҳеч,  
Тўкуб ашким, табассум қилмадинг ҳеч.

Фироқинг ўти ичра неча йиғлаб,  
Фигон чектим, тарахҳум қилмадинг ҳеч.

Жаҳонға оҳу ашким солди ошуб<sup>1</sup>,  
Бу тўфондин таваҳҳум<sup>2</sup> қилмадинг ҳеч.

Сўзунг шавқидин эрдим хаста умре,  
Сўрарға бир такаллум<sup>3</sup> қилмадинг ҳеч.

Мусаллам<sup>4</sup> ишқ, эй кўнглум, сенгаким,  
Кўруб зулмин, тазаллум<sup>5</sup> қилмадинг ҳеч.

Муҳаббат аҳли қисмин невчун, эй чарх,  
Қилиб меҳнат, танаъъум<sup>6</sup> қилмадинг ҳеч.

Навоий сари, эй даври мухолиф<sup>7</sup>,  
Наво савтин<sup>8</sup> тараннум<sup>9</sup> қилмадинг ҳеч.

<sup>1</sup> Ошуб — ғавро, тўполон, фитна, ҳаяжон, ташвиш.

<sup>2</sup> Таваҳҳум — ваҳимага тушиш, қўрқиш.

<sup>3</sup> Такаллум — сўз, нутқ.

<sup>4</sup> Мусаллам — тобеъ бўлган, таслим бўлган.

<sup>5</sup> Тазаллум — зулм кўриш; шикоят.

<sup>6</sup> Танаъъум — баҳраманд бўлиш.

<sup>7</sup> Мухолиф — зид, қарши; душман.

<sup>8</sup> Савт — куй, оҳанг; овоз, товуш.

<sup>9</sup> Тараннум — ёқимли сайраш, куйлаш; гўзал сўзлаш.

\* \* \*

Ўтқа солғил сарвни, ул қадди мавзун<sup>1</sup> бўлмаса,  
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса.

Сарсари<sup>2</sup> оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тоғиға,  
Яхшидур тонг отқуча бу тоғ ҳомун<sup>3</sup> бўлмаса.

Телбалиқдин, ваҳки, ҳар дам дардим афзундур<sup>4</sup>, агар  
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.

Гар кўнгул қатл истабон сен ваъда қилдинг тонгла<sup>5</sup>  
Ушбу дам ўлтур, бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса. деб,

Хирқа<sup>6</sup> жинсин<sup>7</sup> раҳн<sup>8</sup> учун, эй шайх, олмас пири дайр<sup>9</sup>,  
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун<sup>10</sup> бўлмаса.

Фоний<sup>11</sup> ўл, васл истар ўлсанг, бенаволиқдин не ғам,  
Бўлмасун ҳаргиз матоъе дунёи дун<sup>12</sup> бўлмаса.

Эй Навоий, тонма, гар дер ул пари мажнун сени,  
Ошиқ ўлғайму париға, улки мажнун бўлмаса?!

---

<sup>1</sup> М а в з у н — зебо, гўзал, нозик, чиройли, бенуқсон.

<sup>2</sup> С а р с а р — кучли ва совуқ шамол, даҳшатли бўрон, довул.

<sup>3</sup> Ҳ о м у н — дашт, саҳро, чўл.

<sup>4</sup> А ф з у н — ортиқ, зиёда, кўп; афзал, устун.

<sup>5</sup> Т о н г л а — қиёмат куни.

<sup>6</sup> Х и р қ а — жаңда, дарвешлар кийими.

<sup>7</sup> Ж и н с — тур, хил, навъ; мато, мола; уруғ-аймоғ.

<sup>8</sup> Р а ҳ н — гаров.

<sup>9</sup> П и р и д а й р — майхоначи, майхона бошлиғи.

<sup>10</sup> М а р ҳ у н — гаровга берилган.

<sup>11</sup> Ф о н и й б ў л м о қ — ўзни унутиш, ўзликдан кечиш.

<sup>12</sup> Д у н — пасткаш, разил; хор.

\* \* \*

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,  
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебон саъй<sup>1</sup> этмангиз,  
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,  
Ишвагарлар<sup>2</sup> аҳдиға йўқ эътибор, эй дўстлар.

Айламанг бекаслигимни<sup>3</sup> таън, бир кун бор эди  
Меңда ҳам бир нозанин чобуксувор<sup>4</sup>, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг  
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Ёрсиз ифрот<sup>5</sup> ила гар йиғласам, айб этмангиз  
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким<sup>6</sup>,  
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ  
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз  
Ким, Навоий ўлди бекаслиқда зор, эй дўстлар.

---

<sup>1</sup> С а ъ й — тиришиш, уриниш, ҳаракат.

<sup>2</sup> И ш в а г а р — ноз-карашма қилувчи, дилни ўғирловчи.

<sup>3</sup> Б е к а с — ёлғиз, ғариб, кимсасиз.

<sup>4</sup> Ч о б у к с у в о р — чавандоз.

<sup>5</sup> И ф р о т — ҳаддан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш.

<sup>6</sup> Ж о м — қадах, май пиёласи.

\* \* \*

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид<sup>1</sup> таоло сунъ<sup>2</sup> наққошиндадур.

Тан анга сийму<sup>3</sup> ичинда тош музмар<sup>4</sup> кўнглидин,  
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,  
Булжажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур<sup>5</sup>.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри<sup>6</sup> ашк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

---

<sup>1</sup> Э з и д — худо, тангри.

<sup>2</sup> С у н ъ — яратиш; ҳунар, маҳорат; худо.

<sup>3</sup> С и й м — кумуш; оқлик, оқ бадан.

<sup>4</sup> М у з м а р — пинҳон, махфий; дилда сақланган.

<sup>5</sup> Х у ф ф о ш — кўршапалак.

<sup>6</sup> Б а ҳ р — азим дарё, денгиз.

\* \* \*

Зулфунг очилиб, орази дилжў<sup>1</sup> била ўйнар,  
Ҳиндубачае<sup>2</sup> шўхдурур, су била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин<sup>3</sup> этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлдур<sup>4</sup>, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин<sup>5</sup>,  
То ғамзаси ул наргиси<sup>6</sup> жоду<sup>7</sup> била ўйнар.

Тонг йўққи<sup>8</sup>, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб<sup>9</sup>,  
Мажнунға ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар<sup>10</sup> эрур чамбар ичинда,  
Холинги, ўшул ҳалқаи гесу<sup>11</sup> била ўйнар.

Зоҳид<sup>12</sup> била нафс этса тамасхур<sup>13</sup>, не ажабким,  
Ит сайд<sup>14</sup> қилур вақтда тулку била ўйнар.

Муғ дайрида<sup>15</sup> маст ўлса Навоийни кўрунгим,  
Бир олма киби гунбади мину<sup>16</sup> била ўйнар.

---

<sup>1</sup> Д и л ж ў — кўнгил оловчи, кўнгилга тасалли берувчи.

<sup>2</sup> Ҳ и н д у б а ч а — ҳинд бола.

<sup>3</sup> Л а в ҳ — бу ерда: юз.

<sup>4</sup> Т и ф л — бола, гўдак, чақалоқ.

<sup>5</sup> Ф у с у н — сеҳр, ҳийла, найранг, фириб.

<sup>6</sup> Н а р г и с — бу ерда: кўз.

<sup>7</sup> Ж о д у — сеҳргар, жодугар.

<sup>8</sup> Т о н г й ў қ қ и — ажаб эмаски.

<sup>9</sup> М у л о и б — ўйновчи, найрангбоз, ҳийлагар.

<sup>10</sup> Б о з и г а р — алдамчи, ҳийлагар, фирибгар.

<sup>11</sup> Г е с у — соч, зулф, кокил.

<sup>12</sup> З о ҳ и д — тарки дунё қилган, парҳезкор, тақводор.

<sup>13</sup> Т а м а с х у р — масхара бўлиш.

<sup>14</sup> С а й д — ов, шикор.

<sup>15</sup> М у ғ д а й р и — оташпарастлар ибодатхонаси; майхона.

<sup>16</sup> Г у н б а д и м и н у — кўк, мовий осмон.

\* \* \*

Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,  
Баски, ёғди устига атфол<sup>1</sup> элидин хоралар<sup>2</sup>.

Оразинг<sup>3</sup> атрофида гулдур кўрунган, эй пари,  
Ё қамар<sup>4</sup> даврида саф тортибдурур сайёралар.

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта<sup>5</sup> ошиқ гардидур,  
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида оворалар.

Англаким, аҳбобни кўнглумда меҳмон этмишам,  
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

Анда Мажнун — мен, буён Лайли — сен эткач  
Бир тараф девоналар, бир ён пари рухсоралар. ИЖТИМОЪ<sup>6</sup>,

Хонақаҳ<sup>7</sup> вақфи суйин ичмаслар, эй шайх, англағил,  
Гар хумор<sup>8</sup> ўлса фано дайридаги майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,  
Бас, ғалат бўлғай, демак ушшоқни бечоралар.

---

<sup>1</sup> А т ф о л — гўдаклар, ёш болалар.

<sup>2</sup> Х о р а — тош.

<sup>3</sup> О р а з — юз, чеҳра.

<sup>4</sup> Қ а м а р — ой.

<sup>5</sup> С а р г а ш т а — сарсон, саргардон, овора.

<sup>6</sup> И ж т и м о ъ — йиғинди, жам.

<sup>7</sup> Х о н а қ а ҳ — масжид, сўфийлар йиғиладиган жой, шайх ва дарвешларнинг зикр ўтказадиган жойи.

<sup>8</sup> Х у м о р — мастликдан кейинги бош оғриғи; муштоқлик, зўр истак.

\* \* \*

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд<sup>1</sup> этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға  
Аён ул заҳр чашм<sup>2</sup> айлаб, ниҳон бу нўшханд<sup>3</sup> этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки<sup>4</sup> қотилваши<sup>5</sup> мажнуншиоримким<sup>6</sup>,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд<sup>7</sup> этмас.

Кўнгул уз чарх золидин<sup>8</sup>, фирибни емаким, охир  
Ажал сарриштасидин<sup>9</sup> ўзга бўйнунгға каманд<sup>10</sup> этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд<sup>11</sup> этмас.

---

<sup>1</sup> А р ж у м а н д — азиз, қадрли, шарафли, лойиқ.

<sup>2</sup> Ч а ш м — кўз; з а ҳ р и ч а ш м — ёмон кўз билан қараш.

<sup>3</sup> Н ў ш х а н д — чиройли табассум, ширин кулги.

<sup>4</sup> Ч о б у к — тез, чаққон, илдам, шўх, ўйноқи, гўзал.

<sup>5</sup> Қ о т и л в а ш — қотилга ўхшаш, қотилдек.

<sup>6</sup> М а ж н у н ш и о р — мажнунлик йўлини тутувчи.

<sup>7</sup> С а м а н д — тулпор, аргумоқ; чиройли от.

<sup>8</sup> Ч а р х з о л и — фалак.

<sup>9</sup> С а р р и ш т а — калаванинг учи; ишнинг асоси.

<sup>10</sup> К а м а н д — тузоқ, арқон; ҳалқа, банд, сиртмоқ.

<sup>11</sup> С и п а н д — исиріқ.

\* \* \*

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға,  
Ҳар тарафдин юз туман тиги жафосин кўрмадим?!

Кимга қўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,  
Ҳар вафога юз жафо анинг жазосин кўрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға  
Файр<sup>1</sup> сари хулқу лутфи жонфизосин<sup>2</sup> кўрмадим?!

Кимга солдим кўз қораю оқини ишқ ичраким,  
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,  
Ким, мен ушбу хайлнинг<sup>3</sup> ҳусну вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида  
Ким, бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

---

<sup>1</sup> Ф а й р — ёт, бегона.

<sup>2</sup> Ж о н ф и з о — жонга роҳат берувчи.

<sup>3</sup> Х а й л — тоифа, гуруҳ, эл, жамоа.



\* \* \*

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним<sup>1</sup> келдиму?  
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

Бехуд<sup>2</sup> эрдим айткали кўнглум, чу келдим ҳолима,  
Айтинг: ул овораи бехонумоним<sup>3</sup> келдиму?

Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонаға,  
Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демангизким, келди маҳвашлар<sup>4</sup> сени ўлтургали,  
Муни денгким, қотили номехрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум, демангким, бошима келмиш Масих,  
Айтинг, ул осойиши руҳу равоним<sup>5</sup> келдиму?

Кўюнгга ушшоқ келгандин хабар туттунг валеқ  
Демадинг ул зори беному нишоним келдиму?

Зухд<sup>6</sup> кўйига кўнгул бирла, дедингким, келмадинг,  
Эй Навоий, неча айтиб, ул ёмоним келдиму?

---

<sup>1</sup> Сарви равон — келишган маҳбуба; қалб гўзали.

<sup>2</sup> Бехуд — ҳушсиз, маст, ихтиёрсиз.

<sup>3</sup> Бехонумон — уй-жойсиз, сарсон-саргардон; бечора.

<sup>4</sup> Маҳваш — ойдай гўзал, маҳбуба.

<sup>5</sup> Руҳу равон — жон, ҳаёт, тириклик.

<sup>6</sup> Зухд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш, тақводорлик.

\* \* \*

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў<sup>1</sup> келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор<sup>2</sup>,  
Келди жон оғзимғаву ул шўхи бадхў<sup>3</sup> келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек<sup>4</sup> ҳам ўлғанда қоронғу келмади.

Ул париваш<sup>5</sup> ҳажридинким, йиғладим девонавор<sup>6</sup>,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади?

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби<sup>7</sup> содиқ топилмас, йўқсаким, қўйди қадам  
Йўлғаким аввал қадам, маъшуқа ўтру<sup>8</sup> келмади.

Эй Навоий, бода<sup>9</sup> бирла хуррам кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

---

<sup>1</sup> Гул рў (й) — гул юзли; гўзал, чиройли.

<sup>2</sup> Интизор чекмоқ — кўз тутмоқ, зориқиб кутмоқ.

<sup>3</sup> Бадхў (й) — бадфеъл, тўнг; маҳбуба; раҳмсиз.

<sup>4</sup> Рўзгор — турмуш, ҳаёт; тақдир; давр, замон.

<sup>5</sup> Париваш — парига ўхшаш, гўзал.

<sup>6</sup> Девонавор — девоналарча, телбаларча.

<sup>7</sup> Толиб — изловчи, майл этувчи; шогирд.

<sup>8</sup> Ўтру — қарши, муқобил, рўпара.

<sup>9</sup> Бода — май, шароб, маст қилувчи ичимлик.

\* \* \*

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,  
Усрук чиқиб жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.

Гар заъф<sup>1</sup> ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,  
Бошимга еткач, секретиб, беихтиёр ўлтургуси.

Васли аро гар ўлтурур, жонимга юз минг шукр эрур,  
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,  
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.

Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғақим,  
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

Лаълинг закоти — май тутуб<sup>2</sup> тиргузмасанг, эй муғбача,  
Дайр<sup>3</sup> ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар, Навоий қатлига гул-гул очибтур оразин,  
Кўргунча ани, войким, бу хор-хор<sup>4</sup> ўлтургуси.

---

<sup>1</sup> Заъф — қувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик.

<sup>2</sup> Лаъл закоти — лаб солиғи, яъни бўса. Бу ерда май деганда лабнинг нами кўзда тутилмоқдаки, у ўлган ошиқни тирилтиришга қодир.

<sup>3</sup> Дайр — оташпарастлар ё насронийларнинг ибодатхонаси; мажозан: майхона.

<sup>4</sup> Хор-хор — ғам, қайғу, ташвиш, безовталиқ.

\* \* \*

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай,  
В-ар гамима шумора<sup>1</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ранжима йўқ эса адад, хост<sup>2</sup> бу эрса, найлайн,  
Дардима гар канора<sup>3</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлуриға, зоҳидо,  
Ҳожати истихора<sup>4</sup> йўқ, бўлмаса-бўлмаса, нетай.

Ёрдин элга комлар<sup>5</sup>, буки менинг сари гаҳи  
Кўз учидин назора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Машғали васл ила улус<sup>6</sup> шоми мунаввару менинг,  
Бахтима бир шарора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Қисми азалға шодмен, буки фалак риояти,  
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Дедим: «Эрур Навоий ўз дардиға чорасиз». Деди:  
Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

---

<sup>1</sup> Шумора — санок, ҳисоб.

<sup>2</sup> Хост — хоҳиш, истак; талаб.

<sup>3</sup> Канора — соҳил, қирғоқ; қуйи, ён; тараф.

<sup>4</sup> Истихора — фол очиш, туш кўриш.

<sup>5</sup> Ком — бу ерда: орзу, мурод, мақсад; етишиш, ноил бўлиш.

<sup>6</sup> Улус — халқ, эл, омма.

<sup>7</sup> Риоят — эътиборга олиш; андиша, сақланиш.

\* \* \*

Бир пари пайкар<sup>1</sup> фаи ошуфтаҳол<sup>2</sup> этмиш мени,  
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини<sup>3</sup>, не тонг<sup>4</sup>, кўргузсалар бир-биргақим,  
Эгма қошинг фикри андоққим ҳилол<sup>5</sup> этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин вале ўткан кеча  
Бода зўр айлаб, йиғи безътидол<sup>6</sup> этмиш мени.

Ёр кўйи ичрақим туфроғ ила тенг бўлмишам,  
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,  
Фурқатинг то заъфдин андоққи нол<sup>7</sup> этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламға мен ким, зуҳд ким,  
Зоҳиди афсурда<sup>8</sup> оё не хаёл этмиш мени.

Дашти ваҳшиға анис<sup>9</sup> ўлсам Навоийдек, не тонг,  
Ул пари савдоси чун Мажнун мисол этмиш мени.

---

<sup>1</sup> П а р и п а й к а р — гўзал, чиройли.

<sup>2</sup> О ш у ф т а ҳ о л — паришонҳол, ғам босган.

<sup>3</sup> Ҳ а в о й и — ошиқ, беқарор, саргардон.

<sup>4</sup> Т о н г — ажаб, таажжуб, ҳайронлик.

<sup>5</sup> Ҳ и л о л — янги ой; қош.

<sup>6</sup> Э ъ т и д о л — ўртачалик, мўътадиллик.

<sup>7</sup> Н о л — қамиш.

<sup>8</sup> А ф с у р д а — эзилган, тушқун, ғамли, хаста.

<sup>9</sup> А н и с — дўст, улфат, ҳамсуҳбат, ҳамдард.

\* \* \*

Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,  
Гар мени ўлтур вагар тиргузки, жоним сен менинг.

Хоҳи раъно қад била борфил ёнимдин жилвагар,  
Хоҳи кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга,  
Чун бу янглиғ маҳрами<sup>1</sup> рози<sup>2</sup> ниҳоним<sup>3</sup> сен менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,  
Ҳам сен-ўқ<sup>4</sup> чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,  
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил  
Ким, пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.

---

<sup>1</sup> Маҳрам — сирдош, улфат, ҳамдам.

<sup>2</sup> Роз — сир, асрор.

<sup>3</sup> Ниҳон — пинҳон, махфий.

<sup>4</sup> Ўқ — кучайтириш юкласи.

\* \* \*

Кўзунгга тани нотавоним фидо,  
Равонбахш<sup>1</sup> лаълингга жоним фидо.

Лабинг ранги олинда қоним сабил,  
Қадинг жилвасиға равоним<sup>2</sup> фидо.

Белу оғзинг олди тану жонниким,  
Анга ошқору ниҳоним фидо.

Бағир лаъли, кўз дурри оллингга сарф,  
Демайким, санга баҳру коним фидо,

Жунун<sup>3</sup> бирла ақлим ғаминг садқаси,  
Ки оллингга яхши-ёмоним фидо.

Фано даштида<sup>4</sup> қани оворалиғ  
Ким, ул сайрға хонумоним<sup>5</sup> фидо.

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам,  
Санга бўлсун, эй дилситоним, фидо.

---

<sup>1</sup> Р а в о н б а х ш — жонбахш.

<sup>2</sup> Р а в о н — жон, руҳ, ҳаёт, тириклик.

<sup>3</sup> Ж у н у н — жиннилик, савдойилик; ошиқлик, беқарорлик.

<sup>4</sup> Ф а н о д а ш т и — йўқлик мамлакати, у дунё.

<sup>5</sup> Х о н у м о н — уй-жой, уй жиҳозлари ва маишат асбоблари.

\* \* \*

Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,  
Маломат даштида овора бўлмиш.

Анга баским ёғар тош устига тош,  
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урардин дам-бадам хороға бошин,  
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор,  
Хазу<sup>1</sup> синжоби<sup>2</sup> хору хора бўлмиш.

Қаро қилди начукким рўзгорим,  
Анинг ҳам рўзгори қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди<sup>3</sup> қаниким, ғамидин  
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,  
Ғамингға чорасизлиғ чора бўлмиш.

---

<sup>1</sup> Х а з — ипакли мато.

<sup>2</sup> С и н ж о б — силовсин терисидан ишланган тўн.

<sup>3</sup> Х у р ш и д — қуёш.



\* \* \*

Қон ютуб умре, жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр<sup>1</sup> истадим.

Кимгаким, жоним фидо айлаб соғиндим, ёр эрур,  
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо.  
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар<sup>2</sup> жинсида, ваҳ, ғафлат кўрунг,  
Ким пари хайлида мен девонани зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонг,  
Қалби тардоманни<sup>3</sup> чун мен соҳибасрор<sup>4</sup> истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,  
Дай пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу гуссадин  
Ўзни бекаслик балосиға гирифтор истадим.

---

<sup>1</sup> Б и с ё р — кўп, мўл, ортик.

<sup>2</sup> Б а ш а р — одам, инсон.

<sup>3</sup> Т а р д о м а н — ахлоқсиз, бузуқ, гуноҳкор.

<sup>4</sup> С о ҳ и б а с р о р — сирлар эгаси; сирдош.

\* \* \*

Неча мен меҳнат чекиб, ул ой танаъум айлагай,  
Ошкоро йиғласам, пинҳон табассум айлагай.

Жавридин ул навъ хушменким, ўлум ҳоли бўлуб,  
Ваҳм этарменким, кўруб ногаҳ тараҳҳум айлагай.

Нукта<sup>1</sup> сургач лаъли, ўлгонлар топар умри абад,  
Умрида Исо қачон мундоғ такаллум айлагай.

Тиғи зулми тегмагидин айласа эл кўнгли бим<sup>2</sup>,  
Тегмасун ғайриға деб, кўнглум таваҳҳум айлагай.

Дема зулмум кўп етиб, кўнглунг тазаллум айламиш  
Ким, агар оз етса, шоядким тазаллум айлагай.

Эй кўнгул, бир лаҳза ҳижрон шиддатиға арзимас,  
Гар висол ичра киши юз йил танаъум айлагай.

Ёр базмиға чу йўл топмас Навоий, не осиф<sup>3</sup>,  
Дилхарош<sup>4</sup> афғону гар дилкаш тараннум айлагай.

---

<sup>1</sup> Н у к т а — нозик ва теран маъноли сўз; сир, ҳикмат.

<sup>2</sup> Б и м — хавф, хатар, қўрқув, ваҳм, таҳлика.

<sup>3</sup> О с и ф — фойда, нафъ, суд.

<sup>4</sup> Д и л х а р о ш — кўнгил дардларини қўзғовчи.

\* \* \*

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?  
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазрайи<sup>1</sup> айшим кўкармайдур самуми<sup>2</sup> оҳдин,  
Йўқса ёшдин мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Қўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,  
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордур, кимда бор?

Бахт ул ой қасриға қўймас, йўқса дуди оҳдин  
Бу каманди хам-бахамким<sup>3</sup>, менда бордур, кимда бор?

Қалби рўйандуд<sup>4</sup> ила байъ<sup>5</sup> этса васлин, эй кўнгул,  
Доғдин мунча дирамким<sup>6</sup>, менда бордур, кимда бор?

Бор экин вобастайи<sup>7</sup> тавфиқ, йўқса, эй рафиқ,  
Бу қадар шавқи ҳарамким<sup>8</sup>, менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум<sup>9</sup> кўптурур, лекин бу навъ  
Хусрави соҳибкарамким<sup>10</sup>, менда бордур, кимда бор?

---

<sup>1</sup> М а з р а ь — экин экиладиган жой, экинзор.

<sup>2</sup> С а м у м — иссиқ шамол, гармсел.

<sup>3</sup> Х а м-бахам — эгилган, букилган.

<sup>4</sup> Р ў й а н д у д — риё, сохтакорлик билан бўлган; қоплама

<sup>5</sup> Б а й ъ — савдо; қиймат.

<sup>6</sup> Д и р а м — бу ерда: оғирлик ўлчови маъносида.

<sup>7</sup> В о б а с т а — боғлиқ, алоқадор.

<sup>8</sup> Ҳ а р а м — бу ерда: Каъба.

<sup>9</sup> Ж у р м — гуноҳ, айб.

<sup>10</sup> С о ҳ и б к а р а м — сахий, жавонмард; марҳаматли, шафқатли.

\* \* \*

Аҳд қилдим, ишқ лафзин<sup>1</sup> тилга мазкур этмайин,  
Тил неким, хомам<sup>2</sup> тилидин доғи мастур<sup>3</sup> этмайин.

Барча элга фитна бўлган кўзга мафтун бўлмайин,  
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Ишқ куфри бирла тақво хонақоҳин бузмайин,  
Бут<sup>4</sup> хаёлидин кўнгул дайрини маъмур этмайин.

Ҳар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,  
Ҳар кун анинг ҳажрида кўнглумни махмур этмайин.

Гар чидай олмай, кўнгул берсам бировга ногаҳон,  
Бори эл ичра чидай олганча машхур этмайин.

Ишқу май анжоми<sup>5</sup> чун ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,  
Ўзни бу иқболдин куч бирла маҳжур этмайин.

Зулм ила эл жониға ўт ёқма, эйким, шоҳсен,  
Гар десанг дўзах ўтиға жонни маҳмур<sup>6</sup> этмайин.

Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий, ўзни мен  
Дўст маъмур айлаган хидматда маъзур этмайин.

---

<sup>1</sup> Л а ф з — сўз, ибора; тил.

<sup>2</sup> Х о м а — қалам.

<sup>3</sup> М а с т у р — бу ерда; ёзилган, битилган.

<sup>4</sup> Б у т — санам; маҳбуба, маъшуқа.

<sup>5</sup> А н ж о м — оқибат, натижа, интиҳо, охир, туташ.

<sup>6</sup> М а ҳ р у р — ҳароратли, иситмаси бор.

\* \* \*

Эрур ишқинг мени маҳзунға махсус<sup>1</sup>  
Ки, Лайли дардидур Мажнунға махсус.

Кўюнг, эй сарву савсан<sup>2</sup>, жилаваким бор,  
Бу иш ул қомати мавзунға махсус.

Кўруб маст айламак лофин қўй, эй май  
Ки, бу бор ул лаби майгунға махсус.

Қўй, эй ой, тунни ёрутмоғниким, бор  
Бу иш ул ҳусни рўзафзунға<sup>3</sup> махсус.

Кўзум гирдоби жисмимни чўмурди,  
Эмас бу Дажлаю Жайхунға махсус.

Манга бемеҳр сенсен ҳам, фалак ҳам,  
Бу иш бор ой ила гардунға махсус.

Навоий, оташин гул ғунчасидек  
Эрур куймак сени дилхунға махсус.

---

<sup>1</sup> М а х с у с — хос бўлган, тегишли бўлган; муқарраб, хосса.

<sup>2</sup> С а в с а н — гулсапсар.

<sup>3</sup> Р ў з а ф з у н — кундан-кун ортиб борувчи.

\* \* \*

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,  
Ўз қатик ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қора,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин<sup>1</sup> очилманг, эй кўнгул,  
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,  
Май кетурким, ҳам ичай бир лаҳза ани, ҳам тутай.

Қўйғил, эй носихки<sup>2</sup>, муғ дайрида ўз аҳволима,  
Масти лояъқил<sup>3</sup> ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен фано сарриштасин маҳкам тутай.

---

<sup>1</sup> С у р у д — кўшиқ, ашула.

<sup>2</sup> Н о с и ҳ — насиҳатгўй.

<sup>3</sup> Л о я ъ қ и л — ақлсиз, ҳушсиз.

### **Заҳиригдин Муҳаммад Бобур**

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,  
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга!

Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур бaсе,  
Меҳру вафо — рақибга, жавру жафо — манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,  
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,  
Билдим: ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб, муолажада зоеъ этма умр  
Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,  
Ташвиш бежиҳатдурур охир санго, манга.

Бобур, бўлбтурур икки кўзум йўлида тўрт,  
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

\* \* \*

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнунг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.

Агар муслиҳмен<sup>1</sup>, ар муфсид<sup>2</sup> ва гар ошиқмен, ар  
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим бор.  
обид<sup>3</sup>,

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,  
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хор-хорим бор.

---

<sup>1</sup> М у с л и ҳ — хайрихоҳ, сулҳга келтирувчи.

<sup>2</sup> М у ф с и д — бузуқи, бадкор.

<sup>3</sup> О б и д — тоат-ибодат қилувчи, художўй.



\* \* \*

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,  
Гунча сиррин очқон ул ики лаби хандонидур.

Ул мусалсал<sup>1</sup> икки зулфи гул юзининг даврида<sup>2</sup>,  
Гул уза ағнар, магар ул иккининг давронидур.

Ўқи захмини<sup>3</sup> кўруб ҳар ён танимда, эл дегай  
Ким, бу кўҳи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.

Сел эмасдур ер юзин тутқон — кўзумнинг ёшидур!  
Раъд<sup>4</sup> эмасдур кўкка чирмашқон — кўнгул  
афғонидур!

Ложарам<sup>5</sup>, бўлғай паришону ҳавойи мен киби  
Зарра янглиғ кимки бир хуршид саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум аңдоқ телбадур  
Ким, сочи занжиридур, чоҳи зақан<sup>6</sup> зиндонидур.

---

<sup>1</sup> М у с а л с а л — ҳалқа-ҳалқа, бир-бирига уланган.

<sup>2</sup> Д а в р и д а — бу ерда: теграсида, атрофида.

<sup>3</sup> З а х м — яра, жароҳат; кўнгул яраси.

<sup>4</sup> Р а ъ д — момоқаддирак.

<sup>5</sup> Л о ж а р а м — шунинг учун, албатта, шубҳасиз.

<sup>6</sup> Ч о ҳ и з а қ а н — ияк чуқурчаси.

\* \* \*

Менинг кўнгулми, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ<sup>1</sup>  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур. қондур,

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,  
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга гунча пайкондур.

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг  
Юзи — гул, зулфи — сунбул, қомати сарви хиромондур.

Висоли лаззатидин руҳ топмоғлиқ эрур душвор,  
Фироқ шиддатида йўқса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврулур<sup>2</sup> армони бирла ўлдум, эй Бобур,  
Менинг наъшимни<sup>3</sup> бори ул пари кўйидин айлондур.

---

<sup>1</sup> Таҳ - батаҳ — қаватма-қават.

<sup>2</sup> Э в р и л м о қ — айланмоқ.

<sup>3</sup> Наъш — тобут; жасад.

\* \* \*

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур,  
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисёр мушкилдур.

Мижозинг нозику сен — тунд<sup>1</sup>, мен — бир беадаб  
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкилдур.<sup>телба,</sup>

Не осиф нолаю фарёд хоболуд<sup>2</sup> бахтимдин,  
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушкилдур.

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман душман,  
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкилдур.

Висолинким тиларсен, нозини хуш тортқил, Бобур  
Ки, олам боғида топмоқ гули бехор<sup>3</sup> мушкилдур.

---

<sup>1</sup> Т у н д — тез, шиддатли; асов; ўткир, аччиқ; ғазабли.

<sup>2</sup> Х о б о л у д — уйқусираган; нозли, карашмали.

<sup>3</sup> Б е х о р — тикансиз.

\* \* \*

Баҳор айёмидур, доғи йигитликнинг авонидур<sup>1</sup>,  
Кетур, соқий, шароби нобким<sup>2</sup>, ишрат замонидур.

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур<sup>3</sup>.

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш<sup>4</sup> ранги гуллардин,  
Магарким сунънинг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингға тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.

---

<sup>1</sup> А в о н — вақт, замон, мавсум.

<sup>2</sup> Н о б — тоза, тиниқ, соф.

<sup>3</sup> А р ғ у в о н — қизил гул; мажозан: қизил.

<sup>4</sup> М у н а қ қ а ш — нақшланган, зийнатланган.

\* \* \*

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?  
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!

Гар замонни нафй<sup>1</sup> қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ!

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру<sup>2</sup> кўп,  
Ким, дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
Ким, кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!

---

<sup>1</sup> Н а ф й — рад этиш, инкор.

<sup>2</sup> А с р у — жуда, ниҳоятда, беҳисоб.

\* \* \*

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор<sup>1</sup> топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,  
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор<sup>2</sup> топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй<sup>3</sup> этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.

---

<sup>1</sup> А с р о р — сирлар.

<sup>2</sup> Г и р и ф т о р — баъд, асир; ошиқ.

<sup>3</sup> Х ў й — одат, феъл, характер, табиат.

\* \* \*

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим<sup>1</sup>.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни<sup>2</sup> сарвдек ҳаргиз,  
Аёғингга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу<sup>3</sup> хуррам қол,  
Мен арчи<sup>4</sup> даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориф юзумдин эл танаффурда<sup>5</sup>,  
Ба ҳар ранге<sup>6</sup>, биҳамдилаҳ<sup>7</sup>, улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари<sup>8</sup> бахтим топилмайди,  
Фалак авроқини<sup>9</sup> ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

---

<sup>1</sup> З а р д — сарик, саргайган.

<sup>2</sup> С а р к а ш — ўжар, итоатсиз; эрка ёр, севикли маъшуқа.

<sup>3</sup> С а б з — яшил, яшил ранг.

<sup>4</sup> А р ч и — гарчи, агарчи, шундай бўлса-да.

<sup>5</sup> Т а н а ф ф у р — нафратланиш, жирканиш.

<sup>6</sup> Б а ҳ а р р а н г е — ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, бир илож қилиб.

<sup>7</sup> Б и ҳ а м д и л л а ҳ — худога шукр.

<sup>8</sup> А х т а р — юлдуз.

<sup>9</sup> А в р о қ — варақлар, саҳифалар.

\* \* \*

Ишқ элининг оҳидин ул сарв қад ҳам бўлмасун,  
Ғам елидин ул муанбар<sup>1</sup> зулф дарҳам<sup>2</sup> бўлмасун.

Кўп жафою жавр кўрдук, эй қуёш, ҳажринг куни,  
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун!

Даҳри дундин тегмасун озор нозик жисмингга,  
Даҳр аҳлидин муборак кўнглунгга ғам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсан ғараз<sup>3</sup>,  
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун!

Гар ҳаводорим<sup>4</sup> эрурсан, эй сабо, арз айлаким,  
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Гарчи ошиқ лозими оламда расволиқдурур,  
Ишқ аро Бобур киби расвои олам бўлмасун!

---

<sup>1</sup> М у а н б а р — хушбўй, муаттар.

<sup>2</sup> Д а р ҳ а м — сочилган, ёзилган, паришон бўлган.

<sup>3</sup> Ғ а р а з — мақсад, ният, муддао.

<sup>4</sup> Ҳ а в о д о р — тарафдор, хайрихоҳ, мухлис.



\* \* \*

Жамолинг васфини<sup>1</sup>, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлғай, висолингга мени дилхаста етгаймен!

Тарахҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,  
Хуш улким, оразингни кўрмаген, сўзунг эшитгаймен!

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнуьга маҳкам қил  
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен.

Тарахҳум қилмасанг ё боқмай, истиғно<sup>2</sup> била ўтсанг,  
Тазарруь<sup>3</sup> қилгамен ё йиғлағаймен — ўзга нетгаймен?!

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғиға,  
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

---

<sup>1</sup> В а с ф — таъриф-тавсиф, мақтов.

<sup>2</sup> И с т и ғ н о — бу ерда: ноз-карашма; ғурур.

<sup>3</sup> Т а з а р р у ь — ёлвориш, ялиниш, тавба қилиш.

\* \* \*

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор эттию қилди муддаийни<sup>1</sup> парвариш,  
Дахри дунпарварнинг<sup>2</sup> ўзга муддаоси қолдиму?

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,  
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ўлғач, кўраум ўлумни ўзумға, эй рафиқ,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси<sup>3</sup> қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,  
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

---

<sup>1</sup> М у д д а и й — даъвогар; рақиб.

<sup>2</sup> Д у н п а р в а р — ёмон, паст кишиларни тарбия қилувчи; чарх, фалак, тақдир.

<sup>3</sup> Ҳ а р о с — қўрқув.

\* \* \*

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,  
Тийра<sup>1</sup> бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим вале,  
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўруб ондин, телба бўлдунг, эй кўнгул,  
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйида фориг<sup>2</sup> ул пари,  
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,  
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

---

<sup>1</sup> Т и й р а — қора, қоронғу; хира, нурсиз; ғам-ғуссали, қайғули.

<sup>2</sup> Ф о р и ғ — хотиржам, бепарво, беҳабар.

\* \* \*

Ким кўрар хуршидни ул моҳсиймо<sup>1</sup> бўлмаса?!  
Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо<sup>2</sup> бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йироқ,  
Сарв ўқдур бағрима ул сарви боло<sup>3</sup> бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,  
Истарам кўйидин ўзга манга маъво<sup>4</sup> бўлмаса.

Тиймағил девона кўнглумники, расво бўлма деб,  
Ошиқ ўлғайму эди ул телба, расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг  
Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо<sup>5</sup> бўлмаса.

---

<sup>1</sup> М о ҳ с и й м о — ой юзли; гўзал.

<sup>2</sup> Ш а к а р х о — ширинсўз; лаъли шакархо — маҳбубанинг лаби.

<sup>3</sup> С а р в и б о л о — тик қомат.

<sup>4</sup> М аъ в о — бошпана, макон; мақом, манзил.

<sup>5</sup> Қ а тъ о — қатъиян, ҳеч қачон, асло.

\* \* \*

Қачон бўлғай мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингға?  
Қутулғаймен фироқингдин, етишгаймен висолингға!

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,  
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишмен зулолингға<sup>1</sup>.

Ул ойнинг юзи бирла тўш бўлуб, даъвойи ҳусн этсанг,  
Яқин бўлди бу кунким, эй қуёш, еттинг заволингға!

Кабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,  
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға<sup>2</sup>.

Белингдинким, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,  
Умидим борки Бобурдин етишгаймен хаёлингға.

---

<sup>1</sup> З у л о л — тиниқ, тоза, ширин сув; шароб.

<sup>2</sup> Б о л — қанот.

\* \* \*

Қади шоҳи гулдек нигорим қани?  
Лаби гунчадек гулъзорим<sup>1</sup> қани?

Не тонг, юз нигор ўлса қон ёш била  
Ки, ул юзи гул ёш нигорим қани?

Қаро кечаларда кўзум ёрутур,  
Ўшал шамъи шабҳои торим<sup>2</sup> қани?

Ярим кечалар келур эрди бурун,  
Бу тун келмади, оҳ, ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,  
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Фироқингда кўнглумни қон айласанг,  
Санга бўлғай ул беқарорим қани?

---

<sup>1</sup> Гулъзор — гул юзли, гўзал; гулчеҳра, гулрухсор.

<sup>2</sup> Шабҳои тор — қоронғу кечалар.

\* \* \*

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,  
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гуллариғни, боғбон, арз этмаким,  
Таҳ-батаҳ қонлик кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур улким, гул юзунгдин айру боқсам гул сари,  
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,  
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,  
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.

\* \* \*

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:  
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,  
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳди, Бобурни унуттунг,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?



## Фузулий

Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмазми санга?  
Тега урдинг, жисми урёнинг керакмазми санга?

Оташин оҳимла айларсан банга таклифи боғ,  
Богбон, гулбарги хандонинг керакмазми санга?

Ела верма доғидуб, ҳардам оёқлардан кетур,  
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санга?

Эй камонабрў, рақиба верма ғамзангдан насиб,  
Ўқ одарсан доша, пайконинг керакмазми санга?

Ёндуруб жоним, жаҳонсўз<sup>1</sup> этма барқи<sup>2</sup> оҳими,  
Осмон, хуршиди тобонинг<sup>3</sup> керакмазми санга?

Куфри зулфиндан бани манъ айламак лойиқмидир,  
Сўфи, инсоф айла, иймонинг керакмазми санга?

Туталимким, ашк селобина<sup>4</sup> йўқдир эътибор,  
Эй Фузулий, чашми гирёнинг<sup>5</sup> керакмазми санга?

---

<sup>1</sup> Ж а ҳ о н с ў з — жаҳонни куйдирувчи.

<sup>2</sup> Б а р қ — чақмоқ, яшин; ўт, олов; шуъла, нур.

<sup>3</sup> Т о б о н — порлоқ, ёрқин, товланган; қуёшга, ойга ишора.

<sup>4</sup> С е л о б — сел суви, тошқин; кўз ёши.

<sup>5</sup> Г и р ё н — йиғловчи, йиғлаб турган.

\* \* \*

Кўнглим очилур зулфи паришонингни кўргач,  
Нутқим тутилур ғунчаи хандонинги кўргач.

Бохдиқча санга қон сочилур дийдаларимдан,  
Бағрим дилинур новаки<sup>1</sup> мижгонинги кўргач.

Раънолиқ ила қомати шамшоди<sup>2</sup> қилан ёд,  
Ўлмазми хижил сарви хиромонинги кўргач.

Чўқ ишқа ҳавас эдани кўрдимки, ҳавосин  
Тарк этди сенинг ошиқи нолонингни кўргач.

Кофирки, дагил, муътарифи<sup>3</sup> нори<sup>4</sup> жаҳаннам,  
Имона келур оташи ҳижронингни кўргач.

Нозиклик ила ғунчаи хандонинг эдан ёд,  
Этмазми ҳаё лаъли дурафшонинги<sup>5</sup> кўргач.

Сан ҳоли дилинг сўйламасанг нўла, Фузулий,  
Эл фаҳм қилур чоки гирибонинги кўргач.

---

<sup>1</sup> Н о в а к — ўқ, камон ўқи; киприк.

<sup>2</sup> Ш а м ш о д — хушқомат ва чиройли дарахт.

<sup>3</sup> М у ъ т а р и ф — тан олган; иқрор.

<sup>4</sup> Н о р — шуъла, ўт, олов; дўзах.

<sup>5</sup> Д у р а ф ш о н — дур сочувчи; гўзал сўзловчи.

\* \* \*

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин келуб гуфтора<sup>1</sup> бандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил?  
Кавокиб<sup>2</sup> сайрини шаб<sup>3</sup> то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр!

Ғамингдан шамътак ёндим — сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам — наргиси мастинг билур ҳолим,  
Харобот<sup>4</sup> аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр,

Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

---

<sup>1</sup> Г у ф т о р — сўз, сўзлаш.

<sup>2</sup> К а в о к и б — юдузлар.

<sup>3</sup> Ш а б — кеча, тун.

<sup>4</sup> Х а р о б о т — вайрона; мажозан: майхона.

\* \* \*

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар,  
Бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.

Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдан мардум,  
Губор ила баёзи дийдаи хунбора<sup>1</sup> ёзмишлар.

Гулистони сари кўйинг сифотин боб-боб, эй гул,  
Хати райҳон ила жадвал чекуб, гулзора ёзмишлар.

Кируб майхоная қилсанг такаллум, жон бўлуш шаксиз  
Мусаввирлар на суратким, дару<sup>2</sup> девора ёзмишлар.

Ики сатр айлауб ул икки майгун лаъллар васфин,  
Гўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора<sup>3</sup> ёзмишлар.

Муҳаррирлар ёзонда ҳар кима оламда бир рўзи<sup>4</sup>,  
Банга ҳар кун дили садпорадан<sup>5</sup> бир пора ёзмишлар.

Ёзонда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард,  
Фузулий одини кўрдим: сари тумора<sup>6</sup> ёзмишлар.

---

<sup>1</sup> Х у н б о р — қон йирловчи, аччиқ йирловчи.

<sup>2</sup> Д а р — эшик.

<sup>3</sup> Г а в ҳ а р б о р — гавҳар сочувчи, гавҳар ёғдирувчи.

<sup>4</sup> Р ў з и — ризқ, насиба.

<sup>5</sup> С а д п о р а — юз пора, жароҳатли.

<sup>6</sup> С а р и т у м о р а — туморнинг бошига.

\* \* \*

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим?  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?

Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайдим ул ширин лабинг,  
Сан киби, эй Бесутун,<sup>1</sup> бан ҳам қарор этмазмидим?

Ёр-ла ағёри ҳамдам гўрмага ўлсайди сабр,  
Тарки ғурбат айлаюб, азми диёр этмазмидим?

Воизинг куфрин баним расволиғимдан қил қиёс:  
Онда сидқ ўлсайди, бан тақво шиор этмазмидим?

Ул гули хандони кўрмак мумкин ўлсайди банга,  
Сантақ, эй булбул, гулистона гузор<sup>2</sup> этмазмидим?

Дардими оламда пинҳон тутдигим ночордир,  
Уғрасайдим бир табиба ошкор этмазмидим?

Эй Фузулий, доғи ҳижрони-ла ёнмиш кўнглими,  
Лолалар очсайди, сайри лолазор этмазмидим?

---

<sup>1</sup> Б е с у т у н — Шимолий Эрондаги тоғ. Фарҳод шу тоғда канал қазиган, тоғни кесиб, йўл очган.

<sup>2</sup> Г у з о р — ўтиш, йўл.

\* \* \*

Яна ул моҳ баним олди қарорим бу кеча,  
Чиқажақдир фалака нолаи зорим бу кеча.

Шамъваш<sup>1</sup> маҳрами базм айлади ул моҳ бани,  
Ёнажақ оташи ҳажра ёна ворим бу кеча.

Пора-пора жигарим итларина назр ўлсун,  
Ул сари кўя агар тушса гузорим бу кеча.

Субҳа<sup>2</sup> солди бу кеча шамъ киби қатлими ҳажр,  
Ўлаким, субҳ геланча гела ёрим бу кеча.

Вор эди субҳи висолина, Фузулий уммид,  
Чиқмаса ҳасрат ила жони фигурим<sup>3</sup> бу кеча.

---

<sup>1</sup> Ш а м ъ в а ш — шамъ каби.

<sup>2</sup> С у б ҳ — тонг, сахар.

<sup>3</sup> Ф и г о р — мажруҳ, жароҳатли.

\* \* \*

Ҳосилим барқи ҳаводисдан<sup>1</sup> маломат доғидир,  
Маснадим<sup>2</sup> кўйи маломатда фано тупроғидир,  
Зор кўнглум танда зиндони бало дутсоғидир<sup>3</sup>,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Давр жавриндан тану жонимда роҳат қолмади,  
Сурати ҳолимда осори<sup>4</sup> фароғат қолмади,  
Меҳнату ғам чекмага минбаъд тоқат қолмади,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Кўнглиминг мулкин жафо селоби вайрон айлади,  
Бахтиминг ҳолин ҳужуми ғам паришон айлади,  
Бағрими андишаи даври фалак қон айлади,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Интиҳосиз<sup>5</sup> жаврлар ўдлара ёндирди бани,  
Оччи<sup>6</sup> сўзлар тотлу жонимдин ўсондирди<sup>7</sup> бани,  
Халқдан беҳуда афғоним ўтондирди бани,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Истадим бир чора йўқ — елдим-югурдим ҳар ёнга,  
Раҳм эдуб, бир кимса имдод<sup>8</sup> эдмади мутлақ банга,  
Чорасиз қолдим, мурувват истаюб келдим санга,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

---

<sup>1</sup> Ҳ а в о д и с — ҳодисалар, воқеалар.

<sup>2</sup> М а с н а д — ўрин, тахт; даража, мартаба; остона, даргоҳ.

<sup>3</sup> Д у т с о ғ — тутқун.

<sup>4</sup> О с о р — белгилар, нишонлар.

<sup>5</sup> И н т и ҳ о — охир, сўнг, ниҳоя.

<sup>6</sup> О ч ч и — аччиқ.

<sup>7</sup> Ў с о н д и р д и — бездирди, зериктирди.

<sup>8</sup> И м д о д — кўмак, ёрдам, қўллаш.

Дода келдим адл<sup>1</sup> девонина<sup>2</sup> — фарёдим эшит,  
Санки одилсан, кўр, афғоним надандир — ғавра<sup>3</sup> ет,  
Шарҳи ҳолим сўр, муродим вер, алим<sup>4</sup> дут, фикрим эт  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

Кўр Фузулийнинг руҳи<sup>5</sup> зардинда ашки олини,  
Пардаи идбор<sup>6</sup> дутмиш сурати иқболини,  
Дардмандингдир — иноятлар эдуб, сўр ҳолини,  
Раҳм қил, давлатлу султоним, мурувват чоғидир.

---

<sup>1</sup> А д л — адолат, инсоф, одиллик, тўғрилиқ.

<sup>2</sup> Д е в о н — бу ерда: давлат маҳкамаси, ҳукумат идораси.

<sup>3</sup> Ғ а в р — ҳақиқат, моҳият, бирор нарсанинг тағи, туби.

<sup>4</sup> А л — қўл.

<sup>5</sup> Р у х — юз.

<sup>6</sup> И д б о р — бахтсизлик, тушқунлик, омадсизлик.



\* \* \*

Ҳар китобақим, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,  
Риштаи<sup>1</sup> жон бирла ишқ аҳли они шерозалар<sup>2</sup>.

Бу на сирдир — сирри ишқинг демадан бир кимся,  
Шаҳра душмиш бан сани севдим, деян овозалар.

Шайхлар майхонадан юз дўндирарлар<sup>3</sup> масжида,  
Бетариқатларни<sup>4</sup> кўрким, тўғри йўлдан озалар.

Чоклар кўксимда сонмақим очибдир тиғи ишқ,  
Кўнглими шаҳрина меҳринг кирмага дарвозалар.

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, андин инжима,  
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

---

<sup>1</sup> Р и ш т а — ип, таноб; тор; томир.

<sup>2</sup> Ш е р о з а — китобни муқовалашда унинг саҳифалари сочилмасин учун ипак билан тикиш; мажозан: зебу зийнат, оройиш.

<sup>3</sup> Д ў н д и р м о қ - ўғирмоқ, бурмоқ.

<sup>4</sup> Б е т а р и қ а т — йўлсиз, раҳнамосиз; гумроҳ, йўлдан озган.

\* \* \*

Эй гул, на ажаб силсилаи<sup>1</sup> мушки таринг<sup>2</sup> вор,  
В-эй сарв, на хуш жон, олучи ишваларинг вор.

Ожитди<sup>3</sup> бани очи сўзинг, тунд нигоҳинг,  
В-эй нахли<sup>4</sup> малоҳат, на бало талх баринг<sup>5</sup> вор.

Пайконлари ила тўлудир чашми пуробим<sup>6</sup>,  
Эй баҳр, сонурсан сенинг анжақ гуҳаринг вор.

Ул сангдила<sup>8</sup> нолаи зоринг асар этмиш,  
Эй дил, санго бу завқ етар то асаринг вор.

Ишқ ичра, кўнгил, демаки, бан бехудам онжақ,  
Эй фофил, ўзингдан сенинг онжақ хабаринг вор.

Чўқ боқдифина ғамза ила бағрин узарсан,  
Ҳар кимаки боқмазсан, онинг-ла назаринг вор.

Ишқ аҳлина ул моҳ, Фузулий, назар этмиш,  
Сан ҳам ўзингни гўстар<sup>9</sup>, агар бир ҳунаринг вор.

---

<sup>1</sup> С и л с и л а — занжир.

<sup>2</sup> М у ш к и т а р — мажозан: қоп-қора соч.

<sup>3</sup> О ж и т д и — ранжитди.

<sup>4</sup> Н а х л — кўчат, ниҳол, ёш дарахт.

<sup>5</sup> Б а р — мева, ҳосил, самара.

<sup>6</sup> П у р о б — сувга тўла, ҳўл; кўз ёшга тўла.

<sup>7</sup> А н ж а қ (о н ж а қ) — шундай.

<sup>8</sup> С а н г д и л — кўнгли қаттиқ, тошкўнгил.

<sup>9</sup> Г ў с т а р — кўрсат.

## **Бобораҳим Машраб**

Тушди савдои муҳаббат бошима,  
Ор этар мардум келурға қошима.

Кўб<sup>1</sup> муҳаббат кўйида қон йиғладим,  
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳроб<sup>2</sup> аро,  
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб<sup>3</sup> тўктурди соқий бодасин,  
Етмади ақли анинг сирдошима.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,  
Қўй қараб ғам тошини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

---

<sup>1</sup> К ў б — бу ерда: узоқ, давомли.

<sup>2</sup> М е х р о б — масжид ичидаги тоқ; гўзалларнинг қайрилма қоши.

<sup>3</sup> М у ҳ т а с и б — шариатта хилоф ишларни текширувчи.

\* \* \*

Мен нола қилай шому саҳар дод эшигинда,  
Жонимни берай шўхи паризод эшигинда.

Ул лолаю райҳону суман, тоза қизил гул,  
Чун сарв қадин буқлади шамшод эшигинда.

Хўбони<sup>1</sup> жаҳон бўлса, тақи<sup>2</sup> Юсуфи Канъон<sup>3</sup>,  
Султону амир, бандаю озод эшигинда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,  
Жоним қушин сайд айлади сайёд<sup>4</sup> эшигинда.

Олам бориси лаззати ҳуснингни топибдур,  
Гирёну фиғон, нолаю фарёд эшигинда.

Савдои муҳаббатга тушубман сени излаб,  
Ўлтурди ғаминг кўзлари жаллод эшигинда.

Ашким тўқубон ҳажрида ётгум кеча-кундуз,  
Вайрона ватан манзили обод эшигинда.

Ул ҳусни жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвонасифат куйди паризод эшигинда.

---

<sup>1</sup> Х у б о н — гўзал қизлар ва аёллар.

<sup>2</sup> Т а қ и — яна, тагин.

<sup>3</sup> Ҳусну малоҳатда тенгсиз Юсуф алайҳиссалом кўзда тutilмоқда.

<sup>4</sup> С а й ё д — овчи.

\* \* \*

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Фам шомии фироқингда кабоб этти фалакни  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногоҳ сари кўйинг аро бўлдум сенга мойил,  
Эй тожи сарим<sup>1</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг ғамидин кўнглум эрур гунча каби қон,  
Гулбарги тарим<sup>2</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лабшакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма!

Машраб каби кўйингда бўлуб барқи тажалли<sup>3</sup>,  
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

---

<sup>1</sup> С а р — бош.

<sup>2</sup> Г у л б а р г и т а р — янги очилган гул япроғи; мажозан: гўзал  
леҳра; маҳбуба; маҳбубанинг лаби.

<sup>3</sup> Т а ж а л л и (й) — кўриниш, жилваланиш.

\* \* \*

Арзимни айтай боди сабоға,<sup>1</sup>  
Биздин дуо деб ул бевафоға.

Кўзлари Чўлпон, сарви хиромон,  
Зулфи паришон, қоши қароға.

Қомати ларзон, ваъдаси ёлгон,  
Турмади ҳаргиз аҳду вафоға.

Учди кўзимдин ул пари янглиғ,  
Ташлади-кетди турлук балоға.

Қилдук иковлон бир аҳду паймон,  
Ҳар ким ёмондур солдук худоға.

Дарди фироқинг айлади бемор,  
Қайға борай мен эмди давоға.

Ҳажрингда тинмай қилдим фиғонлар,  
Етти бу нолам аршу самоға.

Қилғил тараҳҳум, эй ёри хушхў<sup>2</sup>,  
Лойиқ эмасман жабру жафоға.

Дарду аламдин болу пар айлаб,  
Шаҳбоз<sup>3</sup> кўнглум учди ҳавоға.

Йўл бермадилар менга рақиблар,  
Чиқдим олиб бош бу Карбалоға<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Б о д и с а б о — тонг шаббадаси, майин шамол.

<sup>2</sup> Х у ш х ў (й) — хушфезъ, хуштабиат.

<sup>3</sup> Ш а ҳ б о з — лочин.

<sup>4</sup> К а р б а л о — Эрондаги Карбало саҳроси.

Эй ёри бадахд<sup>1</sup>, бемеҳр экансан,  
Раҳм айламайсан мен мубталоға.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинг,  
Жоним тасаддуқ сен хуш адоға.

Дилхаста Машраб қилмасму фарёд,  
Кўзлари жаллод олса ароға.

---

<sup>1</sup> Б а д а х д — аҳди ёмон, бевафо.

\* \* \*

Кўрсат жамолинг мастоналарға<sup>1</sup>,  
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мендин дуодур, сендин ижобат,  
Жоним тасадуқ жононаларға.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,  
Қилғил назар сен бечораларға.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,  
Бошини қўюб остоналарға.

---

<sup>1</sup> М а с т о н а — мастлардек; шўх гўзал, дилбар.



\* \* \*

Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,  
Булбули шўрида<sup>1</sup> янглиғ гулистонимдин жудо.

Найлайн, қилдинг мени охир ғарибу нотавон,  
Мубталои ғам қилиб, кўксумда жонимдин жудо.

Қумри янглиғ баңдалиқ тавқини<sup>2</sup> бўйнумға солиб,  
Термулуб ҳайрон эдим сарви равонимдин жудо.

Оҳ уруб, қон йиғласам, айб айламанг, эй дўстлар,  
Мен бўлбман тўтйи ширинзабонимдин<sup>3</sup> жудо.

Кўх ба кўх, сахро ба сахро<sup>4</sup>, Машрабо, юрмоқ надур?  
Чуғзи<sup>5</sup> бевайронадурман<sup>6</sup> ошөнимдин жудо.

---

<sup>1</sup> Ш ў р и д а — паришон, мубтало.

<sup>2</sup> Т а в қ — ҳалқа, тамға.

<sup>3</sup> Ш и р и н з а б о н — ширинсўз.

<sup>4</sup> Тоғма-тоғ, сахрома-сахро.

<sup>5</sup> Ч у ғ з — бойқуш, бойўғли.

<sup>6</sup> Б е в а й р о н а — вайронасиз.

\* \* \*

То кийди қизил, ўзини зебо қилайин деб,  
Ўт ёқди жаҳон мулкина ғавго қилайин деб.

Машшота<sup>1</sup> била жилвада кўргузли қаддини,  
Меңдек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Зулфини тараб, қошу кўзин жилвагар этти,  
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим<sup>2</sup>,  
Чин солди жабиниға<sup>3</sup>, таманно қилайин деб.

Мастона саманд секрата келди шаҳи хунрез<sup>4</sup>,  
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Кўп йилки, бу қул хизматини қилмади бар жо<sup>5</sup>,  
Келдики газаб бирла чу расво қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушҳол бўлиб кет,  
Қонимни мени лолаи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдирғали келди,  
Ғавғои қиёматни ҳувайдо<sup>6</sup> қилайин деб.

---

<sup>1</sup> М а ш ш о т а — пардозчи.

<sup>2</sup> А р з и н и ё з а й л а м о қ — муҳтожлик дардини баён қилмоқ, ҳожатмаңдлик билдирмоқ.

<sup>3</sup> Ж а б и н — манглай, пешона; юз, бет.

<sup>4</sup> Х у н р е з — қон тўқувчи, қонхўр; зolim, раҳмсиз.

<sup>5</sup> Қ и л м а д и б а р ж о — жойига қўймади, бажармади.

<sup>6</sup> Ҳ у в а й д о — ошкор, аён, равшан.

\* \* \*

Офати жоним, эй санам, қоши қаросини кўрунг,  
Икки юзиға чулғанур зулфи сиёсини<sup>1</sup> кўрунг.

Гоҳо қизил қабо кийиб, қирмизи сочбоғин солиб,  
Нозу карашмалар қилиб, аҳду вафосини кўрунг.

Ҳуру паридин тозадур, шамсу<sup>2</sup> қамар<sup>3</sup> хижил эрур,  
Ким они кўрса бандадур, ҳусни расосини кўрунг.

Гоҳи қошини ё этиб, кирпик ўқи бирлан отиб,  
Жоду кўзини ўйнотиб, мақру балосини кўрунг.

Машраби бенаводурам, васли учун гадодурам,  
Ҳажр ўтиға куёдурам, ёр жафосини кўрунг.

---

<sup>1</sup> С и ё (х) — қора.

<sup>2</sup> Ш а м с — қуёш.

<sup>3</sup> Қ а м а р — ой.

\* \* \*

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечун шод этмайинким хаста кўнглум бир даме,  
Келди ҳолимни сўраб, ул шўҳи жононим менинг.

Эй ситамгар<sup>1</sup>, келгилу эмди шаҳид эттил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.

Чун сенингдек нозанин жамъи мулкда йўқтурур,  
Бу жаҳонда кўрмадим, эй кўзи Чўлпоним менинг.

Нозу истиғно билан келгил, мени ҳолимни сўр,  
Термулуб доим йўлунгда чашми гирёним менинг.

Тобакай жабру ситам айлаб юурсан, эй рафиқ,  
Чиқди, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

---

<sup>1</sup> С и т а м г а р — жабр кўрсатувчи, золим.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, баён айлай сенга бир-бир жудолиғни,  
Ки шояд раҳм этиб, солсанг ўзингга ошнолиғни.

Тамоми хонумонимдин кечибон бир сени дерман,  
Ўзингдин ўзга билмайдур, ўзинг билғил фидолиғни.

Чу сендин ўзгани демам, қасам оллоҳ; қабул этғил,  
Ки зулминг ўзгага айлаб, менга берғил сафолиғни.

Сулаймон тахтию<sup>1</sup> Жамшидни жомига<sup>2</sup> бермасман,  
Қўлумга косаи чўбин<sup>3</sup> олиб, қилсам гадолиғни.

Аё, эй тошюрак бедил<sup>4</sup>, жафожў<sup>5</sup>, зулмгар<sup>6</sup>, бедод,  
Нигоро, кимдин ўргандинг мунингдек бевафолиғни?

Сен, эй зоҳид, насиҳатни бориб меҳроб аро айтғил,  
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни<sup>7</sup>.

Аё, эй раҳмсиз золим, жафожў, кўзлари жаллод,  
Нигоро, Машрабингга қилмағайсан бевафолиғни.

---

<sup>1</sup> С у л а й м о н — пайғамбар-подшоҳ. У ўзининг сеҳрли узути воситасида нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга ўз ҳукмини ўтказа олар экан.

<sup>2</sup> Ж а м ш и д ж о м и да гўё бутун олам, замон ва келажак ҳодисотлари акс этар эмиш.

<sup>3</sup> Ч ў б и н — ёғочдан ясалган.

<sup>4</sup> Б е д и л — бу ерда: дилсиз, юраксиз.

<sup>5</sup> Ж а ф о ж ў — жафо қилувчи, жафо изловчи.

<sup>6</sup> З у л м г а р — зулм қилувчи.

<sup>7</sup> Р и ё — иккиюзламачилик, мунофиқлик.

\* \* \*

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,  
Оромижоним, ишқингда ўлдум.

Мунча жафони кимдин ўргандинг?  
Эй нуктадоним<sup>1</sup>, ишқингда ўлдум.

То қоба қавсайн шарҳи<sup>2</sup> қошингдур,  
Абрўкамоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусга<sup>3</sup> ўхшаб ёндим тириклай,  
Ўртади жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилғил, ҳолимға боқғил,  
Номеҳрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёрим, сенга мен чокар<sup>4</sup> бўлойин,  
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ — жон лабга етти,  
Руҳи равоним, ишқингда ўлдум.

---

<sup>1</sup> Н у к т а д о н — нозикфаҳм, доно.

<sup>2</sup> Қ о б а қ а в с а й н и а в а д н о — Қуръон ояти: икки қавс (камон) масофада ёки (ундан ҳам) яқинроқ; мажозан: икки қошга ишора.

<sup>3</sup> Қ а қ н у с — Афсонавий хушовоз қуш: бир умр ўтин йиғаркан-да, кейин унинг устига чиқиб, шунақанги ўтли наво қиларканки, нафасидан ўтин аланга олиб, ўзи ҳам ёниб кетаркан — унинг кулидан янги қақнусбачча пайдо бўлар экан.

<sup>4</sup> Ч о к а р — хизматкор.

\* \* \*

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,  
Ойдек юзунгга боқдимۇ қурбон ўла қолдим.

Ўтдек тутошиб куйди юроким била жоним,  
Парвонадайн ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ноз ила чиқди санамим майкадасидин<sup>1</sup>,  
Бир ғамзасиға дин ила иймон бера қолдим.

Кўрдумки ажаб ишвагару дилбари танноз,  
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дилдор жамолини кўруб, ишқи йўлида  
Гулгун ёнибон маҳви тамошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Каъбаю бутхонаға<sup>2</sup> бормоқ,  
Мен гавҳари мақсуд олайн деб ёна қолдим.

Машраб бошиға тушти ўшал кун ғами дилдор,  
Шайдоси бўлуб, жумла ҳавасдан қола қолдим.

---

<sup>1</sup> М а й к а д а — майхона.

<sup>2</sup> Б у т х о н а — бутпарастлар ибодатхонаси.

\* \* \*

Эй гулбаданым, гул юзингга банда бўлойин,  
Қурбони шакар лаблари пурханда бўлойин.

Рухсори гулингдин сен агар пардани очсанг,  
Кўнглум очилиб, булбули ноланда<sup>1</sup> бўлойин.

Мастона кўзинг ногаҳ агар ёдима тушса,  
Ҳу-ҳу қушидек кечалар гўянда<sup>2</sup> бўлойин.

Куйдурди мени бир боқшинг, дилбари раъно,  
Ҳайрат била мен ошиқи шарманда бўлойин.

Пардангни олиб, мен сари гар биргина боқсанг,  
Ул дам мени мотамзада<sup>3</sup> дар ханда<sup>4</sup> бўлойин.

Бул Машраби бечорага ҳаргиз назар этсанг,  
Мен бандаи ул наргиси пурханда бўлойин.

---

<sup>1</sup> Н о л а н д а — нола қилувчи.

<sup>2</sup> Г ў я н д а — қиссагўй, афсона айтувчи, бахши; айтиб-айтиб йиғловчи.

<sup>3</sup> М о т а м з а д а — мотамга қолган, ғам хаста қилган.

<sup>4</sup> Д а р х а н д а — кулгида.



\* \* \*

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юраклар рахналар<sup>1</sup> бўлди бу кўнглум можаросидин.

Хаёлимда сени васлинг — етолмасман мени ҳайрон,  
Магар васлингга етсам, пири комилни дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,  
Рақиблар шодмон бўлди нигоримни жафосидин.

Мени сенсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,  
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликни бақосидин<sup>2</sup>.

Сенинг ишқинг била йиғлаб, агар маҳшар куни чиқсам,  
Қуярлар мўмину кофир бу Машрабни навосидин.

---

<sup>1</sup> Р а х н а — дарз, ёриқ; жароҳат.

<sup>2</sup> Б а қ о — мангулик, абадийлик.

\* \* \*

Ўлдуройин дермусан ё куйдуройин дермусан?  
Ёна бошимга балолар ёғдуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мижгонларинг бедод этиб,  
Кашмири тил<sup>1</sup> бирла ҳолимни сўройин дермусан?

Осмоңдин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,  
Қуш каби болу паримни юлдуройин дермусан?

Шоҳбози ломакон<sup>2</sup> кўнгул қушини овлабон,  
Табл<sup>3</sup> уруб, долбой<sup>4</sup> қоқибон кўндуройин дермусан?

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулғаманг,  
Оҳ, қизил қон бирла қўйнум тўлдуройин дермусан?

Мансури Ҳаллождек<sup>5</sup> ичиб шароб ан-тахур<sup>6</sup>,  
Судратиб, дор остига олиб боройин дермусан?

Сендин ўзгани агар кўнглума солсам, эй пари,  
Тасмадек ушбу танимни тилдиройин дермусан?

Бу муҳаббат шўриши<sup>7</sup> жонимдин ўтти, вой-вой,  
Ишқи йўқ бедардларни куйдуройин дермусан?

Бу ҳама дарду балоларники солди бошима,  
Ишқ, Машраб, жаннат ичра кирдиройин дермусан?

---

<sup>1</sup> К а ш м и р и т и л — алдоқчи тил, ёлғондакам.

<sup>2</sup> Л о м а к о н — маконсиз; мажозан: маънавий олам.

<sup>3</sup> Т а б л — катта ногора.

<sup>4</sup> Д о л б о й — овчи, ов қушини қўлга келтириш учун унга кўрсатиб чақирадиган гўшт.

<sup>5</sup> М а н с у р Ҳ а л л о ж — «Аналҳақ» — «Мен — Худоман» дегани учун қатл этилган машҳур сўфий.

<sup>6</sup> Ш а р о б а н - т а ҳ у р — кайфсиз шароб.

<sup>7</sup> Ш ў р и ш — изтироб, ҳаяжон; фитна, исён.

\* \* \*

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишиға ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,  
Бўлур бесабру бегоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб-ёндим фироқингда,  
Отинг тутсам, нигоро дебки, завқидин забон<sup>1</sup> ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларим ниҳон ўртар.

На қаттиғ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Мени оҳим тутуниға замину осмон ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,  
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юракимни фифон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға солма,  
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон<sup>2</sup> ўртар.

---

<sup>1</sup> Забон — тил.

<sup>2</sup> Биҳишти жовидон — абадий жаннат.

\* \* \*

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,  
Рафтори<sup>1</sup> бало, кўзлари мастона келибдур.

Девона бу жонингни фидо қил они учун,  
Кокиллариким, белина чулғона келибдур.

Зарроти<sup>2</sup> жаҳон ичида кўб ташналаб эрдим,  
Жонона била соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо қил анга, эй хастаи Машраб,  
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.

---

<sup>1</sup> Рафтор — юриш.

<sup>2</sup> Заррот — зарралар; воқелиқдагилар.

\* \* \*

Сени Лайлийи раънодек ажойиб дилрабо дерлар,  
Мени Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону ноалар қилсам,  
Ки ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво дерлар.

Юруб сўрдум табиблардин: «Бу дардимга даво  
борму?»  
Табиб айтурки: «Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар!»

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан  
Фарҳод?  
Алар ўтди бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники<sup>1</sup>, Машраб кўзига суртти,  
Нида келдики оламдин кўзига тўтиё дерлар!

---

<sup>1</sup> Х о к и п о (й) — оёқ ости тупроғи, оёқ изи.

\* \* \*

Сетор деманг, ҳоли дилим сўргучи танбур,  
Кўнглум гириҳу<sup>1</sup> ғамларини очғучи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада бўлсам,  
Ҳамдард бўлубон оғушима киргучи танбур.

Кўтоҳназар<sup>2</sup> эл муни ҳеч қадрини билмас,  
Даргоҳи азалдин<sup>3</sup> хабаре бергучи танбур.

Ғар ёр жамолини кўруб, пардаға солсам,  
Нағмаси они сийнахарош<sup>4</sup> этгучи танбур.

Ҳам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Ҳайрат ўтидин маҳви санам қилғучи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб, ўттек келибон ул,  
Бир учқуниға жумлани куйдургучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрез,  
Жонимни ёқиб, сийнахарош этгучи танбур.

---

<sup>1</sup> Г и р и ҳ — тугун, чигил, мушкулот; соч ўрими.

<sup>2</sup> К ў т о ҳ н а з а р — калтафаҳм, калтабин.

<sup>3</sup> Д а р г о ҳ и а з а л — Худо даргоҳи.

<sup>4</sup> С и й н а х а р о ш — юракни тирновчи, дилга азоб берувчи, дардларни қўзғовчи.

\* \* \*

Ишқингда мени волаю ҳайрон яратибдур,  
Тарсобачани<sup>1</sup> горати<sup>2</sup> иймон яратибдур.

Бу дашту биёбонда ўларман, нетай, охир,  
Холиқ<sup>3</sup> мени — ташна, сени — уммон яратибдур.

Жонимни олур бўлсанг, ол, эй дилбари раъно,  
Биз ғамзадаларни сенга қурбон яратибдур.

Тақдири қалам бошима етти, нетайин, оҳ,  
Ҳажринг ғамида бесару сомон<sup>4</sup> яратибдур.

Арзимни сенга айтайин, эй шоҳи жаҳоним,  
Бизларни гадоким, сени султон яратибдур.

Сахрои ғам ичра мени ҳайрону харобу  
Лабташнаю дилхастаю сарсон яратибдур.

Мастонасифат ишва била нозу карашма,  
Парвонасифат шамъиға сўзон<sup>5</sup> яратибдур.

Девонаи Мажнун на қилур — йўқдур иложи:  
Аз рўзи азал<sup>6</sup> бағрини бирён<sup>7</sup> яратибдур.

Девонаи Машраб не демиш эрса, ёронлар,  
Айб айламангизлар, они нодон яратибдур.

---

<sup>1</sup> Т а р с о б а ч а — насроний бола.

<sup>2</sup> Г о р а т — талон-торож, яғмо.

<sup>3</sup> Х о л и қ — Яратувчи, Худо.

<sup>4</sup> Б е с а р у с о м о н — бахтсиз; паришон.

<sup>5</sup> С ў з о н — ёлқинли, куйган, ёниб турган.

<sup>6</sup> А з р ў з и а з а л — азалдан, бошдан, ибтидодан.

<sup>7</sup> Б и р ё н — қовурилган.

\* \* \*

Малаксан ё башар ё ҳуру филмонсан<sup>1</sup> — билиб бўлмас,  
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,  
Чароғи ҳусни рўйингдин<sup>2</sup> кўнгулни ҳам узиб бўлмас.

Юзингни офтобини кўруб, ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб, шамси анварни<sup>3</sup> олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулни ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлубсан, бўлмағил ғофил,  
Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

---

<sup>1</sup> Ф и л м о н — ёш гўзал; жаннатдаги хизматкор бола.

<sup>2</sup> Р ў (й) — юз.

<sup>3</sup> Ш а м с и а н в а р — порлоқ қуёш.



\* \* \*

Жамолинг кўргали келдим, аё, эй меҳрибон онам,  
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени оромижонимсан,  
Муроди ду<sup>1</sup> жаҳонимсан, бихишти жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,  
Қади сарву санавбар<sup>2</sup>, қошлари мисли камон, онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,  
Мени хоку туроб<sup>3</sup> этти, юзи моҳитобон, онам.

Сени кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,  
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилкашон<sup>4</sup>, онам.

Илоҳо, авф қилғайсан бу Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли<sup>5</sup> онаи зорим, ғарибу нотавон онам.

---

<sup>1</sup> Ду — икки.

<sup>2</sup> Санавбар — хушқомат дарахт; гўзал, хушбичим қомат.

<sup>3</sup> Хоку туроб — тупроқ.

<sup>4</sup> Дилкашон — кўнгиш тортиб.

<sup>5</sup> Туфайл — сабаб, баҳона.

\* \* \*

Сеторим ториға жон риштасидин тор эшиб чолсам,  
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра мақомин дилға жо қилсам,  
Муҳаббат созиға созлаб, мен они олдида чолсам.

Мақомларнинг атосини «Хусайний»у «Ажам» дерлар,  
Булардан ҳам юқори пардаида «Чоргоҳ» чолсам.

«Баёт»и дилбаримни ёдида чолсам паёпайким<sup>1</sup>,  
Ки кўнгул бенаво бўлғонидин айлаб «Наво» чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у ғазални соза еткурсам,  
Саҳарларда қўпуб<sup>2</sup>, машшоқлардин пурзиё<sup>3</sup> чолсам.

Кел, эй Машраб, қадаҳ сунгил, бўлойин маст-мустағрақ<sup>4</sup>,  
Бир илкға<sup>5</sup> косаи танбур, бириға жомни олсам.

---

<sup>1</sup> П а ё п а й — кетма-кет, муттасил.

<sup>2</sup> Қ ў п м о қ — ўридан турмоқ.

<sup>3</sup> П у р з и ё — ўта нури, жуда ёрқин.

<sup>4</sup> М у с т а ғ р а қ — буткул маст.

<sup>5</sup> И л и к — қўл.

\* \* \*

Зиҳи<sup>1</sup> расволигим оламға солди шўру шар<sup>2</sup> танҳо,  
Наҳанги<sup>3</sup> нўҳ<sup>4</sup> фалак дарёси бўлди, алҳазар<sup>5</sup>, танҳо,  
Нигорим бирла мен пурҳандадурман, халқи дайр танҳо,  
Қаландарман, жаҳонни сайр этиб, қилдим сафар танҳо,  
Чу симурғеки, парвоз айлағай беболу пар танҳо.

Биҳишт айвонида бўлмоқ иложин орзу қилмай,  
Сотарға дину дунёни ривожин орзу қилмай,  
Яна Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,  
Шаҳи рўйи заминни тахту тожин орзу қилмай,  
Гадои фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар<sup>6</sup> танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдим,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,  
Муҳаббат даштида аввора бўлган халқни кўрдим,  
Жунун туғён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасиға суҳбати маъшуқ,  
Муяссар бўлмаса маҳрам саройи хилвати маъшуқ,  
Вужудингни адам<sup>7</sup> қилмоғлиғингдур миллати маъшуқ,  
Йўқ этгил ўзлугингни, келмағай то ғайрати маъшуқ,  
Киши маҳрам бўлолмас ёрига бўлмас ағар танҳо.

---

<sup>1</sup> З и ҳ и — жуда.

<sup>2</sup> Ш ў р у ш а р — тўполон, ғавво.

<sup>3</sup> Н а ҳ а н г — акула, катта балиқ.

<sup>4</sup> Н ў ҳ — тўққиз.

<sup>5</sup> А л ҳ а з а р — ҳазар қилиш, ҳушёр бўлиш маъносидаги нидо.

<sup>6</sup> Б а ҳ р у б а р — қуруқлик ва сув, бутун дунё.

<sup>7</sup> А д а м — йўқлик.

\* \* \*

Бориб айтинг, азизим, кўзларимга тўтиё келсун,  
Мени бедасту пони<sup>1</sup> кўргали ул подшо келсун,  
Солиб бўйнига зулфи анбарин<sup>2</sup> мушки Хито<sup>3</sup> келсун,  
Мени кулбамни равшан қилғали ул пурзиё келсун,  
Умидим бор: ранжурларни<sup>4</sup> излаб, ҳар сабо келсун.

Камонабрўлари ҳар қайсиси бир шўхи жаллоди,  
Юрур бўлса чаманда қаддидур монанди шамшоди,  
Дубора<sup>5</sup> келмағай оламда мундоқ сарви озод<sup>6</sup>,  
Билолмайман нечун пайдо қилибдур аршни устоди<sup>7</sup>,  
Дилимда юз жароҳат бор, бермакка даво келсун.

Чунон бехудлигимдин субҳиму шомимни билмайман,  
Кетибдур ақл мендин — пухтаю хомимни билмайман,  
Билолмасман нечук ўткардим айёмимни, билмайман,  
Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомимни<sup>8</sup> билмайман,  
Чароғи дилни равшан қилғали нури сафо келсун.

Вафодорим, дедим, охир дамида бевафо бўлди,  
Билолмайман, не айб кўрдик, ул мендин жудо бўлди,  
Кўзумни кавлаган халқларга бориб ошно бўлди,  
Бошимга хонавайронлиғ тушуб, қаддим дуто<sup>9</sup> бўлди,  
Мени рўзи сиёҳни<sup>10</sup> кўргали ул дилрабо келсун.

---

<sup>1</sup> Б е д а с т у п о — қўл-оёқсиз, нўноқ.

<sup>2</sup> А н б а р — хушбўй.

<sup>3</sup> М у ш к и Х и т о — Хитой мушк-анбари; мажозан: маҳбуба.

<sup>4</sup> Р а н ж у р — касалманд, дардман, эзилган.

<sup>5</sup> Д у б о р а — икки марта.

<sup>6</sup> С а р в и о з о д — чиройли, латофатли ёр.

<sup>7</sup> А р ш н и у с т о д и — Худо.

<sup>8</sup> С а р а н ж о м — бу ерда: оқибат, охир.

<sup>9</sup> Д у т о (х) — икки букилган, эгилган.

<sup>10</sup> Р ў з и с и ё ҳ — куни, бахти қора.

Ўзини билмаганлар айтадурлар: «Ўзга ёр ахтар!»  
«Кўнгулни бевафоға бермагил, бир ғамгусор ахтар!»  
«Агарчи дилрабони топмасанг, дигар диёр ахтар!»  
«Кўнгулни муддаосин билгудек бир дилфигор ахтар!»  
Мен айтурман: «Кўзумни ўйса-ўйсун, ошно келсун!»

Жаҳонни хўбларини<sup>1</sup> бевафо қилмоқғадур қасди,  
Қилиб бехонумон, соҳибазо<sup>2</sup> қилмоқғадур қасди,  
Ҳазорон<sup>3</sup> дарду ғамға ошно қилмоқғадур қасди,  
Таги деворларға мубтало қилмоқғадур қасди,  
Олов ёқсун бошимға, то тирикман муддао келсун.

---

<sup>1</sup> Х ў б л а р — яхшилар; гўзаллар.

<sup>2</sup> С о ҳ и б а з о — аза эгаси, таъзияли.

<sup>3</sup> Ҳ а з о р о н — минг-минглаб.

\* \* \*

Эй санам, гулгул ёнибсан, май ичиб, рахшонмусан?  
Барқ уродур гул юзунг, ҳай-ҳай маҳитобонмусан?  
Хуш кулуб берғил жавобим, жонмусан, жононмусан?  
Оллоҳ-оллоҳ, пора кўнглум тахтиға султонмусан?  
Шишаи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?

Силкиниб бир-бир юрурсан, булъяжаб мастонасан,  
Май ичибон тир чекибсан, турфа гулгун ёнасан,  
Бу назокатда турурсан, сен начук жононасан,  
Гулмусан, райҳонмусан, ё дурмусан, дурдонасан,  
Лаъму<sup>1</sup>, ёкутмусан, маржонмусан, жононмусан?

Оразинг — анвар<sup>2</sup>, хатинг<sup>3</sup> — анбар, лабинг — шаҳду  
шакар,  
Пистаи хандондур офзинг, кўзларинг — бодоми тар<sup>4</sup>,  
Оразинг сахни аро холу хатингдур жилвагар,  
Бу назокатлар била ҳай-ҳай келибсан дар назар<sup>5</sup>,  
Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурки ё барги суман,  
Донаи райҳон қаро холу хатинг сахни чаман,  
Сиймтан, гулпираҳан<sup>6</sup>, ширинсухан, нозикбадан,  
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,  
Ҳурмусан, филмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

Сўзларинг шаҳду шакардур, лабларинг — қанду асал,  
Қоматингдур найшакар<sup>7</sup>, бошдин-аёфинг бебадал<sup>8</sup>,  
Бир наво айлай, қулоқ солғил, эшитғил бу масал:  
Булбулинг — мен, сен — гулимсан ҳам гулистоним азал,  
Машрабинг ўртанди, эй гул, оташин сўзонмусан?

<sup>1</sup> Л а ъ л — қизил рангли қимматбаҳо тош.

<sup>2</sup> А н в а р — энг нури, порлоқ.

<sup>3</sup> Х а т (т) — соч, зулф; қизлар лабидаги майин тук.

<sup>4</sup> Б о д о м и т а р — тоза, янги бодом.

<sup>5</sup> Д а р н а з а р — назарга.

<sup>6</sup> П и р а ҳ а н — кўйлак.

<sup>7</sup> Н а й ш а к а р — шакарқамиш.

<sup>8</sup> Б е б а д а л — тенти йўқ, мислсиз.

\* \* \*

Не ғурбатларни чектим, чархи бебунёд<sup>1</sup>, дастингдин,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдин,  
Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим дилшод дастингдин,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,  
Дилимни қуввати руҳи ғавонимдин аюрдилар,  
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин аюрдилар,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Чаманда булбули бехонумонман — ошеним йўқ,  
Мисоли чуғздек вайроналарда ҳам маконим йўқ,  
Азизимдин жудо бўлдум — бошимға соябоним йўқ,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзиким термулуб йўлларға ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Бу дунё дийдасига торикистон<sup>2</sup> бўлмасун ҳеч ким,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Илоҳо, менга еткурғаймукин хуршиди матлабни<sup>3</sup>,  
Саодат вақтида бошимға чун иқболи кавкабни,  
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

---

<sup>1</sup> Б е б у н ё д — бунёдсиз, азалий эмас, абадий эмас.

<sup>2</sup> Т о р и к и с т о н — зулмат, зулмат диёри.

<sup>3</sup> М а т л а б — мақсад, талаб.

\* \* \*

Эй гунчай навхези<sup>1</sup> гулистони малоҳат,  
В-эй, тоза ниҳоли чаманорои назокат,  
Зулфи сияҳинг — фитнаю холу хатинг — офат,  
Йўлингда тегар бошима минг санги<sup>2</sup> маломат,  
Мақбулсан, эй дилбари хушлаҳжа, бағоят,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо — жонима роҳат.

Гулгунчай нозик баданим, лолаузорим,  
Шамшодқадим, сиймтанам, чашми хуморим,  
Хусн мулкида жонона бўлан шоҳсуворим,  
Кел оддима, жон садқа қилай сенга, нигорим,  
Ҳам сабру қарор қолмади, кўнглумда — мадорим.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо — жонима роҳат.

Эй муғбача, марғублуғинг<sup>3</sup> ҳаддин ўтубдур,  
Овозаи хуснунг ҳама оламни тутубдур,  
Гулзори жамолинга гули лола битибдур,  
Машшотаи тақдир сени хуш яратибдур,  
Юзунгни кўруб, одами жаннат унутибдур.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо — жонима роҳат.

Кокулларинг ҳалқасини чун ой кўрубман,  
Жон риштасин ҳар торига баржой<sup>4</sup> кўрубман,  
Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,  
Гисулари чун зулфини бар пой<sup>5</sup> кўрубман,  
Машрабни ўзум ошиқи худрой<sup>6</sup> кўрубман,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо — жонима роҳат.

<sup>1</sup> Н а в х е з — тоза, ёш, янги ўсиб келаётган.

<sup>2</sup> С а н г — тош.

<sup>3</sup> М а р ғ у б — ёқимли, севимли; гўзал.

<sup>4</sup> Б а р ж о й — бу ерда: омукта, боғлиқ.

<sup>5</sup> Б а р п о й — оёқ учида, оёқ остида.

<sup>6</sup> Х у д р о й — ўжар, қайсар.



\* \* \*

Хонумонидин жудо бўлган кишидин дард сўранг,  
Ўртаниб, қадди дуто бўлган кишидин дард сўранг,  
Юз аламга ошно бўлган кишидин дард сўранг,  
Бекасу бемуттако<sup>1</sup> бўлган кишидин дард сўранг,  
Мисли мен бедасту по бўлган кишидин дард сўранг.

Онадин туғмиш куним рўзе ҳаловат кўрмадим,  
Бу работи кўҳнада мен истиқомат кўрмадим,  
Ғарқ бўлдум бир неча меҳнатга, роҳат кўрмадим,  
Ғуссадин ўлдум бу кун, хоби<sup>2</sup> фароғат кўрмадим,  
Хонабардўши<sup>3</sup> гадо бўлган кишидин дард сўранг.

Бул мени рози дилимни зор бўлганлар билур,  
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур,  
Ғуссалар бирла дили афгор<sup>4</sup> бўлганлар билур,  
Бир азиз боши, чунончи, хор бўлганлар билур,  
Йўл аро бераҳнамо<sup>5</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Муддате бўлди — бу йўлда истироҳат менда йўқ,  
Кашфдин ҳолидурам — нури каромат менда йўқ,  
Лоладек сийнамда доғим бор — фароғат менда йўқ,  
Рози дил изҳор қилурға аҳли суҳбат менда йўқ,  
Ранги зарди қаҳрабо<sup>6</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Машрабо, зулматга ғарқ бўлди мени обу гилим<sup>7</sup>,  
Бу сабабдин танг келди боратургон манзилим,  
Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар соат паришондур дилим,  
Изласам, ёнимда йўқ бир ғамгусори қобилим,  
Ўртаниб қолган, адо бўлган кишидан дард сўранг.

---

<sup>1</sup> Б е м у т т а к о — суянчиқсиз, тиргаксиз.

<sup>2</sup> Х о б — уйқу.

<sup>3</sup> Х о н а б а р д ў ш — уй-жойсиз, овора.

<sup>4</sup> А ф г о р — мажруҳ, эзилган, ғамли.

<sup>5</sup> Б е р а ҳ н а м о — раҳбарсиз раҳнамосиз.

<sup>6</sup> К а ҳ р а б о — сариқ рангли тош; сариқ.

<sup>7</sup> О б у г и л — вужуд, борлиқ.

\* \* \*

Булбулдайинким фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман,  
Кўнгулларимни мен шод этарман,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим юз оҳу фарёд,  
Ўтти нигорим чун сарви озода,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди — тугти ёқамдин,  
Бағримни тилғил пайкони ғамдин,  
Минг доду фарёд ушбу аламдин,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксумда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб, бағримға томди,  
Ғафлатда қолғон Машраб уёнди<sup>1</sup>,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

---

<sup>1</sup> У ё н д и — уйғонди.

## Амирий

Қошингга тегузмағил қаламни,  
Бу хат била бузмағил рақамни.

Бутхоналар ичра ҳеч тарсо<sup>1</sup>  
Бир кўрмади сен киби санамни.

Ошиқларингга тараҳхум этгил,  
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Нақши қадаминг муяссар ўлса,  
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.

Кўнглум қуши тойири<sup>2</sup> ҳариминг<sup>3</sup>,  
Сайд этма кабутари ҳарамни.

То беватан ўлмасун кўнгуллар,  
Зулфунгдин аюрма печу хамни<sup>4</sup>.

Лаълинг ғамидин кўзум тўкар қон,  
Беҳуда кечурмағил бу дамни.

Йўлунгда ғубори роҳ бўлдум,  
Бошимга етурмадинг қадамни.

Сер ёрдин ўзга кимга дермен,  
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бир коса шароби арғувоний  
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Иқлими вафо Амиридурсен,  
Эй шаҳ, бу гадоға қил карамни<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Т а р с о — насроний, христиан.

<sup>2</sup> Т о й и р — қуш.

<sup>3</sup> Ҳ а р и м — хос жой.

<sup>4</sup> П е ч у х а м — эгилган, буралган.

<sup>5</sup> К а р а м — яхшилик, меҳрибонлик, марҳамат, эҳсон.

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,  
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул париваш васлидин бўлдум жудо,  
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр жаврин тортамен,  
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Тан бузилди, эмди роҳат қолмади,  
Соя пайдо бўлмади деворсиз.

Оразин кўр, бўлма зулфидин малул<sup>1</sup>,  
Бу жаҳонда ганж йўқтур морсиз<sup>2</sup>

Берма нисбат қаддиға, эй боғбон,  
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.

Ор қилмас таънаи ағёрдин,  
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Нодира аҳволидин огоҳ ўлунг,  
Эй мусоҳибларки<sup>3</sup>, қолмиш ёрсиз.

---

<sup>1</sup> М а л у л — ранжиган, ғамгин, хафа, озор чеккан.

<sup>2</sup> М о р — илон.

<sup>3</sup> М у с о ҳ и б — суҳбатдош, улфат.

\* \* \*

Эй сарви равон, надур хаёлинг,  
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста<sup>1</sup> дуои хайр этармен,  
Мақсадум эрур сенинг камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,  
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг.

Зухд аҳлиға салсабилу<sup>2</sup> кавсар<sup>3</sup>,  
Басдур менга рашҳаи<sup>4</sup> зулолинг.

Чиқмасда ҳануз хату саводи,  
Мусҳафда<sup>5</sup> муборақ эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,  
Эй ринди<sup>6</sup> гадо, синуқ сафолинг<sup>7</sup>.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,  
Йўқтур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ ичида  
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,  
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.

---

<sup>1</sup> П а й в а с т а — боғланган, уланган, туташган.

<sup>2</sup> С а л с а б и л — тоза, тиниқ, муздек оқар сув.

<sup>3</sup> К а в с а р — жаннат булоғи.

<sup>4</sup> Р а ш ҳ а — томчи.

<sup>5</sup> М у с ҳ а ф — Қуръон.

<sup>6</sup> Р и н д — ҳур фикрли; майпараст.

<sup>7</sup> С и н у қ с а ф о л — мажозан: синиқ кўнғил.

\* \* \*

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,  
Лаби шаккаршиканимни<sup>1</sup> тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин гамида рўзгорим ўткучидур,  
Ки ёри сиймтаннимни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври роҳатим ўтти, зиҳи<sup>2</sup> саодат эди,  
Муроди жону таннимни тушумда кўрсам эдим.

Гамида шона<sup>3</sup> каби чок-чокдур кўнглум,  
Ки кокули Хўтаннимни тушумда кўрсам эдим.

Юзи — гулу, қади — шамшод, кўзлари — наргис<sup>4</sup>,  
Баҳори ёсуманнимни<sup>5</sup> тушумда кўрсам эдим.

Жафои ҳажр била кўксуми фигур<sup>6</sup> қилон  
Нигори сеҳр фаннимни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,  
Бало ўти фиганнимни<sup>7</sup> тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули таъбим фигурону зор этар,  
Ки орази чаманнимни тушумда кўрсам эдим.

Фироқ, Нодира, кўнглимға доғлар қўйди,  
Амири сафшиканимни<sup>8</sup> тушумда кўрсам эдим.

---

<sup>1</sup> Ш а к а р ш и к а н — ширин сўз айтувчи.

<sup>2</sup> З и ҳ и — бу ерда: қандай ажойиб, яхши.

<sup>3</sup> Ш о н а — тароқ.

<sup>4</sup> Н а р г и с — бўтакўз.

<sup>5</sup> Ё с у м а н — жасмин.

<sup>6</sup> Ф и г о р — мажруҳ, жароҳатли; дард кўрган.

<sup>7</sup> Ф и г а н — солувчи, ташловчи.

<sup>8</sup> С а ф ш и к а н — бу ерда: баҳодир, қаҳрамон.

\* \* \*

Мунтазирдурмен, қачонким келса жонон, айланай,  
Бошидин юз йўл тасадуқ айлабон жон, айланай.

Бошидин айланмадим, деб кўпдур армоним менинг,  
Келса ёрим, қолмасун кўнгулда армон, айланай.

Лаҳзае холи эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,  
Иштиёқингдур кўнгул тахтида султон, айланай,

Меҳри рухсорингни соғиндим — қарорим қолмади,  
Зарадек бошингдин, эй хуршиди тобон, айланай.

Айларам ийди висолингни дамо-дам орзу,  
Эй юзунг байрам ойи, жон сенга қурбон, айланай!

Гирдбоди<sup>1</sup> домани<sup>2</sup> дашти жунундур пайкарим<sup>3</sup>,  
Жустижў<sup>4</sup> айлаб сени кўху биёбон айланай.

Шомлар фикру хаёл ичра сени айлаб сўроғ,  
Субҳидам<sup>5</sup> боди сабо янглиғ гулистон айланай.

Кел, хиром айлаб, қадам қўйғил кўзум гулзориға,  
Қадди рафторингдин, эй сарви хиромон, айланай!

Муғтанам<sup>6</sup> эрди висолинг, қайдасан, эй шаҳсувор,  
Сендин айру Нодира ғам бирла ҳайрон, айланай,

---

<sup>1</sup> Г и р д б о д — айланма шамол, куюн.

<sup>2</sup> Д о м а н — этак; ҳар бир нарсанинг охири.

<sup>3</sup> П а й к а р — жусса, гавда; вужуд; сурат, кўриниш; юз, чеҳра, жамол.

<sup>4</sup> Ж у с т и ж ў (й) — қидириш, сўроқлаш.

<sup>5</sup> С у б ҳ и д а м — эрталаб.

<sup>6</sup> М у ғ т а н а м — ганимат.

\* \* \*

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,  
Жаҳондин кеч — хаёли васли ёр эт!

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан — муҳаббат ихтиёр эт!

Узору қадду рафторингни кўрсат,  
Чаман сарву гулини шармисор эт.

Лаби махмурдурман — жоми май тут,  
Карам қил, соқие, дафъи хумор эт.

Дури ашку ақиқи<sup>1</sup> хуни<sup>2</sup> дилни,  
Келур, ёринг аёфига нисор<sup>3</sup> эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элиға  
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

---

<sup>1</sup> А қ и қ — қизил рангли қимматбаҳо тош.

<sup>2</sup> Х у н — қон.

<sup>3</sup> Н и с о р — сочиш; фидо.



\* \* \*

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин  
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,  
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй ашқ, кўзумни мактабидин  
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,  
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,  
Базми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди — жаҳона келдинг?  
Кайфиятини баён этиб кет!

Фош этма улусқа ишқ сиррин,  
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,  
Эй Нодира, дурфишон<sup>1</sup> этиб кет.

---

<sup>1</sup> Д у р ф и ш о н — дур сочувчи.

\* \* \*

Ёр манга ғайри жафо айламас,  
Ваъда қилиб, анга вафо айламас.

Мужиби<sup>1</sup> ҳайронлиғ эрур жилваси,  
Ойнадин шарму ҳаё айламас.

Кўзларидир соҳир<sup>2</sup>, ўшал қоши ё,  
Новаки мижгони<sup>3</sup> хато айламас.

Қайси чаман булбулидур, ким анинг  
Гулшани ишқида наво айламас?

Нодира ул ёрни васлин тилаб,  
Субҳу масо<sup>4</sup> тарки дуо айламас.

---

<sup>1</sup> М у ж и б — сабаб; лозим, тарз.

<sup>2</sup> С о ҳ и р — сеҳргар, жодугар.

<sup>3</sup> М и ж г о н — киприклар.

<sup>4</sup> М а с о — кеч, шом, тун.

## Увайсий

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,  
Бу кўтаҳ<sup>1</sup> мардуми нофаҳмдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу гулзори фано ичра маҳалли беҳалал йўқтур,  
Ҳамиша хорадин захму кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ оғаҳ,  
Қабиҳғуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгул қони бу роҳи дийдадин бир лаҳза банд ўлмаз,  
Вужудим изтироб айлаб, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Тўлубдур бағрим ичра жон мисоли ғунча, найлармен,  
Очилмай гулсифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Мен расвои оламдин мабодо эҳтироз<sup>2</sup> этма,  
Такалум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Ажаб ашғори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,  
Умархон<sup>3</sup> зуфунуниким<sup>4</sup>, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

---

<sup>1</sup> Кўтаҳ — қисқа, калта.

<sup>2</sup> Эҳтироз — сақланиш, ўзни четга олиш, ҳазар қилиш.

<sup>3</sup> Умархон — Қўқон хони Амир Умархон.

<sup>4</sup> Зуфунун — донишманд, нозикфаҳм, илм-хунарлар эгаси.

\* \* \*

Мени расво қилан кимдурки, бир сиймин бадан нозик,  
Солан бошима савдо кимдур — ул гулпираҳан нозик.

Хаёли кирса кўнглума — чиқар дунёи дун меҳри,  
Қилибдур оқибат, эй дўстлар, ҳам беватан нозик.

Ки сабрим тирноғида ҳар куни юз кўҳи ғам қоздим,  
Мени олдимдадур Фарҳод — ожиз, кўҳқан — нозик.

Қадинг нозик, қошинг нозик, кўзунг нозик, лабинг  
нозик.  
Тилинг нозик, сўзунг нозик, тишинг — дурри Адан  
нозик.

Хатингдур сабзаи райҳон, лабингдур кавсар андоми<sup>1</sup>,  
Мижанг — бўстон, юзунг — гул, мисли гулзори чаман  
нозик.

Бошингдин то оёғингға қарабдур сиймбар<sup>2</sup> борик<sup>3</sup>,  
Хусусан, ғабрабинг<sup>4</sup> остида ул зери зақан<sup>5</sup> нозик.

Икки наргис, икки кўнгул, икки тан, икки жон бирла  
Бирин бирни ҳамал айлаб, қилоли анжуман нозик.

Увайсий, ўз-ўзингча сўзлама, тийғил забонингни,  
Мабодо келмасун нозик дилига сўзлаган нозик.

---

<sup>1</sup> Ан дом — бу ерда: кўрк, кўриниш, оройиш.

<sup>2</sup> С и й м б а р — кумушбадан, оқбадан; гўзал, маъшуқа.

<sup>3</sup> Б о р и к — ингичка, нозик.

<sup>4</sup> Ғ а б р а б — ияк.

<sup>5</sup> З е р и з а қ а н — ияк ости.

\* \* \*

Ки булбул нола-афғон айламакни маңдин ўрганди,  
Вужудин шамъ сўзон айламакни маңдин ўрганди.

Бориб саҳрога қон бағримдин изҳор айладим бир кун,  
Фалак бағрин қизил қон айламакни маңдин ўрганди.

Кўруб арбў<sup>1</sup> ҳилолинг, жон фидо қилдим жамолингта,  
Ул ой ҳуснига қурбон айламакни маңдин ўрганди.

Фигонким, ғам тароғи хаста кўнглум реш-реш этти,  
Санам зулфин паришон айламакни маңдин ўрганди.

Сени изларман андоққим, қуёш дийдорин изларда  
Кезиб тун-кун шитобон айламакни маңдин ўрганди.

Қаноат қилди Вайсий, топди дилдин гавҳари назмин,  
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни маңдин ўрганди.

---

<sup>1</sup> А б р ў — қош.

\* \* \*

Оразинг зеб айла, то гулзор раъноланмасун,  
Лаълидин сўз эт — дури шаҳвор раъноланмасун.

Қатраи сув комима<sup>1</sup> қуйгил лабинг шаробидин,  
То қиёмат бўлғуча хуммор раъноланмасун.

Зарра саргардон этиб, ташла висолингдин шифо,  
Жисмима ҳажринг аро бемор раъноланмасун.

Ҳар қиши ховар<sup>2</sup> элидин ўлса, сенсиз йўқ эрур,  
Сенга даркор ўлмағай ҳар кор раъноланмасун.

Дилбаро, бошинг учун гайриға раъно этма сўз,  
Деди раъноланмаса, ночор раъноланмасун.

Таънадин ўлдум букун, ишингга мендин сўнгғи эл,  
Вайсийдин бир панддур: иқроор раъноланмасун.

---

<sup>1</sup>К о м — бу ерда: оғиз.

<sup>2</sup>Х о в а р — шарқ.

## Маҳзуна

Дўстлар, бир ҳусни беҳамтоя<sup>1</sup> ошиқ бўлмишам,  
Хурпайкар бир малаксиймоя ошиқ бўлмишам,  
Нутқи ширин, лаъли руҳафзоя<sup>2</sup> ошиқ бўлмишам,  
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳдоя ошиқ бўлмишам,  
Ҳусн элини шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас бўйла бир маҳвашни чашми рўзгор,  
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насринузор<sup>3</sup>,  
Нозойину<sup>4</sup> тағофулпеша<sup>5</sup>, истиғношиор<sup>6</sup>,  
Илтифот этмас агар юз жон топиб, қилсам нисор,  
Бир ситамгар, шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очқач, қуёш анворини<sup>7</sup> айлар адам,  
Жон ғизолига<sup>8</sup> берур ваҳший кўзи таълими рам<sup>9</sup>,  
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам<sup>10</sup>,  
Зулфу қадду оразидин мунфаил<sup>11</sup> боғи Эрам,  
Кишвари ҳусн ичра бир яктоя<sup>12</sup> ошиқ бўлмишам.

Қошлари бир-бирга пайванд, икки мушкини<sup>13</sup> ҳилол,  
Кўзлари юз марғзориға<sup>14</sup> ики ваҳший ғизол,  
Қомати боғи мурод ичра янги битган ниҳол,  
Оллоҳ-оллоҳ, ким кўрубдур бу латофатлу жамол,  
Ҳусн аро бир мисли нопадоя<sup>15</sup> ошиқ бўлмишам.

<sup>1</sup> Б е ҳ а м т о — ягона, якка; тенги, ўхшаши йўқ.

<sup>2</sup> Р у ҳ а ф з о — руҳлантирувчи, тирилтирувчи.

<sup>3</sup> Н а с р и н у з о р — насрин юзли; н а с р и н — оқ хушбўй гул.

<sup>4</sup> Н о з о й и н — нозни одат қилиб олган.

<sup>5</sup> Т а ғ о ф у л п е ш а — бепарволикни қасб қилган.

<sup>6</sup> И с т и ғ н о ш и о р — ноз-қарашмани шиор қилган.

<sup>7</sup> А н в о р — нурлар.

<sup>8</sup> Ғ и з о л ( ғ а з о л ) — кийик, оҳу.

<sup>9</sup> Р а м — чўчиш, ҳуркиб қочиш.

<sup>10</sup> С а м ( м ) — заҳар.

<sup>11</sup> М у н ф а и л — хижил, шармсор.

<sup>12</sup> Я к т о — ягона, тенгсиз.

<sup>13</sup> М у ш к и н и ҳ и л о л — тим қора қош.

<sup>14</sup> М а р ғ з о р — чаманзор.

<sup>15</sup> Н о п а й д о — кўринмайдиган; йўқ, ғойиб.

Ушбу ҳайрат бирла кўрган нахли қадди жилвагар,  
Бовар этмас<sup>1</sup> гар улус берса шаҳодат деб башар,  
Орази андоқ мусаффоким, қилиб бўлмас назар,  
Бадри<sup>2</sup> рухсорин кўруб, бўлди хижолат бу қамар,  
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳваши ҳурилиқо, гулгунқабо, гулпираҳан,  
Қоши истиғно ҳилоли, ғамзаси лашкаршикан<sup>3</sup>,  
Ғунчаи хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,  
Бўлмади бир дам жамолидин ёруғ байт ул-ҳазан<sup>4</sup>,  
Токи ул моҳи жаҳонпироя<sup>5</sup> ошиқ бўлмишам.

Эй мани Маҳзун, мусофирға маломат бесабаб.  
Тутмасам фармонини мардуд<sup>6</sup> этиб, айлар ғазаб,  
Жуз<sup>7</sup> ризойи дўст ишқ аҳлига не бўлғай талаб,  
Чиққали ислондин зуннор боғлаб, йўқ ажаб,  
Манки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

---

<sup>1</sup> Б о в а р э т м а с — ишонмас.

<sup>2</sup> Б а д р — тўлин ой, ўн тўрт кунлик ой.

<sup>3</sup> Л а ш к а р ш и к а н — сафбузар; ғолиб.

<sup>4</sup> Б а й т у л - ҳ а з а н — ғам уйи.

<sup>5</sup> Ж а ҳ о н п и р о я — жаҳоннинг зийнати.

<sup>6</sup> М а р д у д — рад қилинган, ҳайдалган.

<sup>7</sup> Ж у з — бўлак, бошқа.



## **Мужрим-Обиг**

Кўнглим очилур гулдек ёргинамни бир кўрсам,  
Хизмат айларам қулдек ёргинамни бир кўрсам.

Ул маҳи парипайкар, илгида зару зевар,  
Ҳар каломи жонпарвар ёргинамни бир кўрсам.

Орази чаман оро, кўнгли пораи хоро,  
Шони шавкати доро<sup>1</sup> ёргинамни бир кўрсам.

Кўзларимда йўқ уйқу, термулуб, қараб ҳар сў,  
Икки наргиси оҳу ёргинамни бир кўрсам.

Тоза дилбарим келсун, меҳрпарварим келсун,  
Шўри маҳшарим келсун, ёргинамни бир кўрсам.

Ҳар замон чекарман дод, ёрими қилурман ёд,  
Оҳу нолаву фарёд, ёргинамни бир кўрсам.

Мужрими адойиман, зору бенавойиман,  
Кўйида гадойиман, ёргинамни бир кўрсам.

---

<sup>1</sup> Д о р о — бу ерда: бор маъносида.

## Огаҳий

Мушкин қошининг ҳайъати<sup>1</sup> ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас(с)<sup>2</sup> келтурур нун элтибон сод<sup>3</sup> устина.

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Нозу адою ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Мен хастаға жон асрамоқ эмди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар  
Булбулдек айлар юз наво минг навъ фарёд устина.

Бошимға ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмоғой,  
Гардун агар минг Бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини  
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки(й) танинг барбод ўлур охир — жаҳонда неча  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод<sup>4</sup> устина.  
йил

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,  
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод<sup>5</sup> устина.

---

<sup>1</sup> Ҳ а й ъ а т — кўриниш, сурат.

<sup>2</sup> Н а с (с) — ҳукм; аниқ далил.

<sup>3</sup> Н у н (Н) в а с о д (С) — араб ҳарфлари.

<sup>4</sup> Б о д — шамол.

<sup>5</sup> Н о ш о д — ғамгин, хафа.

\* \* \*

Дўстлар, бу кун ажаб бир сарвқомат кўрмишам,  
Сурати бошдин-аёқ фарқи латофат кўрмишам.

Офтоб осо<sup>1</sup> мунаввар талъати<sup>2</sup> фархундасин<sup>3</sup>  
Оламоро ахтари авжи саодат кўрмишам.

Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,  
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.

Жонфизо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,  
Руҳпарвар нуктасин дурри зарофат кўрмишам.

Қочса ҳушим, тонг эмас, кўргач қиёми қоматин  
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.

Билмадим, ҳолим не ерга ойд ўлғой оқибат  
Ким, ўзим шавқида кўб бесабру тоқат кўрмишам.

Огаҳий, эмди манга ўлмақдин ўзга чора йўқ  
Ким, бу кун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

---

<sup>1</sup> О с о — худди, мисоли, гўё.

<sup>2</sup> Т а л ъ а т — юз, чеҳра.

<sup>3</sup> Ф а р х у н д а — қутлуғ, бахтли, саодатли.

\* \* \*

Тарахҳум айлабон, эй меҳрибоним, нега келмассан?  
Ки етти чиққали ҳажрингда жоним, нега келмассан?

Қошимдин то кетиб, кўздин ниҳон ўлдинг пари ёнглиғ  
Жунун дашти аро бўлди маконим, нега келмассан?

Фамингнинг ўқлари кўнглумға ҳар ёндин солиб раҳна,  
Бўлубон беқарор, оромижоним, нега келмассан?

Бўлубон фурқатингда хастаю бемор, сўрмоққа  
Мана бор эрди деб бир нотавоним, нега келмассан?

Мани оворани ҳижрон ўтиға ташлабон билкулл<sup>1</sup>,  
Қилиб нобуд пинҳону аёним, нега келмассан?

Шикебу<sup>2</sup> ақлу ҳуш иттию ҳам жон чиққоли етти,  
Қилиб раҳм, эй ҳаёти жовидоним, нега келмассан?

Фаминг-ла Огаҳий йиғлаб, туну кун зору маҳзундур,  
Суруди ишрат ила комроним<sup>3</sup>, нега келмассан?

---

<sup>1</sup> Б и л к у л л — мутлақо; бутунлай, тамомила.

<sup>2</sup> Ш и к е б — сабр, тоқат, чидам; ором, тинчлик.

<sup>3</sup> К о м р о н — мақсадга эришган, бахтли.

\* \* \*

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго деди,  
Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг, вах, не бало қаро, дедим,  
Кўнглунгу жонинг олғучи икки қаро бало, деди.

Лабларинг оғзима етур, жон топайин анго, дедим,  
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлум санго, деди.

Кучмоқ эрур белинг ҳазин кўнгулма муддао, дедим,  
Йўқму уётинг ушбу сўз дегали, беибо, деди.

Хуснунга айлабон назар, ман сари бир қаро, дедим,  
Ёшурубон юзин, кет, эй масхара, беҳаё, деди.

Бўсаи лаб савоб учун айла манга ато, дедим,  
Қошу қапоғини четиб, қўй, бу сўзинг хато, деди.

Вах, недин эркан, этмагунг ҳеч вафо манга, дедим,  
Зоҳир<sup>1</sup> ўлубдурур қачон ҳусн элидин вафо, деди.

Хаста кўнгулға қилғасен мунча недин жафо, дедим,  
Дема, жафо, они санинг дардингтадур даво, деди.

Оғаҳий комини недин айламагунг раво, дедим,  
Ком топарму жонин ул қилмоғунча фидо, деди.

---

<sup>1</sup> З о ҳ и р — кўриниб турган, ошкор; ташқи кўриниш.

\* \* \*

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?  
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур вале менинг  
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки, қошидин  
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

Кўйиға борсам, этгуси васлиға ваъда, ул доғи  
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

Толеъи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,  
Мен киби бахти қора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

Дедим, ўлубдур Огаҳий, ашки канорасиз, деди,  
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?

\* \* \*

Даҳр базму айши андуҳу ғамиға арзимас,  
Шарбати жонпарвари<sup>1</sup> муҳлик<sup>2</sup> самиға арзимас.

Юз йил ўлсанг ёр васлининг сафолиғ саҳнида  
Бир замонлиғ ҳажри шомии музлимиға<sup>3</sup> арзимас.

Етса даврондин санга гар умрлар сур узра сур<sup>4</sup>,  
Бир нафас еткан малолу мотамиға арзимас.

Лаълидин гар жон топуб, қучсанг муродинг шоҳидин,  
Назъ<sup>5</sup> вақти пайкаринг печу хамиға арзимас.

Тенг тут амволи<sup>6</sup> жаҳон бешу каминиким<sup>7</sup>, онинг  
Инбисоти<sup>8</sup> беши андуҳи камиға арзимас.

Истабон айш, Огаҳий, ғам бошингта келтурмаким,  
Даҳр базму айши андуҳу ғамиға арзимас.

---

<sup>1</sup> Ж о н п а р в а р — жон бағишловчи.

<sup>2</sup> М у ҳ л и к — ҳалок қилувчи.

<sup>3</sup> М у з л и м а — жарима.

<sup>4</sup> С у р — тўй, базм.

<sup>5</sup> Н а з ъ — жон чиқиш вақти.

<sup>6</sup> А м в о л — молу мулк, бойлик.

<sup>7</sup> Б е ш у к а м — кўпу оз.

<sup>8</sup> И н б и с о т — бу ерда: шодлик, хурсандлик.

\* \* \*

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно!<sup>1</sup>  
Тўкар ҳар дамда минг қон — тиғи мужгонингга  
салламно!

Жаҳон бозорида синдурди ёқуту гуҳар қадрин,  
Дурафшон нукта бирла лаъли хандонингга салламно!

Асир айлаб камандиға, паришон кўнглум этди жамъ,  
Мусалсал ҳалқаи зулфи паришонингга салламно!

Юзунгдин заррача партав<sup>2</sup> етишгач тийра кулбамға,  
Ёрутди ҳажр шомин — меҳри рахшонингга салламно!

Сиҳи қадларни қумри янглиғ этди ишқида нолон,  
Назокат боғида сарви хиромонингга салламно!

Агар кўрса эди Юсуф малоҳатлиғ жамолингни,  
Дер эрди сидқ ила рухсори тобонингга салламно!

Лабинг ширин тақаллумдин ўлукни тиргузиб, айлар  
Суханвар — тўти осо шаккаристонингга салламно!

Чекарсан, Огаҳий, тун-кун ул ой жавру жафосини,  
Бу қоттиқ меҳнат ичра чиқмаган жонингга салламно!

---

<sup>1</sup> С а л л а м н о — офарин.

<sup>2</sup> П а р т а в — ёғду, нур, шугъла.



\* \* \*

Олди кўнглумни менинг биргина дилбаргина,  
Тишлари гавҳаргина, лаблари шаккаргина.

Қилди ҳайрон мени юз нозу адо зоҳир этиб,  
Сийм пайкаргина, сўзлари гавҳаргина.

Ўртабон ишқ ўтиға жону таним айлади кул,  
Юзи анваргина, холи муанбаргина<sup>1</sup>.

Манда худ қолмади бир зарра киби тоқату тоб,  
Айлагил, ё раб, ани тез муяссаргина.

Огаҳий, бил, кеча-кундуз ишидур оҳу фиғон,  
Кимгаким учраса бир ёшғина дилбаргина.

---

<sup>1</sup> М у а н б а р — хушбўй, муаттар.

Қайси фалак буржининг<sup>1</sup> меҳри пуранворисан?<sup>2</sup>  
 Қайси садаф дуржининг<sup>3</sup> гавҳари шаҳворисан?<sup>4</sup>  
 Қайси Хўтан<sup>5</sup> оҳуси нофаи тоторисан?<sup>6</sup>  
 Қайси чаманзорнинг лолаю гулнорисан?  
 Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Қоматингга бандадур боғ аро сарви равон,  
 Лаъли лабинг рашкидин ғунча эрур бағри қон,  
 Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон<sup>8</sup>,  
 Ноласин айлар фузун<sup>9</sup> булбули бехонумон,  
 Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Йиғлатур ошиқларинг лаъли лабинг хандаси,  
 Тўбию<sup>10</sup> шамшод эрур сарв қадинг бандаси,  
 Хусну жамол авжининг меҳри дурахшандаси<sup>11</sup>,  
 Кўрса маҳи оразинг, бўлғуси шармандаси,  
 Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Бир кеча айлаб манга меҳру муҳаббат аён,  
 Ҳамраҳу йўлдошсиз борча улусдин ниҳон,  
 Кулбайи аҳзонима<sup>12</sup> бўлсанг агар меҳмон,  
 Комили маҳзунингга ростин этғил баён,  
 Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

<sup>1</sup> Б у р ж — бу ерда: чўққи, юқори нуқта.

<sup>2</sup> М е ҳ р и п у р а н в о р — порлоқ қуёш.

<sup>3</sup> Д у р ж — бу ерда: кўкс.

<sup>4</sup> Ш а ҳ в о р — шоҳона, қимматбаҳо.

<sup>5</sup> Х ў т а н — Қашқардаги воҳа ва шаҳар.

<sup>6</sup> Н о ф а и т о т о р — тоза, хушбўй мушк.

<sup>7</sup> Г у л н о р — қизил гул; қизил ранг, қип-қизил.

<sup>8</sup> Г у л ф и ш о н — гул сочувчи.

<sup>9</sup> Ф у з у н — зиёда, кўп, ортиқ.

<sup>10</sup> Т ў б и — жаннат дарахти; келишган қомат.

<sup>11</sup> М е ҳ р и д у р а х ш а н д а — ёрқин қуёш.

<sup>12</sup> А ҳ з о н — ғамлар, қайғу аламлар.

\* \* \*

Эй юзунг кўзгусига волаю ҳайрон наргис,  
Кўзинг оллидадурур сурати бежон наргис.

Гўйиё топди чаман сори хироминг хабарин,  
Фош этар ҳар кеча гулшанда чароғон наргис.

Бордурур борча тамошойи жамолингдин дур<sup>1</sup>,  
Гарчи бор ҳар бири бир дийдаи ҳайрон наргис.

Ташла шахло кўз уза зулфни сунбул<sup>2</sup> янглиғ,  
Кўрубон бўлсун они зору паришон наргис.

Наргисистони жаҳон бўлди тамошогоҳим,  
Кўрмадим наргиси монандида фаттон наргис.

Лаъли жонбахшинг эрур руҳи равон Комилға,  
Ниғаҳи қотил ила гарчи олур жон наргис.

---

<sup>1</sup> Д у р — бу ерда: йироқ, олис.

<sup>2</sup> С у н б у л — гули хушбўй ва ҳалқа-ҳалқа бўлган гиёҳ — маъшуқанинг зулфи ва сочита қиёс қилинади.

\* \* \*

Санамлар манга кўб ситам қилдило,  
Ғам остида қаддимни ҳам қилдило.

Десам, бир дам айланг жафонгизни кам,  
Яна онинг устига зам<sup>1</sup> қилдило.

Фузун айлабон кун-бакун кулфатим,  
Дамодам нишотимни<sup>2</sup> кам қилдило.

Тутуб ўзгаларга шароб ан-тахур,  
Насибам май ўрнига сам қилдило.

Жудо айлабон ёру аҳбобдин,  
Мақомимни зиндони ғам қилдило.

Фалак зулми бир ёну бир ён алар,  
Вужудимни гўё адам қилдило.

Карам созини «Рост»у «Ушшоқ»ға —  
Тузуб зер<sup>3</sup>, Комилға бам<sup>4</sup> қилдило.

---

<sup>1</sup> З а м — қўшиш, жамлаш.

<sup>2</sup> Н и ш о т — шодлик, хурсандчилик, хуррамлик.

<sup>3</sup> З е р — мусиқада энг ингичка овоз, нозик товуш.

<sup>4</sup> Б а м — мусиқадаги садо.

## Муқимий

Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,  
Зоҳид истар каъбаларда, барҳаман<sup>1</sup> бутхонада.

Кимга дод айлай бу бедодингни ман, эй сангдил,  
Ошно бўлдум, десам, кўнглунг сени бегонада.

Шамъи рухсоринг ёнар маҳфилда<sup>2</sup> гул-гул кечалар,  
Бормуди қасдинг магар куйдирғали парвонада.

Манъ этиб, эй муҳтасиб, ҳар дам бошимга келмағил,  
Бўлса, найлай, маст бўлмай, масканим майхонада.

Ғофило, фикр айлағил, уқбони<sup>3</sup> роҳат истасанг,  
Шодлиғ кўз тутмаким, бўлмағди меҳнатхонада<sup>4</sup>.

Манзилимни сўрма, эй мағрури мулки дастгоҳ<sup>5</sup>,  
Даҳри саҳройи жунун уй бўлмағай девонада.

Булбул айлар нолалар ёлғиз, дема, эй гулўзор,  
Чўғздек қилғай Муқимий ҳам наво вайронада.

---

<sup>1</sup> Б а р а ҳ м а н — оташпарастрлар ибодатхонасининг руҳонийси.

<sup>2</sup> М а ҳ ф и л — базм жойи; мажлис, анжуман.

<sup>3</sup> У қ б о — охират, нариги дунё.

<sup>4</sup> М е ҳ н а т х о н а — ғам уйи, мусибатхона, яъни дунё.

<sup>5</sup> Д а с т г о ҳ — қудрат ва имконият; давлат, бойлик, асбоб; амал, мартаба.

\* \* \*

Шўхи паривашеға гирифтормен яна,  
Васлин кўрарга шому саҳар зормен яна.

Раънолар ила кам тобим, жафо чекиб,  
Найлай, бировнинг ишқида бемормен яна.

Айлаб ҳамиша хўблара уйқуни ҳаром,  
Бир нозанин ёдида бедормен яна.

Хор этти ишқ ҳар гули ҳумрога<sup>1</sup> боғ аро,  
Таън этма, боз бир гул учун хормен яна.

Ногаҳ, Муқимий, учраса, ақлу ҳушим кетиб,  
Кўрган еримда сурати девормен яна.

---

<sup>1</sup> Х у м р о — қизиллик.

\* \* \*

Ол хабар, ул сарвиноз уйқусидин турганмукин?  
Ногаҳон турган эса, туш-муш, сўранг кўрганмукин?

Ботмасун кўргач, хижолат абри<sup>1</sup> ичра офтоб,  
Турса ҳам чиқмай дебон эшикка ўлтурганмукин?

Қатра-қатра дур нисор этмакчи эрди кўзларим,  
Мақдамига<sup>2</sup>, билмадим, оёки топширганмукин?

Ошнолиқ аҳдида маҳкам эрурмен устувор,  
Айла мазмун ваъдасида, қосидо<sup>3</sup>, юрганмукин?

Рози дил бир-бир сабоға шарҳ қилдим, ёрга  
Гар деган бўлса, мабодо, тоза уқтурганмукин?

Жўралар базмида арз айланг гаҳи Фарзинчага<sup>4</sup>,  
Эсидин чиқмай Муқимий, ёдида турганмукин?

---

<sup>1</sup> А б р — булут.

<sup>2</sup> М а қ д а м — келиш, ташриф буюриш, қадам кўйиш.

<sup>3</sup> Қ о с и д — элчи, хабарчи; қасд қилувчи.

<sup>4</sup> Ф а р з и н ч а — ўз даврининг атоқли санъаткори.

\* \* \*

Сабо, арз айла, то ул зулфи райҳон бир келиб кетсун,  
Ки топсун бўйидин тан ҳар нафас жон, бир келиб  
кетсун.

Қолиб ҳижронларида, соғиниб, ҳасрат билан охир —  
Жаҳон гулзори бўлди менга зиндон, бир келиб кетсун.

Қади сарви сиҳини мунфаил айлаб, очиб ораз,  
Қилиб гулни хижил, чоки гирибон, бир келиб кетсун.

Кўрарга бениҳоят зору муштоқ ўлғаним айтинг,  
Агар бўлса иши ҳам ҳатталимкон<sup>1</sup>, бир келиб кетсун.

Келишга фурсати гар бўлмаган вақтида ҳам лекин,  
Ики тошнинг аросида шитобон бир келиб кетсун.

Муқимий ҳоли зорин сўрғали айни мурувватдур,  
Дегил, инсофлик бўлса мусулмон, бир келиб кетсун.

---

<sup>1</sup> Ҳ а т т а л и м к о н — имкондан ташқари.



\* \* \*

Ҳеч ким мендек, илоҳи, ёридин айрилмасун,  
Меҳрибон, мунис<sup>1</sup> ўшал дилдоридин айрилмасун.

Хонумонларни бериб барбод, етмай васлиға,  
Бўлубон маъюс йўқу боридин айрилмасун.

Ҳажр осиб<sup>2</sup> хазонида бўлиб шўридаҳол<sup>3</sup>,  
Андалибе мен каби гулзоридин айрилмасун.

Қосидо, кўнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор,  
Ишқилибким, зулфи анбарборидин айрилмасун.

Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолик дардини,  
Душманинг ҳам бўлса ўз ғамхоридин<sup>4</sup> айрилмасун.

Бандае, ё раб, Муқимийдек бўлиб хору касод,  
Суду<sup>5</sup> савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

---

<sup>1</sup> М у н и с — улфат, ҳамдам, яқин дўст.

<sup>2</sup> О с и б — зиён, зарар, кулфат.

<sup>3</sup> Ш ў р и д а ҳ о л — паришонхотир, беқарор, бечора.

<sup>4</sup> Ғ а м х о р — ғамхўр, меҳрибон.

<sup>5</sup> С у д — фойда, баҳра, нафъ.

\* \* \*

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,  
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар.

Рух очиб, кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайин,  
Айрилиб ҳушу ақлдин, телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким, аҳли тамиз<sup>1</sup> ушбу маҳалда хор экан,  
Оддилар ҳар ерда булбул ошиёнин зоғлар.

Марҳам<sup>2</sup> истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,  
Чорае қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар<sup>3</sup>.

Тобакай<sup>4</sup> мундоғ маломат кунжида<sup>5</sup> доим Муқим,  
Бу замон кўз тутгин эмди, сенга бўлсун тоғлар.

---

<sup>1</sup> Аҳли тамиз — оқилу донолар.

<sup>2</sup> Марҳам — малҳам, даво.

<sup>3</sup> Тирноғлар — дардингни баттар тирнайди, маъносида.

<sup>4</sup> Тобакай — қачонгача.

<sup>5</sup> Кунж — бурчак; зовия, бирор нарсанинг чети.

\* \* \*

Эмди сендек, жоно, жонон қайдадур,  
Кўриб гул юзингни, боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг, токи жоним тандадур,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,  
Парвойим йўқ зарра хонумонларга,  
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,  
Бир сўрмадинг: «Налар кечти аҳволинг?»  
Эсларимга тушиб ширин мақолинг<sup>1</sup>,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,  
Токим десам пари сенинг наслингдин,  
Во дариғо, жудо бўлдим васлингдин,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,  
Кўрганмукан мисолингни замона,  
Бўлиб халқ ичида мундоғ афсона,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Юзларингдин хижил моҳитобонлар,  
Рафторингта шайдо жумла ёронлар,  
Қолиб ҳар дам ўз ишимга ҳайронлар,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Султонисан — барча хўблар надиминг<sup>2</sup>,  
Доим эрдим дуогўйи қадиминг,  
Бовужуди<sup>3</sup> сўрмай ўттинг Муқимнинг,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

---

<sup>1</sup> М а қ о л — сўз, нутқ; гапириш, сўзлаш.

<sup>2</sup> Н а д и м — хизматкор, маҳрам.

<sup>3</sup> Б о в у ж у д и — шундай бўлса-да; агарчи.

\* \* \*

Арзим эшит, аё, сарви равоним,  
Ҳажр ўтиға куюб, ўртанди жоним,  
Ногаҳ ойнаға боқтимки, хоним,  
Маҳви ҳайронингиз ёдимга тушти.

Боғда кўриб ҳар ён очилган гуллар,  
Фарши махмал<sup>1</sup> ерда сабза, сунбуллар,  
Сунбул иси хуш айлабон кўнгуллар,  
Зулфи райҳонингиз ёдимга тушти.

Илкингиздин нўш айлабон паймона<sup>2</sup>,  
Гоҳи худман, гоҳи беҳуд, девона,  
Ҳар қачонким, кўксим қилдим нишона,  
Тийри мужгонингиз ёдимга тушти.

Ишқ ўтиға куйдим, ёндим, туташтим,  
Васлинг истаб-истаб, йўлдин адаштим,  
Қасратгаким, Муқимиё, кўз очтим,  
Ё раб, танҳолиғинг ёдимга тушти.

---

<sup>1</sup> Ф а р ш и м а х м а л — ёқут гилам, бахмал пояндоз.

<sup>2</sup> П а й м о н а — қадах, май пиёласи.

\* \* \*

Сояедурменким, боқмас офтобим ким десун?  
Бора-бора кетди қадрим, интихобим<sup>1</sup> ким десун?  
Бир ўқутмайдур битиб берган китобим ким десун?  
Ул таофулпешага ҳоли харобим ким десун?  
Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим ким десун?

Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр ёр,  
Бу аламларга чидолмай, кўзда ёшим шашқатор,  
Ҳеч душман бўлмасун кўйида меңдек хору зор,  
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,  
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Кўрмадимким, бўлмаса бошида мушкул ҳар киши,  
Қадри ранжи хор бу боғдин узар гул ҳар киши,  
Тешани чопқай ўзига, расмдур шул, ҳар киши,  
Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши,  
Бас, куйиб, ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Қайда бўлғай телба, расвода яқою остин<sup>2</sup>,  
Не билур Мажнун деган субҳ ила шому чошгин<sup>3</sup>,  
Найлайн, ўйлаб тирикликнинг камию кўстин,  
Гар қилич бошимга ҳам келса, дегайман ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?

Демаким, фориф дуосидин Муқимий эрта-кеч,  
Мидҳату<sup>4</sup> зикру<sup>5</sup> саносидин<sup>6</sup> Муқимий эрта кеч,  
Кўз тутар давлат асосидин Муқимий эрта-кеч,  
Дўстлар, сўрманг, физосидин Муқимий эрта-кеч,  
Қон шароб ичсам, жигарлардур кабобим ким десун?

---

<sup>1</sup> И н т и х о б — сайлаш, танлаш.

<sup>2</sup> О с т и н — енг.

<sup>3</sup> Ч о ш т — чоштвоҳ, пешингача бўлган вақт.

<sup>4</sup> М и д ҳ а т — мадҳ, мақтов; мақташ, сифатлаш.

<sup>5</sup> З и к р — номини тилга олиш, ёдлаш.

<sup>6</sup> С а н о — мақтов, таҳсин, мадҳ.

<sup>7</sup> Ф и з о — озиқ-овқат, егулик, таом.

## Фурқат

Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,  
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилган бўлса ҳам майдин,  
Етиб майхораликнинг мавсуми, паймоншикан бўлса<sup>1</sup>.

Булут қатрафишону<sup>2</sup> руҳафзо сабзалар хандон,  
Ариғларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам мўътадил, ҳавзи<sup>3</sup> мусаффо, суффаи<sup>4</sup> дилкаш,  
Оқар сув галт уриб, себарга<sup>5</sup> узра мавжзан<sup>6</sup> бўлса.

Киши тўбию кавсар, жаннату ризвонни не қилсун?  
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса!

Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай,  
Камина Фурқатийнинг маскани байт ул-ҳазан бўлса?!

---

<sup>1</sup> П а й м о н ш и к а н — қадаҳни синдирувчи; аҳдини бузувчи.

<sup>2</sup> Қ а т р а ф и ш о н — қатра сочувчи.

<sup>3</sup> Ҳ а в з — ҳовуз, кўл.

<sup>4</sup> С у ф ф а — супа, баланд жой.

<sup>5</sup> С е б а р г а — уч япроқли кўкат.

<sup>6</sup> М а в ж з а н — мавж урувчи, тўлқинланувчи.

\* \* \*

Бир қамарсиймони кўрдим балдаи<sup>1</sup> Кашмирда,  
Кўзлари масҳуру<sup>2</sup> юз жоду эрур тасхирда<sup>3</sup>.

Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,  
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи иксирда<sup>4</sup>.

Қоши узра холининг асроридин бир нуқтадур,  
Сураи Нун ўқудум пайваста ҳар тафсирда<sup>5</sup>.

Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,  
Зулмига дилбасталиғ<sup>6</sup> ҳар бир жувону<sup>7</sup> пирда.

Айдим: «Эй, жон офати, зулфингта бўлмишман асир!»  
Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бежодур», — дедим. Айди кулиб:  
«Саҳв<sup>8</sup> қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда».

Айди: «Эй бечора, қилдинг не учун тарки ватан?»  
Ман дедим: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда!»

---

<sup>1</sup> Б а л д а — шаҳар.

<sup>2</sup> М а с ҳ у р — сеҳрланган.

<sup>3</sup> Т а с х и р — ром қилиш, қўлга киритиш.

<sup>4</sup> И к с и р — оби ҳаёт.

<sup>5</sup> Т а ф с и р — шарҳ, изоҳ.

<sup>6</sup> Д и л б а с т а — бировга кўнгили берган, мафтун бўлган ошиқ.

<sup>7</sup> Ж у в о н — ёш; янги.

<sup>8</sup> С а ҳ в — хато, янглиш.

\* \* \*

Не балолиғ эрди, эй шўхи дилоро, суратинг,  
Ақлими лол этти қилғунча тамошо суратинг.

Кетти бир кўргач ани сабру қарорим шеваси,  
Айлади тоқат нечук чекканда тарсо суратинг.

Сарвқадлар суратин чекканда наққоши азал,  
Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.

Турфақим, тасвири лаълинг мурдаларға жон берур,  
Йўқ эрур, жоно, ажаб, бўлса Масихо суратинг.

Кеча-кундуз журъат айлаб моҳу меҳр ойинаси.  
Бўлмади кўрмоқ ила мустағни<sup>1</sup> асло суратинг.

Фурқатий қошу кўзинг айни тасаввур айлагач,  
Солди форат кўнглига, жонимға яғмо<sup>2</sup> суратинг.

---

<sup>1</sup> М у с т а ғ н и (й) — бениёз, эҳтиёжсиз.

<sup>2</sup> Я ғ м о — талон-торож.



\* \* \*

Келди ҳажр андуҳи бирлан оғзима жоним менинг,  
Бир тараҳҳум айламас ул шўҳи жононим менинг.

Ғунчадек дарду фироқида баҳори ишқида,  
Қилди ул гул хун дилимни хори мижгоним менинг.

Ул пари мажнунлиғимга бовар этмас гарчиким,  
Тифл тошидин ушолур жисми урёним менинг.

Ўлдуруб ташланг ани кўйиға, эй аҳбоблар,  
Итлари тирноғига бўлсун хино қоним менинг.

Ул ситамгар ишқида, найлай, яқо чок айламай,  
Бўлса олу<sup>1</sup>да<sup>1</sup> бало лойиға домоним менинг.

Розиман ўлсам — мазорим сори бир айлаб гузор,  
Десақим: ушбу шаҳиди тийри мижгоним менинг.

Қўймади кўзга аёғин нотавон кўнглум учун,  
Кўз била кўнглумда, Фурқат, қолди армоним менинг.

---

<sup>1</sup> О л у д а — қўшилган, булганган.

\* \* \*

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,  
Балки андин даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари  
Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,  
Қайға борса ўлтуруб ерға, чалипо тортадур.

Жон ила кўнгул талошур, эй санам, дарду ғаминг,  
Бирни сол кўнглумғаким, жон бирни танҳо тортадур.

Кокулунгдан бўй олган боғнинг тупроғидур,  
Боғбон сотмоққа доим мушки соро<sup>1</sup> тортадур.

Не билур Юсуфки, нозу ҳусн ила мағрурдур,  
Ул қадарким ишқ дардини Зулайҳо тортадур.

Ишқни пинҳон тутарға бўлма шайдо, э кўнгул,  
Мушк пинҳон бўлса, бўйи ошкоро тортадур.

Чархи кашрафторнинг<sup>2</sup> бир шевасидин доғман:  
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,  
Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортадур.

---

<sup>1</sup> С о р о — холис, тоза, соф.

<sup>2</sup> К а ж р а ф т о р — тескари, эгри юрувчи.

\* \* \*

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,  
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.

Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди андоқким,  
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чехраи  
Мени ким кўрса фарқ этмас хазон бирла баҳоримдин.  
зардим,

Муҳаббат дардида ўлсам, ўтиб умрим, адо бўлгач,  
Қамишлар ўрнига меҳригиё ўсгай мазоримдин.

Адашган ит каби Фурқат қаён борғум билолмасман,  
Қачон бўлғайки топғаймен хабар ёру диёримдин.

\* \* \*

Сайдинг қўябер, сайёда, сайёра<sup>1</sup> экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,  
Ўз ёрини топмасдан, овора экан мендек,  
Иқболи нигун<sup>2</sup>, бахти ҳам қора экан мендек,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Кес риштаниким, қилсун чапақлар отиб жаста<sup>3</sup>,  
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста,  
Тоғларға чиқиб, бўлсун ёри била пайваста,  
Кел, қўйма бало доми бирла они побаста<sup>4</sup>,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,  
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,  
Ёмғур суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,  
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошиға раҳм эткил,  
Йўқ тоқати бандингга, бардошиға раҳм эткил,  
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшиға раҳм эткил,  
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошиға раҳм эткил,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

---

<sup>1</sup> С а й ё р а — сайр этувчи.

<sup>2</sup> Н и г у н — тесқари, терс.

<sup>3</sup> Ж а с т а — секин-аста.

<sup>4</sup> П о б а с т а — асир, тутқун.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,  
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса,  
Чиқмай деса жойидин, узлатда фиғор ўлса,  
Гар чиқса баногоҳи домига дучор ўлса,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйнини боғлабсан,  
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан,  
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,  
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроқлабсан,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Йўқ хуши — пари теккан девонаға ўхшайдур,  
Кўз ёши яна тўлган паймонаға ўхшайдур,  
Фам сели билан кўнгли вайронаға ўхшайдур,  
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронаға ўхшайдур,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

\* \* \*

Кўнгул дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб,  
Ани умри кироми<sup>1</sup>, ҳасрато, бўлғай даво истаб.

Неча юрдим адошиб тўғри йўлдин бесару сомон,  
Тутуб илгимни, йўлга солса, деб бир раҳнамо истаб.

Неча ерга суриб юз, яхшилар йўлида ўлтурдим,  
Губори доманидин жон кўзига тўтиё истаб.

Неча изҳор қилдим сирри пинҳонимни билмасдин,  
Ўзумға он ҳама бегоналарни ошно истаб.

Юрай, дерман, чиқиб саҳроға эмди ваҳшилар бирла,  
Замона мардумидин топмадим ҳаргиз даво истаб.

Бало урган менингдек бормукин бир хастаю маъюс,  
Жаҳонда ҳожатиға топмаган ҳаргиз даво истаб.

---

<sup>1</sup> К и р о м и (й) — катта, улур; олижаноб, саховатли.

\* \* \*

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар<sup>1</sup>,  
Дўстлар, фаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам тушуб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар<sup>2</sup>.

Настаран ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,  
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,  
Сарву гул уза доим тортар оҳу аффонлар,

Булбул ўқуғоч йиғлаб, субҳидам хазон фаслин,  
Фунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар<sup>3</sup>.

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб савсан,  
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,  
Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар.

---

<sup>1</sup> Зимистон — қиш.

<sup>2</sup> Абринайсон — баҳор булути, серёмғир булут.

<sup>3</sup> Гирибон — ёқа.

\* \* \*

На бўлди, нигоро, биза асло қарамайсиз?  
Гулдек очилиб, ғунчаи ҳумро, қарамайсиз!

Ё ўзга кишилар сиза сўз ўргатадурму?  
Йўқса, нега ҳеч сўз деймайин, ё қарамайсиз?

Кўрганда мени мунча шитоб айлаб ўтарсиз,  
Борму магар ул ёна тамошо, қарамайсиз!

Хўблаб била келганда-ку мендин қиласиз ор,  
Энди ўзингиз яккаю танҳо — қарамайсиз.

Фурқат қулингиз мисли гадо йўлда ётодур,  
Бир лутфу қарам қилғоли, шоҳо, қарамайсиз.



\* \* \*

Дўстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар кўнгул,  
Хар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,  
Айламак ҳар сори оҳулар шикор айлар кўнгул,  
Кабк<sup>1</sup> рафторин кўрарға кўҳсор<sup>2</sup> истар кўнгул,  
Доғи хурсанд этгуси ҳар неки бор, истар кўнгул,

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,  
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,  
Гул яқоси масканинг ўлса канори об ила,  
Бодаи гулранг тортиб, ўлтуруб одоб ила,  
Фусса дардин айлабон дафъи хумор истар кўнгул.

Мутриби<sup>3</sup> хушлаҳжалар танбурини соз айласа,  
Рухпарвар байт ўқуб, хиргоҳи<sup>4</sup> овоз айласа,  
Гоҳи «Мискин» машқию гоҳи «Чапандоз» айласа,  
Етса анжомиға ул, ғайрини оғоз<sup>5</sup> айласа,  
Гоҳи қонун, гоҳи фижжак, гоҳ дутор истар кўнгул.

Мунисинг бўлса ҳамиша бир вафо густар нигор,  
Ўзга фан этган виқору айлаган тамкин<sup>6</sup> шиор,  
Бўлсанг онинг васли бирла комрону комкор<sup>7</sup>,  
Шавқинг ошиб, бўйниға қўл ташлабон беихтиёр,  
Бўса лаълидин олиб, қилмоқ канор<sup>8</sup> истар кўнгул.

---

<sup>1</sup> К а б к — каклик.

<sup>2</sup> К ў ҳ с о р — тоғлик жойлар.

<sup>3</sup> М у т р и б — чолғучи.

<sup>4</sup> Х и р г о ҳ — бу ерда: хиргойи.

<sup>5</sup> О ғ о з — бошлаш, киришиш.

<sup>6</sup> Т а м к и н — вазминлик, чидам, сабот.

<sup>7</sup> К о м к о р — насибали, иқболи.

<sup>8</sup> К а н о р — бу ерда: кучоқ, оғуш.

Тортибон гаҳ раббабидин, гаҳ узоридин ўпуб,  
Ислаб-ислаб, гоҳи ул чашми хуморидин ўпуб,  
Кўзни суртуб гоҳи, хатти мушкборидин<sup>1</sup> ўпуб,  
Гаҳ гирибонин очиб, кўксида норидин<sup>2</sup> ўпуб,  
Бош қўюб тизиға, этмак жон нисор истар кўнгул.

Гар фалак кажравлиғидин<sup>3</sup> бахт ёвар<sup>4</sup> бўлмаса,  
Ҳамнишиним<sup>5</sup> ҳар кеча бир моҳпайкар бўлмаса,  
Оразидин байт ул-аҳзоним мунаввар бўлмаса,  
Мунча қилгон орзулардан муяссар бўлмаса,  
Фурқатий, узлат<sup>6</sup> учун бир кунжи гор истар кўнгул.

---

<sup>1</sup> М у ш к б о р — мушк ёғдирувчи.

<sup>2</sup> Н о р — бу ерда: сийна.

<sup>3</sup> К а ж р а в — тескари иш қилувчи, эгри юрувчи.

<sup>4</sup> Ё в а р — бу ерда: мададкор, ҳамкор.

<sup>5</sup> Ҳ а м н и ш и н — улфат.

<sup>6</sup> У з л а т — чекиниш, яккаликни ихтиёр қилиш.

## **Завқий**

Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг,  
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шохига сайраб-қўниб,  
Ҳам тўтию булбул бўлиб, ширин калом айлаб келинг.

Сулгонлиғинг изҳор этиб, оҳу кўзинг хуммор этиб,  
Авёрни ҳам бемор этиб, бизни гулом айлаб келинг.

Ишқ аҳлини шайдо қилиб, душманни кўп расво қилиб,  
Кўзларни ҳам шаҳло қилиб, аср ила шом айлаб келинг.

Кўрса юзингни, эй пари, ҳайрон қолур ёшу қари,  
Борганда, дема, тур нари, Завқийни ром айлаб келинг.

\* \* \*

Юзунгни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг,  
Яна кўнглум олиб, юз ноз бирла хандалар қилдинг,  
Жамолинг партавин сочиб, ажойиб жилвалар қилдинг,  
Масихдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар  
қилдинг,  
Сенга мен то қиёмат ошно, деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафойи аҳд қилгонинг, гули ғунча?  
Қани булбулсифат олдингда тургоним очилгунча?  
Қани бизларга суҳбат рақиблардек тонг отгунча?  
Сани дарду фироқинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,  
Не деб, эй меҳри йўқ, мен хаста қулга ғамзалар қилдинг.

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,  
Тикондек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман деб,  
Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,  
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,  
Ажабким, халқ ичида булҳавас деб шиквалар<sup>1</sup> қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,  
Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини,  
Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,  
Қаю Лайлисифат мундоғ қилур Мажнун гадосини?  
Юзингни бир кўрай, десам, қўлингни пардалар қилдинг.

Юроким раҳна бўлди, бас қил истиғнони, жононим,  
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетди дармоним,  
Арозингни қўйиб, лутф айласанг, ҳеч йўқдур армоним,  
Кўзим нури, танимнинг қувватисан, эй дилоромим,  
На ҳўб бир неча кун Завқий қулингга шевалар<sup>2</sup> қилдинг.

---

<sup>1</sup> Ш и к в а — шикоят, нолиш.

<sup>2</sup> Ш е в а — бу ерда: ноз, ишва.

## Ҳазиний

Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отқунча,  
Ўртаб юрагим, чашмим гирёна тонг отқунча.

Мен — Вомиқу сен — Узро, васлингга етолмасдан,  
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.

Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хумморим,  
Ҳажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча.

Эй шўхи жафопеша, бераҳм ситамгарсан,  
Мандин хабар олмайсан пинҳона тонг отқунча.

Ҳеч кимга деёлмасдин бу сирри пинҳонимни,  
Бағрим хунига тўлди паймона тонг отқунча.

Хилватда агар кўрсам, арзимни баён айлай,  
Сан бирлан агар бўлсам ҳамхона тонг отқунча.

Оқшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,  
Жонимни этай санго парвона тонг отқунча.

Найлайки, иложим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,  
Тор ўлди Ҳазинийға Фарғона тонг отқунча.

## Ҷамза

Сабо, арзимни еткур, моҳитобон бир келиб кетсун,  
Тамоми ҳусн элининг шоҳи — султон бир келиб кетсун.

Тутарга бир даме суҳбат асиру нотавон бирлан,  
Дариф тутмай нигорим, бўлса имкон бир келиб кетсун.

Неча кундин бери кўрсатмайин васлин соғинтурди,  
Тараҳҳум айласун ул шўҳи жонон — бир келиб кетсун.

Келурға кундузи андиша қилса шум рақиблардин,  
Қилубон аср ила ё шому хуфтон бир келиб кетсун.

Агар қўрқса худодин, ман ғарибу зору шайдони,  
Йўлида қилмасун кўп зору ҳайрон, бир келиб кетсун.

Кетуб тандин мадорим, гул юзим чун заъфарон ўлди,  
Дилимни қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун.

Агарчи мандин ўтган бўлса ҳар саҳву хато, дилдор  
Кечурсин, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб  
кетсун.

Ниҳонийга неча аҳду вафолар боғлағон эрди,  
Дегил, кўп қилмасун аҳдини ёлғон, бир келиб кетсун.

\* \* \*

Эй маҳваши замоним, эй ёр, хуш келубсиз!  
Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келубсиз!

Навмид<sup>1</sup> айламасдан мунглуф фақирингизни,  
Кўнглини бир олай, деб бисёр<sup>2</sup> хуш келубсиз!

Етди фалакка бошим, кўп шоду хуррам ўлдум,  
Маҳв ўлди барча ғамлар зинҳор, хуш келубсиз!

Беҳадду бешумор ул қилган гуноҳларимни  
Олмай кўнгилга ҳаргиз, минг бор хуш келубсиз!

Мен беадаб ёзардим ашъор<sup>3</sup> куйганимдин,  
Кўрганингизда топмай озор хуш келубсиз!

Тортиқ қилай, десам, йўқ, бир жондин ўзга тухфа,  
Қилмай фақирлиғимдин ҳеч ор, хуш келубсиз!

Кўрманг, Ниҳоний, ҳаргиз камлик юзини ҳаргиз,  
Айлай кўнгулни шод деб гулзор, хуш келубсиз!

---

<sup>1</sup> Н а в м и д — ноумид, маъюс.

<sup>2</sup> Б и с ё р — кўп, мўл, ортиқ, зиёда.

<sup>3</sup> А ш ъ о р — шеърлар.

\* \* \*

Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдум соғиниб,  
Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдум соғиниб.

Бир неча кунлардин бери кўрмай висолинг, эй пари,  
Турлик бало, минг ғам била ҳамхона бўлдум соғиниб.

Ҳеч ким манингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам,  
Танҳо туташдим ман ўзим, сўзона бўлдум соғиниб.

Тушди сани деб бошима жабру ситам, ҳадсиз азоб,  
Ақлу ҳушимдин оқибат бегона бўлдум соғиниб.

Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дам аҳволим сўраб,  
Бир неча кундур келмадинг, ҳайрона бўлдум соғиниб.

Излаб сани ҳар кўчада, сандин хабар берса кими,  
Эл ичра кўп шарманда ҳам афсона бўлдум соғиниб.

Минг шукрим, келдинг бу кун сиҳҳат-саломат, шодман,  
Айлай, Ниҳоний, жон фидо, қурбона бўлдум соғиниб.



\* \* \*

Ўйласам, ул дилбарим маккорга ўхшайди-ку,  
Раҳми йўқ бир бевафо дилдорга ўхшайди-ку.

Ул куни гулгун ниқобини очуб, ман хастани  
Ишқидин бўйнимга солган торга ўхшайди-ку.

То бу дам олмас хабар, бўлди юраклар чок-чок,  
Шўхи золим хийла дилозорга ўхшайди-ку.

Наргиси айлар мурувват, деса, қўймас кўзлари,  
Ханжари мужгонлари хунхорга<sup>1</sup> ўхшайди-ку.

Ўзича қилмас манга мунча жафою жабрни,  
Анга ўргатган магар ағёрга ўхшайди-ку.

Эй Ниҳон, қилдинг тавалло<sup>2</sup> неча йўллар, келмади,  
Сан каби бечорадин безорга ўхшайди-ку.

---

<sup>1</sup> Х у н х о р — қон тўқувчи.

<sup>2</sup> Т а в а л л о — бирор нарсани илтижо қилиб, ёлвориб сўраш.

\* \* \*

Раҳми йўқ, эй бевафо дилдор, билмайсан ҳануз,  
Қоматингга бўлмишам хуштор, билмайсан ҳануз.

Ҳасратингга қон ютарман кечалар тонг отқуча,  
Ман асири мубталойинг, ёр, билмайсан ҳануз.

Ёш тўқуб ҳажрингда, бўлди қоматим нундек дуто,  
Ғам билан бўлди юрак зангор, билмайсан ҳануз.

Маст ўлубман ул куни бир йўл жамолингни кўруб,  
Эмди бўлдим соғиниб афгор, билмайсан ҳануз.

Хор этиб ман ҳастани, бўлдинг рақибға ошно,  
Топти кўп маҳзун дилим озор, билмайсан ҳануз.

Оҳким, дарду ғамингни кечаю кундуз чекиб,  
Ҳасратингга бўлди тан бемор, билмайсан ҳануз.

Номи ҳарфингни Ниҳоний мисраимга тож этиб,  
Арзи дилни айладим изҳор, билмайсан ҳануз.

\* \* \*

Фурбатга солманг, эй маҳлиқолар,  
Мунча қилурсиз жабру жафолар,  
Бағрим кўп эзманг, айлаб адолар,  
Сизга на ҳосил, қоши қаролар,  
Ўтганда мандек минг-минг адолар.

Фурқатда ўтдим ғамсиз юролмай,  
Хилват қилолмай, ёлғуз юролмай,  
Дасти рақибдин дардим сўролмай,  
Ҳар кимга майли, бизга намолар,  
Ортуқча қилмоқ кўргач хафолар.

Ваъду ваъидлар айлаб миёна,  
Ташлади-кетди, билмам, қаёна,  
Кул бўлмагайдим кўп ёна-ёна,  
Қилмоқчи эркан бахтим қаролар,  
Солди ахири мундоғ балолар.

Хавфу хатар кўп қилган ишидин,  
Олдим хабарлар билган кишидин,  
Солмоқ жудолик бу қилмишидин,  
Қандай кўнгиллар бўлмас хафолар,  
Кетса хатога ақли расолар.

Оҳимга боқмас минг нола қилсам,  
Жонлар йўлига ҳавола қилсам,  
Йиғлаб кўзимни қон-лола қилсам,  
Раҳм айламайди юзи қаролар,  
Аҳдида турмас ул бевафолар.

## Мискин

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони  
изларман,  
Жамоли — гул, сочи — сунбул, кўзи — шаҳлони  
изларман,  
Ажаб бир тийрадидурман, қамарсиймони изларман,  
Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,  
Ўшандоқ офати жон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзидурман — жаҳон гулзорини найлай,  
Анга кўнгулни олдирдим — бўлак дилдорини найлай,  
Деюрға сирри маҳрам йўқ — бу ғам рафторини найлай,  
Маломат қилса-қилсин эл — алар гуфторини найлай,  
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман.

Ёронлар, бир париваш ишқининг девонаси бўлдум,  
Бериб барбод ақлимни, хирад бегонаси бўлдум,  
Кўриб ҳусни чароғини, ёниб, парвонаси бўлдум,  
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум,  
Жунуним айб қилманглар, маҳи Анқони<sup>1</sup> изларман.

---

<sup>1</sup> А н қ о — Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; топиамас, нодир, ягона.

\* \* \*

Кўрдим хатингиз, зебо санамлар,  
Қатлимга эркан ёзган рақамлар,  
Бераҳм айлаб бизга ситамлар,  
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Қош узра фарқни эгри қўярсиз,  
Ошиқларингиз бетиф сўярсиз,  
Соқий бўлибон майлар қуярсиз,  
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Ошиқлар ичра дилхаста Мискин,  
Ишқ булбулидур вобаста Мискин,  
Ғам доми бирла побаста Мискин,  
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Ишқингда зор бўлдуму ғамгин димоғман<sup>1</sup>,  
Бемори фурқатингману зоҳирда соғман,  
Ақлу ҳушум санинг била — ўздин йироғман,  
Кўрсат юзингни — толиби нури чароғман,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Ўлдум жамолинг шавқида — дардинг ололмадим,  
Бошингдин, эй санам, нега мен ўргулолмадим?  
Бир лаҳза ишрат уйида мажлис қуролмадим,  
Лаъли лабингни қандини бир дам сўролмадим,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Золим фалак фироқингга солди мени, нетай,  
Қандоғ ғамингни сийнада элдин ниҳон тутай,  
Сабру қарорим қолмади, эй жон, нечук этай,  
Мажнуни бенаво киби ё бош олиб кетай,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Кўрдум юзингни — қолмади бир зарра тоқатим,  
Тун-кечаларда йўқ мани бир дам фароғатим,  
Заҳр ўлди шаккар оғзима, кетти ҳаловатим,  
Билмас киши ғаминг била чеккан надоматим,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Сенсан париваш аҳлини шўхи замонаси,  
Менман сенинг ғаминг била олам фасонаси<sup>2</sup>,  
Кўнгул қушини боиси чангу таронаси,  
Зулфунгни домию яна холингни донаси,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

Ўлсам эди висолингга парвонадек куюб,  
Жон берсам эрди бошими остонанангга кўюб,  
Махмурлиқда бодаи васлинг била тўюб,  
Ноқислигимда кўксими тийри мижанг ўюб,  
Ҳажрингда дарду ғам билан ҳасратда доғман.

---

<sup>1</sup> Д и м о ғ — бу ерда: кўнгул, таъб, хотир.

<sup>2</sup> Ф а с о н а — афсона.

## *Нозимахоним*

Кўзи сузук нигорим,  
Сўзи чучук нигорим.

Боқмай қиё ўтарсан,  
Айбим начук, нигорим?

Ҳажрингда дарду ғамдин  
Қаддим букук, нигорим.

Ҳижрони оташингдин  
Бағрим куюк, нигорим.

Надур хуршиди тобон,  
Сенсан буюк, нигорим.

Ваҳ, эмди битти тоқат,  
Мен бир ўлук, нигорим.

Кўксумга боқ — аламдан  
Чоки чўкук, нигорим.

Раҳм айла Нозимангта,  
Кўзи сузук, нигорим!

## Чокар

Хуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо,  
эй шўхи паризод,  
Солди ани ишқи бошима кулфати савдо,  
қилгин манга имдод.  
Билмам на сифат одам эдинг ноз фанида,  
эй кўзлари шаҳло,  
Қилдинг мани бир боқиш ила хуснингга шайдо,  
жилва қилиб ижод.  
Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд  
бир зарра ҳам, аҳбоб,  
Ман бирла қачон тенг бўлур ишқ ичра жаҳонда  
Мажнун ила Фарҳод.  
Сийнамда чу этди бу кўнгил мулкани вайрон  
ёндирғали жоним,  
Энди анга раҳм айлабон, эл дилбари барно,  
қилғил ани обод.  
Чокар ғами ишқингда қачон бўлса гирифтор,  
ишқ ичра балокаш,  
Дардига ани шаҳди лабинг қилдиму даво,  
эй қомати шамшод?!



\* \* \*

Бир боқишда ақлим олган нозли жононим ўзинг,  
Сарвқомат, қора кўз, яктойи давроним ўзинг.

Талпинур кўнглум қуши лаб узра холингни кўруб,  
Қуввати руҳи равоним, жисм аро жоним ўзинг.

Мен билан Фарҳоду Мажнун тенг бўломмас ишқ аро,  
Лайлию Шириндан ортиқ лаъли хандоним ўзинг.

Оразинг ёдида кўнглум сайри гулзор истамас,  
Гул юзим, сунбул сочим ҳам боғу бўстоним ўзинг.

Чорайи дардимға Луқмон дорисидин йўқ илож,  
Бир кулуб боқсанг ҳама дардимға дармоним ўзинг.

Хусн шоҳи, сарвари дилдорлардур, Чокарий,  
Икки кўзимнинг равшани, шамъи шабистоним ўзинг.

*Махтумқули*

Юрсанг, ёрим, қувонаман  
Сарви қомат бўйларингга.  
Гулдан либос ярашибдир  
Соғ-саломат бўйларингга.

Мен булбулга айлаб озор,  
Ширин жоним олдинг нисор,  
Зулайҳодан қолган зуннор  
Бўлсин ҳожат бўйларингга.

Кўрсам ҳуснинг, йўқ армоним,  
Сенсиз хазон бўлсин жоним.  
Иқболим, диним-имоним —  
Қилсам ҳурмат бўйларингга.

Кўрган ошиқ фидо бўлар,  
Эл-юртидан жудо бўлар,  
Махтумқули гадо бўлар —  
У каромат бўйларингга.

*(Жуманиёз Шарипов таржималари)*

\* \* \*

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,  
Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас.  
Ғусса билан дона-дона кўзингдан  
Аччиқ, ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,  
Тамаъ қилиб, сарғайтирма юзингни.  
Ҳар номардга раво кўрма сўзингни,  
Сўзингни биносин йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,  
Дуч бўларсан бир кун хазон елига,  
Юз йил яшаб, тушсанг ажал қўлига,  
Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,  
Юқар ундан турли-туман касофат.  
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,  
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули, ҳаргиз топмадим омон,  
Ёмон тилнинг заҳри тиглардан ёмон,  
Ёмон тил ёнида заҳри кўп илон —  
Чақса-да бир чивин чаққанча бўлмас.

\* \* \*

Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар,  
Булбул сендан кетар, ғиғон тўхтамас.  
Туманли, ёмғирли, оқ қорли тоғлар,  
Селлар сендан кетар, туман тўхтамас.

Одам яратилмиш балангли, пасти,  
Ақли, фикрли, онгли ва эсли,  
Йигитлик умрда худди ёз фасли,  
Баҳор сендан кетар, замон тўхтамас.

Келганга қарши чиқ, бўлса мажолинг,  
Яхши тутавергин нияту феълинг,  
Дунё давронида очиқ тут қўлинг,  
Давр сендан кетар, даврон тўхтамас.

Бу дунё ғавғодир, бир қол-мақолдир,  
Биров бер-ҳа-бер, дер, ким ол-ҳа-ол, дер,  
Йигитлар, бу дунё шунга мисолдир,  
Барқ урар осмонда бўрон тўхтамас.

Бир манзилдир уч кун хўб еб-ичган сўнг,  
Ўрнашиб, қимирлаб, белинг ечган сўнг,  
Узангинг тортарлар тўрт кун кечган сўнг,  
Беш кундан ортиқча меҳмон тўхтамас.

Махтумқули айтар ориф дўстига:  
Ким қолар тушмайин ажал дастига!  
Фалак бир кун ташлар ернинг остига,  
Оғиздан тил кетар, забон тўхтамас.

\* \* \*

Ҳар йигитнинг аслин билай, десангиз,  
Маърақада ўтириб-туришин кўринг.  
Биров билан ошна бўлай, десангиз,  
Аввал ўз сўзида туришин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига,  
Кўксин очиб, кезар қишнинг елига.  
Харидор бўлсангиз қизга, келинга,  
Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,  
Етишар ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,  
Ўзи Ҳотам бўлиб, яна бой бўлса,  
Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг молнинг бисёри,  
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,  
Яхши-ёмон, одам зотининг бори  
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Мард йигитнинг иши суҳбат-соз бўлар,  
Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар,  
Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,  
Ёмоннинг кунда бир уришин кўринг.

Қадрдон қардошдан узоқда туриб,  
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,  
Махтумқули, носозларга дуч бўлиб,  
Хўжанинг, сайднинг юришин кўринг.

\* \* \*

Булбулман, оху зор чекиб,  
Тоза гулзордан айрилдим.  
Кўздан қонли ёшим тўкиб,  
Ул севар ёрдан айрилдим.

Ширин жонда йўқдир тоқат,  
Жабри унинг жонга роҳат,  
Қошлари фитнайи офат,  
Чашми хунхордан айрилдим.

Айрилдим ғунча гулимдан,  
Қора сочли сунбулимдан,  
Хушовозли булбулимдан,  
Ширин гуфтордан айрилдим.

Махтумқули ошиқ-мастон,  
Бағишлаб шаънига достон,  
Манзилгоҳи боғу бўстон,  
Олма-анордан айрилдим.

\* \* \*

Аввало, мол яхши, молдан бош яхши,  
Бош давлатин топган молга қарамас.  
Нодон бир ўғилдан ёт бир ёш яхши,  
Нодон ўғил отасига қарамас.

Отда оёқ бўлса, ўзга син бўлмас,  
Эрда ғайрат бўлса, иши қийинмас,  
Уруш куни йигит бўйин товламас,  
Тиққа борар, ўқу ёйга қарамас.

Ёр-дўстан қочарлар одам оч қолса,  
Ёр ёрдан айрилар ноилож қолса,  
Ёмон хотин яхши йигитга дуч келса,  
Бошини тарк этар, молга қарамас.

Кўҳна дунё муҳаннасининг<sup>1</sup> уйидир,  
Судхўр бўлганларнинг дўзах жойидир,  
Олтин-кумуш кўзларининг мойидир,  
Мард йигитлар бузуқ жойга қарамас.

Дунё кўрки — нозанинлар, не жонлар,  
Нодонга йўлиқди гўзал жононлар,  
Ёрдан қолган, эри ўлган жувонлар —  
Мард йигитни кўзлар, бойга қарамас.

Махтумқули ғариб кўнглин бой этиб,  
Қаноат ўлкасин банди — жой этиб,  
Ҳар ким ўз ёрени тўлин ой этиб —  
Ойин кўзлар, бошқа ойга қарамас.

---

<sup>1</sup> М у ҳ а н н а с — номард.

\* \* \*

Асли сени кўрмаганман, дилдорим,  
Қумримисан, булбулмисан, намасан?  
Ғамгин дилни хаёлингда алдарман,  
Боғ ичинда гул-гулмисан, намасан?

Ё мушкмисан, ёки жамбил, ё анбар,  
Айтолмайман, ё чархмисан, ё чамбар,  
Дарёмисан, ё мавжмисан, ё савсар,  
Гирдобмисан, тўлқинмисан, намасан?

Олгинмисан, қумушмисан, зармисан,  
Ё аршмисан, ё курсими, ермисан,  
Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан,  
Ё чироғми, ё зиёсан, намасан?

Махтумқули, кеч номусу орингдан,  
Қўлингни торт бу вафосиз корингдан,  
Жаҳон тўла, сен ғофилсан ёрингдан,  
Ё мастмисан, ё шайдосан, намасан?



\* \* \*

Шукур, алҳамдулиллоҳ,  
Жонона гўзум душги.  
Майхонада май ичдим,  
Мастона гўзум душди.

Эй зулфи сочи анбар,  
Меҳробки, юзунг минбар,  
Эй лаъли лаби гавҳар,  
Уммона гўзум душди.

Эй жоду жаранг гўзли,  
Эй шаҳду шакар сўзли,  
Эй шамсу қамар юзли,  
Тобона гўзум душди.

Ҳар сочлари бир сунбул,  
Гўёки мен ҳам булбул,  
Эй жаннат аро бир гул,  
Ризвона гўзум душди.

Бу дардима сен дармон,  
Кўйингда бўлам нолон,  
Махтумқули дер, эй жон,  
Жонона гўзум душди.

*Билол Нозим*

Неча кун кўнгулга, эй жон, тушубон сенинг хаёлинг,  
Бу юракни пора қилди қадди сарвдек ниҳолинг.

Ки қилиб ҳийлалар дона, отилур замон-замона,  
Кўнглум қушики яна кўрубон юзингда холинг.

Дилимга берур сафойи, дардимга қилур давойи,  
Манга давлат ҳумойи гулу настарин камолинг.

Қолмади кўнгул қарори, қўлу оёқнинг мадори,  
Тилагим жаҳонда бори, ки қумри сифат жамолинг.

Сабр қил бугунча, Билол, оқибат келурлар ул ой,  
Урмагин саҳарда кўп оҳ, уни тутмасин уволинг.

## Чўлпон

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: «Мен тушда уни кўрамен.  
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!..»

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,  
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа.  
Ул-да айтадирки: «Қизил ёноққа  
Учрадим тушимда — кўмилган оққа.  
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..»

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,  
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.  
Айтадир: «Бир кўриб, йўлимдан озиб,  
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!  
Бир кўрдим мен уни: шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..»

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлиқ сочиб,  
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.  
Ул-да уятдан беркиниб, қочиб,  
Айтадир: «Бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.  
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!..»

Мен йўқсил на бўлўб уни суюбмен?!  
Унинг-чун ёнибман, ёниб-куюбмен.  
Бошимни зўр ишга бериб қўюбмен,  
Мен суюб... мен суюб... кимни суюбмен?  
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

\* \* \*

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим: на нозлик тўлқини бордур,  
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб, қон айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшни жўй<sup>1</sup> айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин ёрни,  
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.

---

<sup>1</sup> Ж ў й — ариқ.

## ХАЛҚ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исендир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғолса, куч йўқдурким, тўхтатсун,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ истади: тож ва тахтлар йиқилди.

Халқ истаги озод бўлсун бу ўлка,  
Кетсун унинг бошиндаги кўланка.

Бир қўзғолур, бир кўпирар, бир қайнар,  
Бир интигур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.

Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Қучоқ очиб, халқ ичига борайлик!

## *Хислат*

Зулм айламанглар, қошлари қаролар,  
Токай қилурсиз бизга жафолар,  
Дуо қилурмиз шому саболар,  
Раҳм айламайсиз, эй моҳлиқолар.

Зулмингни кам қил, маҳбуби жоним,  
Ўртанди жисмим ҳам устухоним,  
Етмасми сенга оху фиғоним,  
Раҳм айламайсиз, эй моҳлиқолар.

Ошиқ кишининг дуоси яхши,  
Маъшуқаларнинг вафоси яхши,  
Ночор дегаймиз жафоси яхши,  
Раҳм айламайсиз, эй моҳлиқолар.

\* \* \*

Ҳажрингда, эй ёр, корим фиғондур,  
Тинмай кўзумдин ашким равондур.

Тортиб жудолик дардин дамодам,  
Ҳолим харобу рангим сомондур.

Айла тараҳхум манга, нигоро,  
Аҳволи зорим санга аёндур.

Ул лола янглиғ бағримда қат-қат,  
Боз устига боз доғлар ниҳондур.

Армону ҳасрат кўпдир дилимда,  
Десам туганмас гўёки кондур.

Сансан ҳабибим, ҳозик табибим  
Дардимга бешак, бу бегумондур.

Гулдек юзингининг ишқида Хислат  
Булбулга ўхшаш кори фиғондур.

*Ҳамид Олимжон*

Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб-боб куйгай,  
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай.

Камондек қошларинг киприкларингдин ўқ отар доим,  
Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу итоб куйгай.

Ёниб ишқингда қалбим кулга айланса, ажаб эрмас,  
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.

Олай тоқатни қайдин, кўзларингга ҳеч қаролмайман,  
Тушибдир учқуни бағримга, гўёки китоб куйгай.



Эй севги санам, бу манга озоринг эмасми?  
Сийнамда ёнар ўт сани хумморинг эмасми?  
Арз айлагучи олдингда афгоринг эмасми?  
Сўз бергувчи шумлар сани агёринг эмасми?  
Ишқ аҳлига кўзгу сани дийдоринг эмасми?  
Дийдорингни бир кўришга ман зоринг эмасми?

Бир марта кўриб хўснингни девона бўлибман,  
Ҳушим йўқ ўзимда, ақли бегона бўлибман,  
Айб айламангизлар мени, афсона бўлибман,  
Бир севгилининг йўлида қурбона бўлибман,  
Ишқ аҳлига кўзгу сани дийдоринг эмасми?  
Дийдорингни бир кўришга ман зоринг эмасми?

Эй кўқда кўринган ой бирла офтобим,  
Олдинг бу танимдан қувватим, қарору тобим,  
Яширмағил хўснингни, кўтар юздан ниқобинг,  
Куйдирди ҳам ўлдирди мани нозу итобинг,  
Ишқ аҳлига кўзгу сани дийдоринг эмасми?  
Дийдорингни бир кўришга ман зоринг эмасми?

Не сабаб эди айладинг аввалда вафони,  
Тарк этиб вафони, бошладинг жабру жафони,  
Ғайрилар ила одат этиб кайфу сафони,  
Айб эрмас киши гардани олса хатони,  
Ишқ аҳлига кўзгу сани дийдоринг эмасми?  
Дийдорингни бир кўришга ман зоринг эмасми?

Гар эсга олсанг ваъданг, вафоли севгилингман,  
Бахт эшигидан қўл узатган ғунча гулингман,  
Ҳар доим чаманда нола чеккан булбулингман,  
Хўснингга бағишлаган ғазалхон Бодилингман,  
Ишқ аҳлига кўзгу сани дийдоринг эмасми?  
Дийдорингни бир кўришга ман зоринг эмасми?

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Сунбулаю сунбула,  
Ўраб олай гул билан.  
Менинг кўнглим сен билан,  
Сен кетасан ким билан?

Ўчоқ бошида қумғон,  
Атрофи баланд қўрғон.  
Кўнгил берган ёримни  
Кўролмасдан бағрим қон.

Андижонда ўт ёқсам,  
Фарғонада тутуни.  
Бу дунёда бормикан  
Бирор бағри бутуни?

Бу дунёда бор бўлса,  
Бирор бағри бутуни,  
Қоғоздан ўчоқ ясай,  
Гулдан қилай ўтини.

\* \* \*

Дарё — тошқин, сувлар — тўлқин,  
Ўтолмайман-ей.  
Отим — ориқ, манзилимга  
Етолмайман-ей.

Отгинамни ориқ қилган  
Шу майда тош-ей.  
Рангинамни сариқ қилган  
Шу қаламқош-ей.

Дарёларнинг ул юзида  
Уйларингиз-ей.  
Оқаришиб кўринади  
Бўйларингиз-ей.

Ипданмиди, ипақданми  
Кийганингиз-ей?  
Бизлардан ҳам ортиқмиди  
Суйганингиз-ей?

\* \* \*

Қутлуғ бўлсин тўйлари,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Тенг тушибди бўйлари,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.  
Бахтли келин-куёвнинг,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Бир хил орзу-ўйлари,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.

Қизлар қўли ҳиноли,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Сўзлари кўп маъноли,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.  
Куёвни маст айлаган,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Келиннинг дона холи,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.

Ўктам экан поччамиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Йўлига гул сочамиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.  
Кўрманаси зўр бўлса,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Келин юзин очамиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.

Жон қизларжон, шошмангиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Ҳаддингиздан ошмангиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.  
Мард бўлмаса шу йигит,  
    ёр-ёр, ёрон-ей,  
Бўлармиди поччангиз,  
    ёр-ёр, ёрон-ей.

\* \* \*

Юр, десам боғ сайлига,  
Ул ёр бормайман, деди.  
Арзим айтиб куйласам,  
Такрор бормайман, деди.

Жону дил бирлан сўраб,  
Юз минг тавозеъ айласам,  
Нозланиб, аччиғланиб,  
Зинҳор бормайман, деди.

Минг хижолатга қўйиб,  
Рангимни этди заъфарон.  
Ҳажрида бўлдим, нетай.  
Бемор, бормайман, деди.

\* \* \*

Жонон бўламан, деб ҳамани куйдирасанми?  
Куйган бу ғарибларни яна ёндирасанми?  
Эй офатижо, юз йилга довур шундай турасанми?  
Ёш бошинг ила севмай мана шундай юрасанми?  
Эй, Меҳри Кулол кўчасидан ўтмаганим, кел!

Шоядки, сени тушимда кўрсам,  
Кел, ўргилайин, дебон югурсам,  
Дардингни олиб, ғамингни сўрсам,  
Дарду аламингда чиқди жоним,  
Ўртанди жисмим ҳам устунхоним.

Мен кўрганим онда сен ёшгина эрдинг,  
Ҳам эркаю мунис, ёввошгина эрдинг,  
Оқ юзлигу холдор, қаламқошгина эрдинг,  
Бир ишқи санам бўйнина йўлдошгина эрдинг,  
Эй, Меҳри Кулол кўчасидан ўтмаганим, кел!

\* \* \*

ЧОЛ: Қошинг ўсмадаккина, қилпиллама,  
Белинг тасмадаккина, қилпиллама,  
Мен сени кампир, десам, қилпиллама,  
Қилиғинг қиздаккина, қилпиллама,  
Қилпиллама, қиздаккина, қилпиллама!  
Қилпиллама, жонгинам, қилпиллама!  
Қилпиллама, жонгинам, қилпиллама,

КАМПИР: Шоли солдим келига, қилпилама,  
Тегирмоннинг дўлига, қилпилама,  
Шоҳи қийиқ ярашар, қилпилама,  
Чолгинамнинг белига, қилпилама,  
Қилпилама, жоним-ей, қилпилама,

ЧОЛ: Белбоғимнинг қирғоғи, қилпилама,  
Ширин кампир фироғи, қилпилама.  
Қўша-қариб юрганнинг, қилпилама,  
Ўчмас сира чироғи, қилпилама,  
Қилпилама, жонгинам, қилпилама.

КАМПИР: Рўмолим учи сочиқ, қилпилама,  
Келсам дарвозанг очиқ, қилпилама,  
Жон тасадуқ бўйингга, қилпилама,  
Бўлганман чиндан ошиқ, қилпилама,  
Қилпилама, жоним-ей, қилпилама,

ИККАЛОВИ: Жон тасадуқ бўйингга, қилпилама,  
Бўлганман чиндан ошиқ, қилпилама,  
Қилпилама, жонгинам, қилпилама,

\* \* \*

Халқ ўзи еткизган азиз меҳмоним,  
Болама ўхшайди овозинг сени.  
Тез хабарин бергил чиқмасдан жоним,  
Ўғлима ўхшайди овозинг сени,  
Болама ўхшайди нолишинг сени.

Ўғлим йитиб, султон бошим хор ўлди,  
Ўғлимни кўрмакка кўнглим зор ўлди,  
Йиғламоқдин икки кўзим кўр ўлди,  
Ўғлима ўхшайди овозинг сени,  
Болама ўхшайди нолишинг сени.

Аввал-бошдан мени ёзим кетибди,  
Қўлимдан ўрдагу ғозим кетибди,  
Қўйнимдан айрилиб, кўзим кетибди,  
Ўғлима ўхшайди овозинг сени,  
Болама ўхшайди нолишинг сени.

Ўғлим борган жоя сан ҳам борибсан.  
Ўғлим билан созу суҳбат қурибсан,  
Ё ўғлимсан, ё ўғлимни кўрибсан,  
Ўғлима ўхшайди овозинг сени,  
Болама ўхшайди нолишинг сени.

\* \* \*

Лолачада ишим бор, ҳей лола,  
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола,  
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола,  
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,  
Ўрдак билан розлар бор, ҳей лола.  
Ўрдак кетиб, роз қолсин, ҳей лола,  
Душман кетиб, дўст қолсин, ҳей лола.

Югур-югур мен турай, ҳей лола,  
Бошингни гулга ўрай, ҳей лола.  
Сенга келган балога, ҳей лола,  
Ўзим кўндаланг бўлай, ҳей лола.

\* \* \*

Бойчечак чиқибди — бугун Наврўз экан,  
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,  
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,  
Бойчечак чиқибди — бугун Наврўз экан.

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо,  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ой момо,  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она,  
Бойчечак чиқибди — бугун Наврўз экан.

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака,  
Ҳой, деҳқон бобо, даланга берсин барака,  
Ҳой, чўпон бобо, қўранга берсин барака,  
Бойчечак чиқибди — бугун Наврўз экан.

\* \* \*

Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товоғинг вайрондир.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар,  
Тут ёғочга осдилар,

Қилич билан чопдилар,  
Бахмал билан ёпдилар.

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

\* \* \*

Суст хотин, сузма хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.  
Ёмғир ёғдир — ҳўл бўлсин,  
Еру жаҳон кўл бўлсин.  
Майсалар қулоқ ёзсин,  
Суту қатик мўл бўлсин.

Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,  
Қурғоқчилик йўқ бўлсин,  
Арпа-буғдой бош тортсин,  
Кайвонилар ош тортсин.

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,  
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.  
Кўкламда ўйнаб-кулиб,  
Ҳам шўху ҳам зўр бўлайлик.

Ёмғир ёғди — дўл бўлди,  
Еру жаҳон кўл бўлди.  
Шафтолилар барг ёзди,  
Дунё тўла гул бўлди.  
Суст хотин, сузма хотин.

\* \* \*

Эй, кўзлари мастона дилбар,  
Жононлардан жонона дилбар.  
Бўйларингга бўлай қурбон,  
Жон укам, вой, дод-ей,

Ох, тишлари дурдона дилбар.  
Гуллар очар юзни баҳори,  
Кўплар кўзларингни хумори,  
Вафо қилсин ҳар кимни ёри,  
Жон укам, вой дод-ей,  
Вафодор бўл, мастона дилбар.

Вафолилар доим шодона,  
Вафодор бўл доим мардона,  
Вафолилар сургай даврона,  
Жон укам, вой, дод-ей,  
Вафодор бўл, мастона дилбар.

\* \* \*

Читти гул-е, читти гул,  
Этагингга гул босай.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

Қўлинг қўлбоғда бўлсин,  
Белинг белбоғда бўлсин.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

Тапир-тупур от келди,  
Чиқиб қаранг, ким келди.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

Аравада ун келди,  
Чилдирмада гул келди.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

Гул яхши-ю, гул яхши,  
Гулнинг попути яхши.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

Ўртада ўйнаган қизнинг  
Ҳайдар кокили яхши.  
Ҳай-ю, читти гул,  
Ҳай-ю, читти гул.

\* \* \*

ҚИЗ: Лапарнинг аввал боши — мармар тоши,  
Чит рўмолни ҳўл қилган кўзнинг ёши.  
Чит рўмолим хаса-ё, қўлимда чинни коса-ё,  
Қизлар лапар айтганда, йигитлар қулоқ солса-ё.



ЙИГИТ:

Лапар айтсанг, тўйда айтгин, сулув қизлар қочар-о,  
Очиламан гулғунчани булбул сайраб очар-о.  
Эй булбул, мунча сайрайсан тоғу тошни ўйдириб,  
Иссиқ-совуқ сув ичасан мой юрагинг куйдириб.

ҚИЗ:

Кўзам олиб, сувга чиқсам — оҳ уради бир йигит,  
Кўзам қўйиб, қулоқ солсам — ёрдан айрилган йигит.  
Ёрдан айрилган йигитнинг ёри мен бўлсаммикин?  
Қўлига қирғий бериб, кўксида жон берсаммикин?

\* \* \*

ЙИГИТ: Дарёнинг нарёғида бир туп ғўза,  
Ул ғўзанинг тағида олтин кўза.  
Жон, янга, жоним янга, арзим сизга,  
Ўйнамоққа рухсат беринг қора кўзга.

ҚИЗ: Дарёнинг ўртасидан йўл соламиз,  
Қизил гул новдасидан уй соламиз.  
Қизил гулнинг навдаси тарам-тарам,  
Бизнинг ёрнинг қошлари куйган қалам.

ЙИГИТ: Қизларжон, қайнар булоққа бошланг,  
Моли кўп, деб бой боласин хушланг.  
Мол деган қўлнинг кири — ювса кетар,  
Тирик қўлга мол битар, ўлган кетар.

ҚИЗ: Дарёнинг нарёғида ҳай-ҳайлаган,  
Қамчинининг сопига зар бойлаган,  
Қамчинини қайириб, отга солган,  
Ўз ёрини ёмонлаб, хатга солган.

\* \* \*

— Қошингни қаро, дейдилар,  
Қора кўз укам, ёр-ёр,  
Ширинсўз укам, ёр-ёр,  
Кўрсат қошингни, бир кўрайин,  
Жоним укам-ей, ёр-ёр.

— Қошимни кўриб нима қиласиз,  
Сиз акажоним, ёр-ёр,

Жоним акажоним, ёр-ёр,  
Қалдирғочнинг қанотини  
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

— Кўзингни қаро, дейдилар,  
Қора қош укам, ёр-ёр,  
Ширинсўз укам-ей, ёр-ёр.  
Кўрсат кўзингни, бир кўрайин,  
Жоним укам-ей, ёр-ёр.

— Кўзимни кўриб нима қиласиз.  
Сиз акажоним, ёр-ёр,  
Жоним акажоним, ёр-ёр,  
Оҳуларнинг кўзларини  
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

— Юзингни қизил, дейдилар,  
Қизил юз укам, ёр-ёр,  
Ширинсўз укам-ей, ёр-ёр,  
Кўрсат юзингни, бир кўрайин,  
Жоним укам-ей, ёр-ёр.

— Юзимни кўриб нима қиласиз,  
Сиз акажоним, ёр-ёр.  
Жоним акажоним, ёр-ёр,  
Бозордаги ширмой нонни  
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

\* \* \*

— Соё бўйида турган йигит,  
Қошу кўзин сузган йигит,  
Билакузугимни олган йигит,  
Бергин энди билакузугимни.

— Соё бўйида турганим йўқ,  
Қошу кўзимни сузганим йўқ,  
Билакузугингни олганим йўқ,  
Олганлар берсин билакузугингни.

— Майдон аро юрган йигит,  
Саман йўрға минган йигит,  
Билакузугимни олган йигит,  
Бергин энди билакузугимни.

— Майдон аро юрганим йўқ,  
Саман йўрға минганим йўқ,  
Билакузугингни олганим йўқ,  
Олганлар берсин билакузугингни.

— Ҳаво ҳавога дуч келур,  
Қизлар йигитга хуш келур,  
Севинчиси ўпич бўлур,  
Бергин энди билакузугимни.

— Ҳаво ҳавога дуч келса,  
Қизлар йигитга хуш келса,  
Севинчиси ўпич бўлса,  
Чўнтагимда билакузугинг.

\* \* \*

— Онажон, онажон!  
Бошгинам оғрийди-я.  
— Бошгинангдан онанг айлансин,  
Нималарга оғрийди-я?

— Бозорларда бўлар экан,  
Заргарларда турар экан,  
Унинг оти тиллақош,  
Ўшанга оғрийди-я!

— Онажон, онажон!  
Бўйингинам оғрийди-я.  
— Бўйингинангдан онанг айлансин,  
Нималарга оғрийди-я?

— Бозорларда бўлар экан,  
Заргарларда турар экан,  
Унинг оти бўйингумор,  
Ўшанга оғриди-я!

— Онажон, онажон!  
Қулоққинам оғрийди-я.  
— Қулоққинангдан онанг айлансин,  
Нималарга оғрийди-я?

— Бозорларда бўлар экан,  
Заргарларда турар экан,  
Унинг оти олтин исирға,  
Ўшанга оғрийди-я!

\* \* \*

Сочим учи қўнғироқ,  
Ёр, менга қилма фироқ.  
Ёр, менга қилсанг фироқ,  
Кетай, лекин йўл йироқ.

Сочгинамнинг кўпчилиги,  
Сочпопутим йўқчилиги.  
Қошу кўзим шўхчилиги —  
Ёргинамнинг йўқчилиги.

\* \* \*

Жононга бордим шул кеча,  
Бир-бир босиб астогина.  
Жонон ётур ноз уйқуда,  
Солдим қўлим астогина.

Сесканди-ю: «Кимсан?» — деди,  
«Оғам ётур мунда!» — деди.  
«Билса, сени ҳам ўлдурур,  
Қўймас мени мунда!» — деди.

Дедим: «Садоғанг бўлайин,  
Бир бўса бергил жон учун».  
«Берсам-берайин жон учун,  
Қилма товуш астогина».

Дедим: «Яна бир бўса бер».  
Деди: «Уётинг йўқ экан,  
Қайдин келибсан — шунда кет,  
Кетгил туриб астогина».

\* \* \*

Рўмолим бор, рўмолим бор,  
Рўмолимда туморим бор,  
Бир кўришга хуморим бор,  
Дод, алимдан кетди рўмол!

Рўмолимнинг учи шойи,  
Ўртасида бордир ойи,  
Олиб беринг, жоним дойи,  
Дод, алимдан кетди рўмол!

\* \* \*

Олма отдим оттанга,  
Нима-нима, нима дейсиз?  
Гул боғчада ётганга,  
Нима-нима, нима дейсиз?

Аччиғингиз келмасин,  
Нима-нима, нима дейсиз?  
Қўл ушлашиб юрганга,  
Нима-нима, нима дейсиз?

Қош остида кўзингиз,  
Ошно бўлган ўзингиз.  
Ошноликка чидалмай,  
Ташлаб кетган ўзингиз.

Боққа киринг — бодом бор,  
Аста киринг — одам бор.  
Одам бўлса нетади?  
Ўз йўлига кетади.

Ошиқ бўлдим ўзингга,  
Қошинг билан кўзингга.  
Айтолмадим юзингга,  
Инсоф берсин ўзингга.

Оқ олма, қизил олма,  
Ўзгага назар солма.  
Ўзгага назар солсанг,  
Ўз билганингдан қолма.

\* \* \*

Қақрода қумри ин этар,  
Чипродалли-далли.  
Ушлаб олсанг, кимга етар,  
Чипродалли-далли.

Қозон қайнар вақур-вуқур,  
Чипродалли-далли.  
Барак пишир — бизни чақир,  
Чипродалли-далли.

Пиширганинг тўртта барак,  
Чипродалли-далли.  
Шунча одам кимга керак?  
Чипродалли-далли.

Ола отга миндирдилар,  
Чипродалли-далли.  
Бизни ёрдан айирдилар,  
Чипродалли-далли.

\* \* \*

Пар девола, пар девол,  
Пар деволнинг гарди бор.  
Яхши кўрган ёримнинг  
Юрагида дарди бор.

Қошинг қорами, қондим,  
Сан сўзлама — ман ёндим.  
Изингда хушторинг бор,  
Маломатга ман қолдим.

Ҳовуз бўйида жийда,  
Жийданинг гули майда.  
Ҳамманинг ёри уйда,  
Бизнинг дарбадар қайда?

\* \* \*

— Ёр, нималар дедим сизга,  
Яна нималар дедим сизга?  
Атласлар олинг ва ё бизга,  
Атласлар олинг ва ё бизга.

— Ҳа, атласларни кийиб олиб,  
Ҳа, атласларни кийиб олиб,  
Ҳилвирлаб келасиз-а, бизга,  
Ҳилвирлаб келасиз-а, бизга.

— Ёр, нималар дедим сизга?  
Яна нималар дедим сизга?  
Ўсмалар олинг ва ё бизга.

— Ҳа, ўсмаларни қўйиб олибон,  
Яна ўсмаларни қўйиб олибон,  
Учуриб келасиз-а, бизга,  
Учуриб келасиз-а, бизга.

— Ёр, нималар дедим сизга?  
Яна нималар дедим сизга?  
Сурмалар олинг ва ё бизга.

— Ҳа, сурмалар қўйиб олибон,  
Яна сурмаларни қўйиб олибон.  
Сузилиб келасиз-а, бизга,  
Сузилиб келасиз-а, бизга.

\* \* \*

Қарғалар учса, қарайлик  
Марғилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса, маст бўлайлик  
Ҳандалакнинг бўйига.

Ҳандалак бўйликкинам,  
Сиз унда зор, биз бунда зор.  
Тўтиқушнинг боласидек  
Иккаламиз интизор.

Интизорлик торта-торта  
Танда тоқат қолмади.  
Йўлчибиндек сарғайиб,  
Учарга ҳолат қолмади.

Йўлчибиннинг ҳолини  
Юрган йўловчидан сўранг.  
Биз фақир бечорани  
Ақли расо ёрдан сўранг.

Кичкина чорбоғ ичида  
Айланар бошим манинг.  
Ёр юрган кўчаларда  
Тўкилар ёшим менинг.

Ёр юрган кўчаларни  
Супурай сочим билан.  
Чанги чиқса, сув сепай  
Кўздаги ёшим билан.

Фунчамидим қайрилгани,  
Гулмидим очилгани.  
Ваъдалар шундаймиди,  
Ўлмай туриб айрилгани.

\* \* \*

Қизгина, ҳайда, қўйингни боқайин,  
Эшигингда чашма бўлиб оқайин.  
Эшигингда чашма бўлиб оқмасам,  
Лабгинангда писта-бодом чақайин.

Қизгина қирга ёяди бўзини,  
Савдогарга кўрсатади ўзини.  
Савдогар савдога кетди мол учун,  
Қизгина савдойи бўлди ёр учун.

Қизгинанинг боғи бор, боғбони йўқ,  
Қизгинанинг дарди бор, дармони йўқ.  
Қизгина, боғингда боғбонинг бўлай,  
Қизгина дардингда дармонинг бўлай.

\* \* \*

У маҳаллангдан бу маҳаллангга  
Йўллар бормикин?  
Кўкрагимга ўқ тегибди,  
Дориси бормикин?

Оҳ, дориси бормикин?  
Воҳ, дориси бормикин?  
Бодом қовоқ, юпқа томоқ,  
Додимга етсанг-чи!

У ёнингдан ўтай, бу ёнингдан ўтай,  
Кўнглингни олай.  
Тўтиқушнинг боласидай  
Қўлингга қўнай.

Бодом қовоқ, юпқа томоқ,  
Додимга етсанг-чи!

Сим-сим оралаб қор ёғадир,  
Тоғни бўралаб.



Ёрим кетди — орқасидан  
Қолдим мўралаб.

Яна қолдим мўралаб,  
Дўст, яна қолдим мўралаб.  
Бодом қовоқ, юпқа томоқ,  
Додимга етсанг-чи!

\* \* \*

Қош агар пайваста бўлса,  
Ўсмани гардон қилур.  
Ёр агар нодон бўлса,  
Ошиқни саргардон қилур.

Файра-файра дам-бадам,  
Оромижоним сен менинг,  
Ширинзабоним сен менинг.

Қоралар, қоп-қоралар,  
Ошиққа маъшуқ мўралар.  
Ёр билан ўйнай десам,  
Қўймайди бахти қоралар.

Файра-файра дам-бадам,  
Оромижоним сен менинг,  
Ширинзабоним сен менинг.

Боққа кирсам — боқасан,  
Имлаб қошингни қоқасан.  
Қоқма, десам, қоқасан,  
Бир балога тоқасан.

Файра-файра дам-бадам,  
Оромижоним сен менинг,  
Ширинзабоним сен менинг.

\* \* \*

Нозингга жон тасадуқ,  
Жонон, десам, уялма.  
Бўйингга бўлдим ошиқ,  
Маржон, десам, уялма.

Олма, дедим, ўзингни,  
Ололмадим сўзингни,  
Ҳидлаб кўриб ўзингни,  
Райҳон, десам, уялма.

Доим қаддингни ўйлаб,  
Номингни тилда сўйлаб,  
Юрдим маҳалла бўйлаб  
Ҳайрон, десам уялма.

Кўрдим сени қачонда,  
Гулзору боғ, чаманда,  
Севдим сени ўшанда,  
Боғбон, десам, уялма.

Тортма ўзингни нари,  
Кўзим сенга хумори.  
Ошиқларнинг шиори  
Ёлғон, десам, уялма.

\* \* \*

Дейди-ё, дейди-ё,  
Минорама, дейди-ё.  
Минорага суянган  
Чинораман, дейди-ё.

Ярми олтин, ярми қумуш  
Пиёламан, дейди-ё.  
Ёрга салом бергали  
Уёламан, дейди-ё.

Ҳулкар билан Тарозу  
Тенг келади, дейди-ё.  
Келинойим кўйлаги  
Кенг келади, дейди-ё.

Кенг келса ҳам майлига,  
Ярашади, дейди-ё.  
Қўлларини узукка  
Тўлдиради, дейди-ё.

\* \* \*

Қошинг асли қародир,  
Ўсма қўйганинг ёлғон.  
Сенинг учун мен куйган,  
Сенинг куйганинг ёлғон.

Қалдирғоч қаро бўлур,  
Қаноти ало бўлур.  
Ёшлиқда берган кўнгил  
Айрилмас бало бўлур.

\* \* \*

Олма пишганда келинг,  
Тагига тушганда келинг.  
Орқа чочи жамалак,  
Белига тушганда келинг.

Ёрим келадир яшнаб,  
Зар кокилини ташлаб,  
Хипча белини ушлаб,  
Шаккар лабини тишлаб.

\* \* \*

У ёнга ташлаб ўйнасам,  
Бу ёнга ташлаб ўйнасам,  
Орқа сочим жамалак —  
Ёнбошга ташлаб ўйнасам.

Сариф-сариф қуш бўлай,  
Самоварингга қўнай.  
Ёрим, деган тилингни  
Садоғалари бўлай.

Қошинг қиёласанми?  
Чинни пиёласанми?  
Нимага қарамайсан,  
Мендан уяласанми?

\* \* \*

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,  
Не савдолар менинг бошимга тушди.  
Сенинг ишқинг менга қайдин ёпишди,  
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди.  
Ўзинг ошно, дилинг бегоналарда.

Томга ўсма эксам, ўсаман, дейди.  
Ёрга бино қўйсам, кетаман, дейди.  
Кетма ёрим, кетма, жоним беройин,  
Тилимнинг учида новвот беройин.  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадур.

\* \* \*

Шамол эшик очади,  
Ёрим писта чақади.  
Очма, десам, очади,  
Очади-ю, қочади.

Ёрим кетаман, дейди,  
Кеткизгали қўймайман.  
Йўлларига чим босиб,  
Ўткизгали қўймайман.

Эшик олди гул ҳовуз,  
Гул тергали келганмиз.  
Гулни баҳона қилиб,  
Ёр кўргали келганмиз.

\* \* \*

Беқасам тўнлар кийиб,  
Мунча мени куйдирасан.  
Ҳар замонда бир қараб,  
Вой, беажал ўлдирасан.

Кўҳи Қофдан келади  
Шаршаранинг овозаси.  
Бевафо бир ёр учун  
Бўлдим жаҳон овораси.

Тоғдаги юрган кийикка  
Мен нечун занжир солай?  
Сен бировнинг ёри бўлсанг,  
Мен нечун кўнгли қўяй?

Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани?

Оҳ урарман, оҳ урарман,  
Оҳларим тутгай сени.  
Кўз ёшим дарё бўлиб,  
Балиқлари ютгай сени.

\* \* \*

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Кимнинг тўйи, ёр-ёр.  
Оқ гул билан қизил гул —  
Қизнинг тўйи, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатламалар  
Қатланади, ёр-ёр.  
Қизни олиб, янгалари  
Отланади, ёр-ёр.

Қизни олиб, янгалари  
Тура турсин, ёр-ёр.  
Оқ сут берган оналари  
Рози бўлсин, ёр-ёр.

\* \* \*

— Эшигингда нелар бор,  
Чаманнорингдан.  
— Ўрдак билан ғозлар бор,  
Бўйлорингдан.

— Ўрдак ўлиб, ғоз қолсин,  
Чаманнорингдан.  
— Душман ўлиб, дўст қолсин,  
Бўйлорингдан.

Боққа кириб, олма енг,  
Боғнинг олмаси яхши.  
Ёрга ширин сўзни денг,  
Ёрнинг ваъдаси яхши.

\* \* \*

Сайранг, булбулим, сайранг,  
Шу гулнинг шохи синсин.  
Ёр айриламан, дейди,  
Айрилиб, кўнгли тинсин.

\* \* \*

Қизил олма гулидек  
Қизил гуллигим ёрим.  
Оғзида новвот борми,  
Ширин сўзлигим ёрим.

\* \* \*

Қошингни қорасига,  
Хол бўлай орасига.  
Асти раҳминг келмайди  
Бировнинг боласига.

\* \* \*

Олов ёнсин ёғ билан,  
Бағрим куйсин доғ билан.  
Ўйнамадим-кулмадим  
Кўнглим суйган ёр билан.

\* \* \*

Тоғдаги барра қиёқдек  
Қошларингдан ўргилай.  
Янги чиққан майсадек,  
Мўйлабларингдан ўргилай.

\* \* \*

Тоққа ёмғир кор қилурми  
Мутгасил ёққан билан?  
Давлатингиз кам бўлурми  
Бир қиё боққан билан?

\* \* \*

Боғ айланиб чий тутдим,  
Келасан, деб кўз тутдим.  
Келмаслигинг эшитиб,  
Коса-коса қон ютдим.

\* \* \*

Сени унда, мени бунда яратди,  
Орамизда оқар дарё яратди.  
Оқар дарё экан — оқди-ю кетди,  
Бевафо ёр экан — ташлади-кетди.

\* \* \*

Қошингни қораси ювса кетарми?  
Санингдек тоза гул боғда битарми?  
Санингдек тоза гул боғда битганда,  
Сўраб борсам, боғбон менга сотарми?

\* \* \*

Самарқанд сойида қолди узутим,  
Қачон келгай менинг кўзи сузутим.  
Агар келса менинг кўзи сузутим,  
Улардан айлансин тилла узутим.

\* \* \*

Қошинг Қашқар қамиши,  
Тишинг заргар кумуши.  
Бизнинг ёрнинг емиши  
Катта боғнинг кишмиши.

\* \* \*

Чумчуқлар чирқилади,  
Шом бўлганга ўхшайди.  
Юрагим дукиллайди,  
Ёр келганга ўхшайди.

\* \* \*

Шамчироқнинг ёнганидан,  
Ёнмагани яхшироқ,  
Бевафо ёр бўлганидан,  
Бўлмагани яхшироқ.

\* \* \*

Гулни гул дерму киши,  
Гулни тикони бўлмаса.  
Ёрни ёр дерму киши,  
Ёрни вафоси бўлмаса.

\* \* \*

Ака, баландингга чиққим келадир,  
Тиззангга бош қўйсам, уйқум келадур.  
Уйқумнинг келгани айни намозшом,  
Айни намозшомда кўнглим паришон.

\* \* \*

Олма гули нофармон,  
Излаб сени топарман.  
Излаб сени топганда  
Ўнг бетингдан ўпарман.

\* \* \*

Гули сафсарни кўринг,  
Сувга қараб қайриладир.  
Бевафо ёрни кўринг,  
Ўлмай туриб айриладир.

\* \* \*

Омон ёр айласанг-чи, омон-ёр,  
Белингни бойласанг-чи, омон-ёр.  
Суйган ёринг келибдир, омон-ёр,  
Очилиб ўйнасанг-чи, омон-ёр.

\* \* \*

Кўрмайин босдим тиконни,  
Тортадирман дардини.  
Кўрсам эрди босмас эрдим,  
Тортмас эрдим жабрини.

\* \* \*

Пиёла рангига боқсам,  
Менинг рангимга ўхшайди.  
Ичидаги қаро чойи  
Юрак доғимга ўхшайди.

\* \* \*

Қизил гул илдизиман,  
Ёқангнинг қуңдузиман.  
Мени кўп хўрлама, ёр,  
Бировнинг ёлғизиман.



## ХАЛҚ РУҲИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Қадим ул-айёмдан сўз ва мусиқа муқаддас саналиб келган. Дунё сўз туфайли яралган бўлса, инсон жисмига жон мусиқа ёрдамида кирган. «Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат», — деган ҳадис бежиз айтилмаган — бунда бир олам маъно бор.

Инсон ҳаётида қўшиқнинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд — у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган: қўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган... Қўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан.

Ўтмишда қўшиқ матнини халқнинг энг донишманд, энг тажрибали, энг машҳур шоирлари ёзишган. Энг гўзал, энг маъноли, энг таъсирчан сўзларни танлаб-танлаб ёзишган. Булбул билан баҳс бойлашадиган моҳир бастакорлар уларга куй басталаган, қумрини доғда қолдирадиган хушовоз ҳофизлар уларни ёниб ижро этган.

Қўшиқ бизда ана шундай муқаддас, илоҳий бир мўъжиза саналиб келган эди. Халқимизнинг руҳини синдирган, тафаккурини тушовлаган инқилоб унинг қўшиқларини ҳам илоҳий қанотларидан жудо қилди, муқаддас мазмунидан маҳрум этди — у нафис либослари, зебу зийнатлари ечиб олинган яланғоч илҳом фариштаси янглиғ мунғайиб қолди.

Маълумки, қўшиқ азал-азалдан буюк сафарбар куч ҳисобланади. Унинг бу хусусиятини яхши англаган Шўролар ҳукумати ўз мафкурасини халқ онгига сингдириш учун қўшиқдан бир восита сифатида фойдаланди. Натижада оддий сўзлар қўшиқ матнига кириб келди, қизил сўзлар қўшиқ матнига кириб келди. Қадим-қадимдан муқаддас сўзлар шодасидан иборат бўлган қўшиқ қора сўзлар тизмасига айланди. Халқнинг асл шоирлари қолиб, маддоҳлик, тарғиботчиликни касб қилиб олган ҳаваскорлар қўшиққа қўл урди. Шу та-

риқа, қўшиқ ўзининг самовий юксаклигидан пастга тушди, қўшиқ ўзининг муқаддаслигини йўқотди — қўшиқ ҳам шунчаки ҳодиса, оддий бир нарса бўлиб қолди.

Санъатга нисбатан бўлган бундай сиёсий-мафкуравий муносабат бутун XX аср давомида қўшиқчиликка ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келди. Натижада, қўшиқчилик учга бўлинди: мумтоз қўшиқлар, халқ қўшиқлари ва замонавий қўшиқлар. Замонавий қўшиқлар ўзининг ташқи ялтироқлиги, коммунистик мафкура тарғибига йўналтирилганлиги, маъно-мазмундан деярли маҳрумлиги билан ажралиб турди. Бу қўшиқларнинг кўпи бутунги кунда унутилиб кетганлиги ёки уларни энди айтиб бўлмаслигининг ўзи фикримизнинг яққол исботидир. Минг бир машаққат билан тўплаиб. «Ўзбек халқ музыкаси» кўп жилдидан ўрин олган замонавий қўшиқларнинг кўпчилиги ҳозирда кераксиз матоҳга айланди — уларни эслагиси ҳам келмайди кишининг. Чунки уларда «катта оға», коммунистик партия, социалистик меҳнат, совет турмуш тарзи улуғланган, паранжи ташлашга, босмачиларга қарши курашга даъват этилган, сталинча беш йилликлар, колхоз ҳаёти тараннум этилган. Халқ хотираси, онгига бундан ҳам ортиқ тажовуз бўладими?! Ўзининг қуллигини шоҳлик даражасида улуғлаш — ҳақиқий манқуртлик аслида шу эмасми?!

Эсиз сўз, эсиз мусиқа...

Қўшиқдан том маънода завқланиш, ҳузурланиш учун, бизнингча, унда уч муҳим унсур — теран маъноли ва таъсирчан шеър, гўзал ва оромбахш мусиқа, ёқимли ва жарангдор овоз ўзаро мувофиқ келиши керак. Шу уч унсурдан бири етишмадим, билингки, ўша қўшиқ мукамал эмас. Ундан олинадиган завқу ҳузур ҳам тўқис бўлмайди. Қўшиқни тинглайсиз-у, бири кам дунё каби завқингизнинг бир чети кемтик бўлиб қолаверади.

Бахтга қарши, ҳозирги кунда ҳар жиҳатдан мукамал қўшиқлар Анқонинг уруғи бўлиб кетди. Тўғри, санъаткорлар сафи тобора кенгаймоқда, ёш истеъодлар кўплаб пайдо бўлмоқда. Лекин, қизиқ парадокс: қўшиқчилар сони кўпайган сари яхши қўшиқлар камайиб кетаяпти.

Қўшиқ аслида энг муҳим ва таъсирчан тарбия воситаларидан бири. У одамларни яшашга, курашга, севишга, меҳнат қилишга руҳлантирибгина қолмай, уларнинг

савиясини кўтариши, маънавиятини бойитиши керак. Замонавий кўшиқларнинг кўпчилиги эса, аксинча, умумий савияни туширишга хизмат қиляпти. Таъбир жоиз бўлса, баъзи кўшиқлар ёшларни эзгу ишларга эмас, балки ножўя хатти-ҳаракатларга рағбатлантираяпти.

Ушбу мўъжаз сўнгсўзда биз кўшиқнинг нима сабабдан қадрсизлангани, оммавий тарғибот воситасига айланиб қолганлиги хусусидаги мулоҳазаларимизни баён этиш баробарида, қандай қилиб замонавий кўшиқчилигимиз савиясини кўтариш тўғрисидаги фикрларимизни илгари суришни мақсад қилдик. Зеро, бу ҳозирги кунда маънавият соҳасининг энг оғриқли муаммоларидан бири бўлиб қолди. Зиёлиларимиз, куюнчак кўшиқ мухлисларининг кўшиқчилигимиз савиясидан ташвишланаётгани, оммавий ахборот воситаларида танқидий чиқишлар қилишаётгани бежиз эмас, Бунинг учун бизда мумтоз шеърят ва халқ оғзаки ижодидан иборат икки мустақкам қанот мавжуд: улардан фойдаланиб, ўрганиб, мазмунан теран кўшиқлар яратиш — давр талаби. Ахир, шундай бой кўшиқлар хазинаси, шундай қадимий кўшиқчилик анъанасига эга бўла туриб, енгил-елпи кўшиқларнинг кетидан қувиш биздай маънавияти юксак халққа муносиб иш эмас. Табиатан булбул каби яратувчи халқ бўлган ўзбекка тўтидай бировларга тақлид қилиш, тўғри келганнинг ноғорасига ўйнаш ярашмайди. Халқнинг ўз таъбири билан айтганда: «Бургут пашша тутмайди!»

Машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор: «Толстой бобонинг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқади», — деб лутф қилган эди. Бизнинг мумтоз кўшиқларимиз ҳам шундай: уларни эшитган, мағзини чаққан саринг янги-янги маъноларини топиб, ҳайратга тушсан киши.

Минг йиллар тажрибасини ўзида жамлагани учун халқ кўшиқларининг ҳам мазмуни чуқур, фалсафаси теран, ифода тарзи гўзал. Ўзининг табиийлиги ва самимийлиги, таъсирчанлиги билан юракка чиппа ёпишади. Биргина мисол келтирайлик:

Бу бири кам дунёда тўкис бахт, мукамал тақдир,  
боқий хотиржамлик йўқ. Олам олам бўлиб яралгандан  
буён ўзини ҳар жиҳатдан саодатли санаган инсон ўтган  
эмас: бойда кўпинча бахту фароғат йўқ, камбағалда  
молу давлат; биров тирноққа зор, биров ноқобил фарзандидан  
безор; кимдир севгани билан бўлолмаган,

кимдир севганининг қадрини билолмаган; баъзилар бош-кеги йўқ турмуш ташвишларидан чарчаган, баъзилар бир текис, сокин ҳаётдан безган... Хуллас, ҳамманинг бир дарди, бир армони, бир кам кўсти бор. «Бу дунёда бағри бутун одам йўқ!» — деган ана шу чуқур ҳаётий фалсафани халқ мана бундай гўзал бадий образда ифодалайди:

*Бу дунёда топилса  
Бирор бағри бутуни,  
Қоғоздан ўчоқ ясай,  
Гулдан қилай ўтини.*

Мумтоз кўшиқлар матнини танлашда биз асосан, шоирлар девонига таяниб, уларни имкон қадар тўлиқ беришни маъқул кўрдик. Сабаби: муайян олинган кўшиқ бир неча куйга солиб айтилган, бирида тушиб қолган байт ёки бандлар бошқасида тикланган. Қолаверса, ҳар бир хонанданинг ўз диди бор: балки унга айнан илгариги ижроларда тушиб қолган мисралар маъқул бўлар. Айтайлик, Завқийнинг «Юзунгни кўрсатиб аввал...» деб бошланадиган мухаммасини мумтоз кўшиқларимизнинг бетакрор ижрочиси Тожиддин Муродов «Гиря» куйига солиб, нисбатан тўлиқ ҳолида айтгани маълум: унинг ижросида мухаммас 4 банд — 20 мисрадан иборат. Ҳолбуки, «Асирий» ва «Оромижон» куйларига солинганда унинг фақат икки банди куйланган.

Маълумки, мумтоз кўшиқларимизнинг матнини тушуниш осон эмас. Уларда эскирган сўзлар, форсий-арабий иборалар анча-мунча. Ўқувчиларга қулайлик яратиш, уларнинг қимматли вақтини тежаш учун тушунарсиз сўзларга матн остида изоҳ беришни лозим топдик. Мақсадимиз — ўқувчи мутолаа жараёнининг ўзида матннинг маъно-мағзини чақиб олсин. Қалин-қалин луғатларни титиб, керакли сўзларни излашга ҳамма ҳам вақт тополмайди, барчанинг ҳам ҳафсаласи етмайди. Қолаверса, баъзан ўша луғатлардан зарур сўзларни топмай, овора ҳам бўласиз. Хонандаларимизнинг баъзи сўзларни тушунмай, ижро жараёнида бузиб, нотўғри талаффуз қилаётганлилари ҳам бизни шундай йўл тутишга ундади.

Азиз кўшиқсевар мухлислар! Сизга ҳавола қилинаётган ушбу тўплам асосан асрлар давомида куйланиб келган, ҳозирда ҳам севиб ижро этилаётган, бундан

кейин ҳам яшашда давом этадиган умрбоқий қўшиқлардан тузилди. Уларнинг адади кўп — биз бу мўъжаз тўпламда бугунги кун нуқтаи назаридан энг машҳур қўшиқларнигина танлаб олишга ҳаракат қилдик. Лекин изланишлар давом этади. Мухлислар ва мугахассисларнинг фикру мулоҳазалари, таклифларини инobatга олиб, келгусида уни мукаммаллаштириш, имкони борича, барча энг машҳур қўшиқларни бир муқова остида жамлаб, қўшиқсевар халқимизга тақдим этиш ниятимиз бор.

Бу тўплам қўшиқсевар халқимизни машҳур қўшиқлардан баҳраманд этиш, санъаткорларимизга уларнинг матнини топишга кўмаклашишнигина кўзда тутмайди, айни пайтда, уларни шу ва шунга ўхшаш шаклан гўзал ва мазмунан теран, халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган қўшиқларни куйлашга даъват ҳам этади.

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

## МУНДАРИЖА

Атоий . . . . .	3
Лутфий . . . . .	5
Ҳофиз Хоразмий . . . . .	10
Низомий Ганжавий . . . . .	11
Ҳофиз Шерозий . . . . .	12
Алишер Навоий . . . . .	14
Заҳриддин Муҳаммад Бобур . . . . .	55
Фузулий . . . . .	73
Бобораҳим Машраб . . . . .	83
Амирий . . . . .	114
Нодира . . . . .	115
Увайсий . . . . .	122
Маҳзуна . . . . .	126
Мужрим-Обид . . . . .	128
Огаҳий . . . . .	129
Комил . . . . .	137
Муқимий . . . . .	140
Фурқат . . . . .	149
Завқий . . . . .	163
Ҳазиний . . . . .	165
Ҳамза . . . . .	166
Мискин . . . . .	172
Ноқис . . . . .	174
Нозимахоним . . . . .	175
Чокар . . . . .	176
Махтумқули . . . . .	178
Билол Нозим . . . . .	186
Чўлпон . . . . .	187
Халқ . . . . .	189
Хислат . . . . .	190
Ҳамид Олимжон . . . . .	192
Бодил . . . . .	193
Ўзбек халқ кўшиқлари . . . . .	194
Халқ руҳиятининг кўзгуси (сўнг сўз) . . . . .	217

# УМРБОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР

*I китоб*

*Лойиҳа муаллифи Аҳрор Аҳмедов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2002

Муҳаррир — А. Аҳмедов  
Бадий муҳаррир — А. Мусахўжаев  
Техник муҳаррир — Р. Бобохонова  
Мусахҳиҳлар Ю. Бизаатова, Ш. Хуррамова

Теришга берилди 27.09.2002. Босишга рухсат этилди 19.11.2002.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 11,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 9,2. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 4093. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси**  
**700083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**